



ТЕРАН БИЛИМЛИ ВА БАГРИКЕНГ ОЛИМ

Тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийиси
МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ
80 ёшда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ТЕРАН БИЛИМЛИ ВА БАГРИКЕНГ
ОЛИМ**

Тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси
ИСҲОҚОВ МИРСОДИҚ МИРСУЛТОН ЎҒЛИ
80 ёшда

Тошкент – 2023

Ушбу рисола тарих фанлари доктори, профессор Исҳоқов Мирсодик Мирсултон ўғлиниң илмий фаолиятига бағишлиланган бўлиб, унда олимнинг ўзбек шарқшунослиги, сүғдшунослиги, авесташунослиги равнақига қўшган улуши, илмий асарлари таҳлили, ўзбек тарихшунослигидаги улут хизматларининг эътирофи ва соҳа мутахассисларининг унга бағишлиб айтган кўнгил сўзлари ўрин олган.

Масъулмухаррар:
Қосимжон Содиков, филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчила:
Кудратулла Омонов, филология фанлари доктори, профессор.
Зухриддин Алимов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

*Рисола Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашиниң 2022 йил 29 декабрдаги 5-сонли мажслис қарори
билин чоп этишига тавсия этилган.*

ҚУТЛОВ

**Рихсиева Гулчехра Шавкатовна, Тошкент давлат
шарқшунослик университети ректори:**

Тошкент давлат шарқшунослик университети Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси профессори, тарих фанлари доктори ҳурматли Мирсадик Мирсултонович!

Сизни ўз номимдан ва қўп сонли жамоамиз номидан табаррук саксон ёшингиз билан чин кўнгилдан қутлайман.

Сизнинг ўзбек фанида яратган илмий ишларингиз, ўқув соҳасида олиб бораётган фаолиятингиз кўпчиликка, айниқса, ёшларимизга ибрат.

Сиз тарафингиздан ёқланган “Сўғд тилида феъл системаси” мавзуидаги номзодлик диссертацияси, “Сўғд ёзма ёдгорликларининг палеографик тадқиқи” мавзуидаги докторлик диссертацияси дунё суғдшунослик илмида катта янгилик бўлган.

1970-1978 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтида илмий ходим, катта илмий ходим вазифаларида ишлаб, жонли дала археологик тажрибасини орттириб, Қашқадарёда Ерқўргон харобаларида Авесто даври дафн маросимида оид даҳма таркибини археологик тўлиқ очишга эришдингиз ва ёзма манбаларда келган маълумотларнинг тўғрилигини амалда исботладингиз.

Сиз узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулеймонов номидаги Қўлёзмалар институтида катта илмий ходим, сўнг бўлим мудири лавозимларида ишлаб, Марказий Осиёнинг араб истилосига қадар қадимий ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи йўналишида изланишлар олиб бориб, тарихий манбашуносликнинг янги саҳифасини очдингиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори лавозимида ишлаган даврингизда (1998-2000 йиллар) институт фаолиятининг тубдан янгиланиши, таркибий тузилмаларнинг қайта ташкил этилиши, тарих тадқиқотлари

концептуал асосларининг объективлик ва ҳаққонийлик томон бурилиш даврини бошлаб бердингиз.

Биз сизнинг педагогик фаолиятингизни ҳам юқори баҳолаймиз. 1978-1981 йилларда Тошкент давлат маданият институтида доцент, 1998 йилдан бошлаб Тошкент давлат шарқшунослик университети Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси мудири, сўнгра Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси мудири, ҳозирда эса айни кафедра профессори лавозимларида ишлаб келмоқдасиз.

Сиз ўқув режасидаги тарих соҳаси билан боғлиқ таълим йўналиши ва магистратура мутахассисларни ўқув фанларининг оптималь тизимини шакллантиришда фаол хизмат қилиб, уларнинг такомили йўлида бошчилик қилиб келмоқдасиз.

Сизнинг илмий фаолиятингиз серқирра. Ўнга яқин монографияларингиз, халқимизнинг ноёб тарихий, маданий-маънавий мероси бўлмиш “Авесто” муаммолари билан шугулланиб, бу ёдгорликни илмий изоҳлар билан ўзбек тилида амалга оширган нашрингиз, бир неча илмий давлат гранти лойиҳаларидаги фаолиятингиз илмий жамоатчилик тарафидан эътироф этилмоқда.

“Тарихий манбашунослик, тарихшунослик, тарих тадқоқотлари методи ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзуидаги Республика анъанавий йиллик конференциясининг ташкилотчиси сифатидаги хизматларингиз тахсинга лойик.

Сиз илмий билимларнинг моҳир тарғиботчиси сифатида ҳам кенг танилдингиз. Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали кўплаб чиқишлар, телемулоқотлардаги иштирокингиз, интервьюларингиз, Тошкент шаҳри тарихига оид туркум кўрстатурвлар, “Академсоат” ва “Мозийга саёҳат” каби лойиҳалар асосида тайёрланган телевизион дарслар, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Тошкент”, “Ёшлар”, “Ўзбекистон тарихи” каналлари орқали илмий-оммабоп чиқишларингиз халқимизга манзур бўлиб келмоқда.

Сиз тарих фанининг қадимий даврлари манбашунослиги соҳаси бўйича катта илмий мактаб яратдингиз. Сизнинг масла-хатларингиз билан фан докторлари, илмий раҳбарлигингиз остида фан номзодлари ва фалсафа докторлари етишиб чиқмоқда.

Муборак 80 ёшингиз арафасида мамлакатимиз раҳбари фармони билан юксак давлат мукофоти – “Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси” унвони билан тақдирланганингиз меҳнатларингизнинг Президентимиз ва ҳукумат томонидан муносиб эътирофи бўлди.

Ҳурматли Мирсадик Мирсултонович!

Биз республикамизда ва жаҳон миқёсида тан олинган манбашунос-тарихчи, Марказий Осиё минтақасида биринчи сүғдшунос, араб истилосигача амал қилган қадимий ёзув ёдгорликлари палеографияси бўйича ноёб мутахассис, Ўзбекистонда илмий авестошуносликнинг ривожига сезиларли ҳисса қўшган олим, Сиздек Устоз билан бир жамоада ишлаётганимиздан фахрланамиз.

Сизни улуг ёшингиз билан қутлаб, сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилайман.

МИРСОДИҚ ИСХОҚОВНИНГ ИЛМИЙ ВА ПЕДАГОГИК ЙЎЛИ

МИРСОДИҚ ИСХОҚОВ ВА ЖАҲОН СУҒДШУНОСЛИГИ

Бобур Ғойибов,
тариҳ фанлари доктори, СамДУ доценти.

Мирсадик Мирсултонович Исҳоқов Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги сұғдий ёзув намуналарининг нодир тадқиқотчиси хисобланиб, олимнинг ижодий фаолияти серқирра. М. Исҳоқовнинг оромий аждод ёзувдан ошлаб, сұғдий, хоразмий, паҳлавий, авестий, эроний ва туркий тиллар учун бир хилда амал қилган сурёний, монийча, сұғд ёзуви намунаси асосида шарқда тарқалған уйғур туркийси, мұғул ва, ниҳоят, сұғд ёзувининг илк ўрта асрлардаги намуналарига асосланиб яратылған, кейинчалик, Когурйо қироли Сежон даврида ислоҳ қилиниб, 1446 йилда миллий корейс алифбеси деб эълон қилинған корейс ёзувларига бағишланған юзлаб тадқиқотлари тарихчи, этнограф, археолог ва лингвистлар учун муҳим манбалар бўлиб хизмат қилмоқда. Турфон сұғдий хужжатлари, Муғ тоғи архиви, Култўба эпиграфик манбалари, “Кўхна хатлар”, Бугут ёдномаси, Афросиёб деворий суратларидаги ёзув намуналари, Чилхужра хужжатлари, Суғд ва ундан ташқаридан топилған нумизматик материаллар, Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидан топилған муҳрларда келтирилған сұғдий ёзувларни тадқиқ этишда соҳа мутахассислари ҳозирги кунда М. Исҳоқов тавсиялари ва маслаҳатларига асосланишади. Ушбу манбаларнинг аксарият катта қисмини улардаги ёзувнинг яхши сақланмаганлиги боис талқин этиш мураккаблик туғдиради. Уларни китобхон эътиборига ҳавола қилишда ўзига хос ёндашув ва услуг керак бўлади. Бу борада профессор М. Исҳоқовнинг ўзига хос услубини эътироф этиш лозим. М. Исҳоқов Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, сұғдий ёзувнинг келиб чиқиши ва тараққиёт йўлларини тадқиқ этиш масаласига кўл урган олим хисобланади. Ушбу масалага доир фикрларни илгари суришдан

олдин жаҳонда суғдшуносликнинг вужудга келиши ва у билан боғлиқ жараёнларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Том маънода суғдшунослик Шарқий Туркистондан топилган сурёний, моний ёзма ёдгорликларининг топилишидан сўнг бошланди (1905–1906). Сурёний ва моний ёдгорликлари, асосан, Турфон (буғунги XXРнинг Синьцзян-Уйғур автоном вилояти ҳудуди (маркази Гаочан) воҳасидан топилган бўлиб, мазкур ҳужжатлар Ф.В.К. Мюллер (1863–1930) томонидан биринчи маротаба немис тилига таржима қилинган ва буғунги кунга қадар дунёвий тилларга (рус, инглиз, француз) ҳам ўгирилган.

Турфондан топилган ҳужжатларнинг (1902–1906 йилларда А. Стейн (1862–1943) томонидан Шарқий Туркистонда олиб борилган экспедиция натижасида топилган туркий, хитой ҳамда суғдий ҳужжатлар) [Chavannes 1903: 229] суғдий тилда эканлиги биринчи маротаба Ф.К.Андреас томонидан аниқланган. Олим томонидан Турфондан топилган номаълум монийча *Pehlevi-Dialekt* шевасидаги астрономияга оид атамалар (йил, ой, ҳафта кунлари) Абу Райҳон Берунийнинг “Хронология” асарида келтирилган суғдий атамаларга ўхшаш [Бобоев 2015: 12–17]. Бу ҳақда Ф.К.Андреас биринчи бўлиб 1904 йилда Ф.В.К.Мюллерга хабар берди. Ушбу санани суғдий тил ва ёзувни ўрганишнинг бошланиш санаси деб эътироф этиш мумкин.

Ф.К.Андреас томонидан кейинги йилларда Турфондан топилган моний матнларининг суғдийча эканлигини тўлдирадиган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган [Лившиц, Хромов 1981: 350–351]. Бундан ташқари, моний матнларининг суғдийча эканлиги айрим этник атамаларнинг талқини натижасида ҳам янада аниқлашди [Исҳоков 1990а: 4]. Гап шундаки, суғдий тилнинг мавжуд эканлигини олимлар билишса-да, унинг манбалари маълум эмасди. Бу эса албатта уларни таққослашда керак бўларди.

Бу даврда Турфондан топилган суғдий-моний, суғдий-христиан ва суғдий-буддавий адабиёт намуналари грамматикасини ўрганишда силжишлар кўзга ташланади. Жумладан, академик К.Г. Залеман (1879–1968) суғдий-моний, суғдий-христиан матнлари устида олиб борган изланишлари бу борадаги илк тадқиқотлар бўлди [Salemann 1907; Salemann 1913: 1125–1144]. Мазкур ҳужжатларнинг суғдий тилда ёзилганлиги 1907 йилда К. Залеман

томонидан аниқланган. Ушбу ҳужжатларни тадқиқ этиш ва аниқлаш давомида К. Залеман суғдий тилнинг грамматик хусусиятларига доир бир қатор жиддий кўрсатмалар бериб, ушбу тилнинг яғнобий тилга яқин эканлигини илгари сурган. К. Залеман фикрлари Ф.К. Андреас томонидан ҳам қўллаб-қувватланган [Боголюбов 1956: 16].

Шарқий Туркистондан топилган учинчи ёзув намунаси уйғур ёзувига яқин бўлиб, Ф.В.К. Мюллер томонидан ушбу ҳужжатларнинг тадқиқи бошланган. Ф.В.К. Мюллер ушбу ҳужжатдаги алифбо IX асрга дахлдор деб эътироф этилган Қораболғасун (Мўғулистон/Архангай. Уйғур хоқонлиги даврига оид ёдгорлик (808–832 йиллар)) [Лившиц 1981: 79–87] ёзувининг суғдий варианти эканлигини илгари сурган эди. Бу эса Р. Готьо томонидан янада аниқлаштирилди ҳамда ушбу алифбо суғдий эканлиги аниқланди [Gauthiot 1911; Gauthiot 1914–1923]. Дастрлаб Ж. Гамилтон [Hamilton 1990: 125–133], сўнгра Т. Мориясу ва Ю. Ёшида [Moriyasu, Yoshida, Katayama 2010: 14a–14q] томонидан Қорабалғасун ёзувлари қайта нашр этилди. Р.Готьонинг соҳага оид яна бир хизмати шундан иборатки, у Будданинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ “Вессантара жатака” (Будданинг туғулиши тўғрисидаги ривоятлар) устида тадқиқотлар олиб борди [Gauthiot 2012]. Лекин мазкур тадқиқот Р. Готьонинг издошларидан бири, XX асрдаги энг таниқли лингвистлардан бири Э. Бенвенист (1902–1976) томонидан тўла нашр этилган [Benveniste 1946]. “Вессантара жатака”нинг ўзбек тилидаги изоҳлар билан тўлдирилган ҳолдаги варианти эса кейинчалик ўзбек сүфдшунослари М. Исҳоқов ва А.Отахўжаевлар томонидан эълон қилинди [Қаюмов, Исҳоқов, Отахўжаев, Содиков 2000: 33–116].

Таъкидлаш лозимки, Суғднинг ўзида ҳам бир қанча суғдий ёзма ёдгорликлар топилган бўлишига қарамай, Шарқий Туркистондан топилган суғдий ҳужжатлар ушбу тил хусусиятларини тадқиқ этишда асосий манба бўлиб қолаверади.

Кейинги даврларга оид яна бир суғдий ҳужжатлар туркуми фанга “Кўхна хатлар” (ҳозирда Лондондаги Британия музейида сақланмоқда) номи билан маълум. Мазкур суғдий ҳужжатларнинг сони 9 та бўлиб, улар хитой қофози ва ипак матога битилган. Ушбу хатлар 1906 йилда А.Стейн экспедицияси томонидан Дунхуандаги қоровул

минораси харобаларидан топилган. “Кўхна хатлар” транслитерацияси биринчи бўлиб Г.Рейхальт томонидан эълон қилинган бўлса-да, уларнинг санаси эроншунос В.Б. Хеннинг (1908–1967) томонидан аниқланган [Henning 1948: 601–615] ҳамда тадқиқотчи ҳужжат санасига асос сифатида 307 йилда Е ва 312 йилда Лоян шаҳарлари-нинг эгалланишини келтиради [Лившиц 2008: 173]. Ушбу фикр Ф. Грене ва Н. Симс-Вильямс томонидан ҳам қўллаб-қувватланган [Grenet, Sims-Williams 1987: 101–122]. Венгер олими Я. Харматта эса ушбу ҳужжатларнинг санаси милодий 196 йилга дахлдор деб кўрсатишни таклиф этиб, бу санани юз йилдан ортиқроқ муддатга қадимийлаштиришга ҳаракат қиласди [Harmatta 1979: 153–165]. Бизнингча, В.Б.Хеннинг талқини тўғри бўлиб, унда хунларнинг ҳужумлари ва Лояннинг ёнғин остида қолиши билан боғлиқ тарихий жараён ҳақида гап боради. Бу эса ўша замон тарихий жараёнларига мос келади.

Ҳужжатнинг қоровул минораси хоналари саҳни остига кўмиб, яшириб қолдиригани ҳам тасодиф эмас. Ушбу суғдий мактубларда Лояндаги суғдийлар, Суғд мамлакати, Самарқанд, Хитойдаги суғдий савдогарлар жамоалари, уларнинг савдо маршрутлари ҳақида гап боради. Ҳужжатларнинг бирида *Меванча* исмли қиз номи қайд этилган бўлиб, чопар унинг хатини Самарқандга етказиш учун йўлга чиққан эди. Чопар бу хатни Самарқандга етказа олмаган. *Меванча* ва бошқа хат эгалари ҳам чопарнинг хатни етказа олмаганлигидан бехабар бўлишган. Чопар беш йил ўтиб қайтиб келган. Чунки унинг Самарқандга бориш йўли хунлар томонидан эгалланган эди. Чопар иккинчи маротаба йўлга чиққан ва ўзи билан яна хатлар олган. Жумладан, Меванчанинг иккинчи хати ҳам шунда фидокор почтачининг чарм халтасига тушган. Иккинчи маротаба ҳам хавф-хатарга тўла йўл унга мазкур хатларни манзилига – Самарқандга етказиш имконини бермаган. Қоровул минораси тагига душманлардан яширишга мажбур бўлган. Натижада орадан ўн беш асрдан ортиқ вақт ўтиб ушбу мактублар олимлар томонидан топилган [Исҳоқов 1990а: 7].

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Синъязн-Уйғур автоном вилояти (XXР) ҳудудида жойлашган тарихий Чинончкат (“Чинлар шаҳри” маъносида топоним)дан 639 йилга оид суғдий ҳужжат топилиши ҳам суғдшуносликда муҳим воқелик бўлган эди. Ша

хужжатда Туркистон атамаси биринчи бора ёзма ёдгорликда қайд этилани Исҳоқов томонидан биринчи бора аниқланган эди.

Япон шарқшуноси Ютака Йошиданинг Цинъзян-Уйғур автоном вилояти маъмурӣ маркази Урумчига (Хитой) қилган сафари чоғида шаҳар музейида сақланаётган, фанга ҳали номаълум бўлган суғдий хужжат мавжудлиги маълум бўлган. Суғдийларнинг Хитойдаги фаолиятларига доир мазкур хужжат илк бора Ютака Йошида томонидан ўқилган ва япон тилида нашр этилган. Ўтган аср 80-йилларининг охирларида Ю. Йошида ва Т. Мориясу ҳаммуаллифлигига хужжатнинг япон тилидан инглиз тилига таржимаси амалга оширилган [Yoshida, Moriyasu 1988: 1–50]. Бу эса суғдшунослик ва шарқшуносликда муҳим янгилик ҳисобланабиб, суғдийларнинг Хитойдаги фаолиятларини ёритишда муҳим манба ҳисобланарди.

Хужжат америкалик шарқшунос Ричард Фрай тавсияси ва ёрдами асосида Д. Довутов томонидан рус тилига таржима қилинган [Давутов 1992]. Чинончканд хужжатининг ўзбекча талқини М. Исҳоқов томонидан маҳорат билан амалга оширилган эди [Исҳоқов 1993: 1–5].

Хужжат илк ўрта аср шаҳар ҳаробаси Чинончканд шаҳри атрофидаги Остона деб номланган қабри юзасининг қумлоқ қисмидан топилган. Ушбу суғдий хужжат билан бирга қабрдан 638 йилга оид ер олди-сотдисига оид хитойча хужжат ҳам топилган. Хитой хужжатида кўрсатилгани каби суғдий хужжатда ҳам у хитой, туркий ва суғдий тақвим асосида тузилганлиги кўрсатилган. Шунинг учун ҳам хужжатнинг санасини аниқ белгилаш қийинчилик туғдирмайди. Шунингдек, хужжатда унинг тузилган даври Цзюй сулоласи ҳукмдори Вэнътай даврида эканлигига доир ишора келтирилади. Вэнътай 624–640 йилларда ҳукмронлик қилган бўлиб, суғдий хужжат ана шу йиллар оралиғида (17 йил) тузилган бўлиши мумкин. Хужжатнинг тузилган санасини ўн икки йиллик туркий тақвим асосида аниқлаш муҳим натижа бериш мумкин. Ўн икки йиллик ҳайвон йилларини бугунги тақвим жадвалиги солиши натижасида маълум бўладики, суғдий хужжат тўнғиз йилида битилган. Тўнғиз йили Вэнътай ҳукмронлигининг 627 ва 639 йилларидан бирига тўғри келади. Суғдий хужжат ушбу икки йилнинг бирига тўғри келади. Маълумки, суғдий хужжат билан бирга хитой

хужжати ҳам топилган эди. Унинг санаси аниқ 638 йил деб даврлаштирилган. Бизнингча, иккала ҳужжат ҳам 639 йилда қабрга кўмилган ва суғдий ҳужжатнинг тузулиши ҳам 627 йил эмас, балки 639 йил бўлиши эҳтимоли юқори. Чунки ҳужжатлар 12 йиллик оралиқ билан қабрга кўмилган бўлиши эҳтимоли жуда кам.

Ушбу суғдий ҳужжатнинг Турфон воҳасидан топилиши тасодиф эмас. Ўтган асрнинг бошларидаёқ бу ердан суғдий ёзув намуналарининг топилиши суғдий тилни ўрганишни бошлаб берган эди. Мазкур ҳужжатларнинг Турфон бўйлаб топилиши бу ерда суғдийларнинг қизғин савдо фаолиятидан дарак беради. Натижада карвон йўллари бўйлаб Суғд савдо манзиллари – қишлоқлари ва шаҳарлари барпо бўла бошлади. Суғдий тил халқаро савдо-сотик, алоқа тили даражасига етди. Суғдийлар Хитойнинг турли ҳудудларига мил. авв. IV асрлардаёқ кириб борганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, улар кўплаб яшайдиган маҳаллаларни Хитойнинг йирик шаҳар ва қишлоқларида илк ўрта асрларда ҳам учратиш мумкин эди. Туркистона туғилган чўри аёл Упачани сотиш бўйича савдо шартномаси тузилган Чинончканд шаҳрининг ҳам катта қисмини суғдий этнос вакиллари ташкил этган. Жумладан, олди-сотдида қатнашган чўри аёл, унинг хўжайини, тўртала гувоҳ ва ҳужжат тузувчи котиб ҳам суғдий Охван Патурак ўғли эканлиги, ўз навбатида Охван ушбу ҳужжатни отаси котиб Патуракнинг рухсати билан тузгани кабилар Шарқий Туркистонда суғдий котибчилик касбининг наслдан наслга ўтганлигини ҳам тасдиқлайди. Ҳужжатда “Туркистон” иборасининг биринчи марта ушраши муҳим аҳамият касб этарди.

Шарқий Туркистондан топилган юқорида таъкидланган ҳужжатлар тадқиқотлари Ф.В.К. Мюллер ва Ф.К. Andreas томонидан бошланган бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг немис, француз, инглиз тилларида дунё юзини кўришида К. Залеман (суғдий тилнинг тавсифий грамматикаси тафсилотларини ёзган), Э.Захау (христиан матнларини нашрга тайёрлаган), Р.Готьо (суғдий тил ёзма ёдгорликларини тадқиқотчилар учун ўқиб фойдаланишни қулайлаштириш учун лотин-юнон ҳарфларидан фойдаланиб, махсус транслитерация белгиларини ишлаб чиқди: La Alphabet de la Sogdienne, 1910), Э. Бенвинист (буддавий ва христиан матнлари асосида суғдий тил сўз туркумлари, уларнинг категориялари ва сўз

тузилишини ишлаб чиқкан), П. Тедеско (суғдий тилдаги сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи грамматик воситалар масалаларига бағишлиланган бир қатор муҳим тадқиқотларни амалга оширган. Жумладан, П. Тедеско грамматик маъно тақсимланишида сўз ўзакларининг икки турга, яъни оғир ва енгил ўзакларга ажралишини аниклади. Бу ҳодиса М. Исҳоқов томонидан суғд грамматикасининг феъл тизими устида иш олиб борганда шахс-сон, замон ва бошқа категорияларнинг грамматик хоссасларини тўғри талқн қилинишига олиб келди.), В.Б. Хеннинг (буддавий, моний, христиан матнларининг солиштирма тадқиқини амалга оширган) каби олимларнинг ишлари кейинчалик И. Гершевич, Д.Н. Маккензи, М. Шварц, В. Зундерман, Н. Симс-Вильямс, Мартин Шварцлар томонидан давом эттирилди [Лившиц, Хромов 1981: 350–354]. Айниқса, И. Гершевичнинг суғдий тилнинг фонетик тизими ва грамматикаси борасидаги фикрлари суғдшуносликнинг кейинги тараққиёти учун улкан хизмат қилди [Gershewitch 1954, 1960].

Таъкидлаш лозимки, Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари 1932–1933 йилларда топилган бўлса-да, уларнинг 1962–1963 йилларга қадар тўлиқ нашр этилмаганлиги сабаб илмий жаоматчилик суғдий ёзувдаги мавжуд ҳужжатлар буддавий, христиан, моний ҳужжатларидаги диний мазмундаги матнлардан иборат деб тасаввур этган.

Бир сўз билан айтганда, 1905–1906 йилларда Турфондан топилган суғдий ёзма ёдгорликларнинг Европа олимлари томонидан ўрганилиши жаҳонда суғдшуносликнинг вужудга келишига замин яратди. К.Г. Залеман раҳбарлигига тадқиқотлар олиб борган Ф.А. Фрейманнинг илмий изланишлари соҳани янада олдинги силжишига олиб келди. Россия (А.А. Фрейман, В.А. Лишиц, О.И. Смирнова, И. Якубович, П.Б. Лурье), Япония (Ютака Йошида, А. Бегматов), Эрон (Б. Гариб, З. Заршинос), АҚШ (Р. Фрай, М. Шварц, П.О. Шерву, Аншуман Пандей), Франция (Ф. Грена, Раҳам Аша, Етиен де ла Вессиер), Буюк Британия (Н. Симс-Вильямс), Германия (В.Б. Хеннинг, Х. Хумбах, Х. Тремблай, Кристиан Рек), Венгрия (Я. Харматта) каби давлатларда жаҳон миқёсидағи тадқиқотлар амалга оширилиб, муаяйн суғдшунослик мактаблари шаклланди.

XX асрнинг 70- йилларида Ўзбекистонда ҳам суғдшуносликнинг вужудга келишига имкон яратилди. Рус суғдшуноси В.А. Лившиц раҳбарлигига илмий изланишлар олиб борган М. Исҳоқов

ўзбек суғдшунослигига ўз мактабини яратди. Олимнинг илмий изланишлари анчайин кенг бўлиб, М.Исҳоқов авестошунослик, эроний тиллар тарихи ва муаммолари, Марказий Осиё халқлари тарихининг назарий асослари билан бир қаторда суғдий ёзма ёдгорликларининг палеографиясига жиддий эътибор қаратган ва суғдшунослик келажакда Ўзбекистон тарихини ўрганишда устувор соҳалардан бири бўлишини белгилаган. Эътирофли жиҳати ўзбек китобхони суғдий ёзма манбалардаги Суғдиёна тарихини М. Исҳоқов тадқиқотлари асосида билади.

Олимнинг суғдшуносликка оид илк тадқиқотлари суғдий ёзувда феъл масалаларига бағишлиланган [Исхаков 1969; Исҳаков 1972; Исҳаков 1973; Исҳаков 1977]. Эътиборлиси шуки, М. Исҳоқовнинг ўтган аср 60–70- йилларида амалга оширган суғдий тилида феъл хусусиятларига доир тадқиқотлари бугунги кунда ўзининг долзарблигини йўқотмаган ва ҳамон соҳа мутахассисларининг илмий ишларидан муҳим тадқиқот сифати жой олган. Бунга асосий сабаб тадқиқот суғдий тилдаги феъл сўз туркумига оид муаммоларнинг оригинал талқини ҳисобланади. Олимнинг Турфон ҳужжатлари ва Муғ тоги суғдий ҳужжатларидаги феъл шаклларининг аниқ, моҳиятан тўғри ҳамда ҳозирги кунда сақланиб қолган ҳолатдаги шакли билан қиёсий таҳлили ушбу ишларнинг илмийлиги ва жозибадорлигини кучайтирган десак, муболага бўлмайди. Тарихий атамаларни ҳозирги кунда сақланиб қолган шакллари билан солиштириш ва шу аснода тушунтириш М. Исҳоқовнинг суғдий ёзма ёдгорликлар талқинидаги муҳим услубияти эканлигини таъкидлаш жоиз. Суғдий ҳужжатларнинг бирламчи лингвистик манбалар эканлигини ва уларнинг аҳамиятини тўғри кўрсатиш кейинги тадқиқотлар учун муҳим эканлигини олим тўғри тушунган ҳолда феълларни ўз услубида талқин этган.

М.Исҳоқовнинг ҳар бир суғдий ҳужжат талқинига шубҳа билан қараси, унинг талқин масаласида ўз фикрларини илгари суринши, тўғри талқин қилинган ибораларни қабул қилиши ҳам унинг услубияти жозибадорлигидан дарак беради. Олимнинг муҳим хусусиятларидан бир шуки, у киши ҳозирда ҳам аксарият ҳолларда қофозда ёзишни ва сухбатдошига хатда тушунтиришни маъқул кўради. Энг муҳими, ҳар бир фикр учун ўнлаб ёзма манбалар ва

илемий адабиётларни асос сифатида келтириши, ўқувчида рад этиб бўлмас факт сифатида тасаввур уйғотади.

Мирсадик Исҳоқов билан ўн беш йилдан ортиқ давр мобайнида илемий фаолият олиб борган тадқиқотчи сифатида айтишим мумкинки, олим (ҳозирда ҳам сұхбатлар жараёнида, айниқса, Муғтоғи суғдий ҳужжатлари ҳақида гап борганды) ҳарфларни таҳлил қилиб, маъно чиқариш бефойда эканлигини ва бутун иборани талқин қилишга эътибор қаратиш муҳим эканлигини таъкидлаб кела-дилар. Бошқа суғдий манбалар орқали кўплаб турли тиллардаги ибораларни билган олим матн тузулиши, ҳужжат палеографияси, имлоси ва синтаксиси хусусиятлари асосида мавжуд катего-рияларни талқин этишини шогирдларга уқтирадилар. Бу услубни ўз устозлари В.А.Лившиц услуби эканлигини фахр билан таъкидлай-дилар. Суғдий ёзувлар талқини билан боғлиқ бир қатор усулларни олим айнан устози В.А.Лившицдан ўрганганликлари, Буғут ёдно-маси устида В.А. Лившиц ва С.Г. Кляшторний билан бирга ишлаганликлари у кишининг кейинги ижод йўлида катта мактаб бўлганини мароқ билан гапириб берадилар. Шунингдек, академик Я.Ғуломов тавсиясига кўра В.А.Лившиц ҳузурига – Ленинградга жўнатилган М. Исҳоқов ўзининг лингвист сифатида шаклланиши учун муҳим омил бўлган В.А.Лившиц, О.И.Смирнова, С.Г. Кляш-торний, М.Н. Боголюбов, С.Н. Соколов, Л.Г. Герценберг, А.З. Ро-зенфельд ва бошқа бир қанча олимларнинг маъruzалари муҳим бўлганлигини эътироф этадилар. М. Исҳоқов номзодлик диссер-тацияси устида ишлаган пайтларида деярли устозлари В.А. Лив-шицнинг хонадонида яшаб ишлаганларини алоҳида чуқур мин-натдорлик билан гапириб берадилар. Олим В. Лившицнинг бой кутубхонаси бўлганлигини ва манбалар билан шуғулланишда бу қулай имконият хатто, кутубхоналарга қатнашга ҳам деярли ҳожат қолдирмаганинини устоз кўп эслайдилар. Умуман, илм дунёсига кириш, хусусан, эроншунослик, унинг ўлик тиллар билан шуғул-ланадиган соҳасига киришда В.А. Лившиц Мирсадик Исҳоқовга мисли кўрилмаган устозлик, буюк инсонийлик кўрсатгани шогирд қалбida абадий муҳрланган. Айни шу даврда М. Исҳоқов умумий тилшунослик, тил назарияси, қадимиј ёзма ёдгорликлар палеог-рафияси устида ишлаш технологияси, номаълум матнларни ўқиши ва талқин қилиш малакасини ҳосил қилди. Қисқаси, Ленинград М.

Исҳоқовнинг ҳаётида буюк мактаб, Ленинград илмий мактаби сифатида муҳим роль ўйнади.

Мазмуни, тузилиши, палеографик, стилистик ва матн хусусиятлари жиҳатидан суғдий манбаларни талқин қилишда илк мустақил қадамлар олимнинг бир қатор изланишларида намоён бўлади [Исҳоқов 1983: 18–19; Исҳоқов 1987; Исҳаков 1987; Исҳаков 1988; Исҳоқов 1989: 3–146]. Олимнинг ушбу ишларида суғдий жумлаларни талқин этишда ёзув шакли ва унинг турли хусусиятларини тадқиқ этиш бирламчи омил сифатида кўзга ташланади. Ушбу изланишларни М. Исҳоқов ўзининг докторлик диссертациясида якуний хулоса сифатида илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этган [Исҳаков 1992]. Бу борадаги ўз илмий хулосаларининг якуни сифатида олим томонидан нашр этилган “Марказий Осиё жаҳон ёзуви маданияти тизимида” номли монографиясида баён қилган [Исҳаков 2008]. Ушбу тадқиқотларда М.Исҳоқовнинг суғдий ёзувни талқин қилишдаги муҳим услублари акс этган. Жумладан, моний, христиан ва буддавий-суғдий матнларни фарқлашдаги хусусиятлар, Суғд ёзувда “ламед” ҳарфининг вазифаси ва ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатларнинг асосан Уйғур хоқонлиги (744–848) даври билан чегараланиши ҳамда бунга ёзувнинг уйғурлар томонидан ислоҳ қилиниши (шунинг учун ҳам ушбу ҳарф учрайдиган ҳужжатлар Уйғур хоқонлиги даври – VIII асрнинг иккинчи ярми этиб белгиланган) каби масалалар таҳлил қилинган ва суғдий ёзувдан X асрларда ҳам фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу ҳолатни ёзма манбалар ва муаммога доир илмий изланишлар олиб борган В.Б. Хеннинг, Н. Симс-Вильямс, В.А. Лившиц каби олимлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Араб халифалигининг Суғд ва унга қўшни минтақаларни эгаллаганидан сўнг, аксарият суғдийлар Шарқий Туркистонга кетиб қолгани маълум. Шунинг учун ҳам кейинчалик ўз асари учун материаллар йиғиш учун Маҳмуд Кошғарий ҳам айнан Шарқий Туркистонга сафар қилгани бежиз эмас.

1970–1978 йилларда М. Исҳоқов Самарқанддаги археология институтида фаолият олиб борган. Ўзининг суғдий ёзувларни талқин этишдаги қарашларини М. Исҳоқов бир қанча археологик топилмаларни талқин этишда ҳам намоён этган. Ушбу тадқиқотларнинг бир қисми якка муаллифликдаги ва ҳаммуаллифликда

нашрдан чиққан [Исхаков 1974; Исхаков 1974а; Исхаков, Ташходжаев, Ходжайов 1977; Сулейманов, Исхаков 1980; Исхаков 1983: 43–44; Исхаков 1984; Исхаков 1985]. М. Исҳоқовнинг айниқса, археологик тадқиқот объектларидан топилган нумизматик материалларнинг талқинига бағишиланган, арабшунос Ш. Камолиддин ва сұғдшунос Ф. Бобоёрөв билан ҳаммуаллифликдаги тадқиқотидан сўнг бу борадаги баҳсли масалалар ечими янада ойдинлашди [Исхаков, Камолиддин, Бабаяров 2007; Исхаков, Камолиддин, Бабаяров 2008]. Ушбу тадқиқот учун Чоч ва Суғдан топилган тангалар асос бўлиб хизмат қилган. Ушбу тадқиқотларнинг жаҳон сұғдшунослари томонидан эътироф этилиши муҳим аҳамиятга эга.

М. Исҳоқов 1986–1992 йилларда Марказий Осиёning араб истилосига қадар қадимий ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи йўналишида изланишлар олиб бориб, Ўзбекистонда тарихий манбашуносликнинг янги саҳифасини очди. 1992 йилда шу йўналиш бўйича “Палеографическое исследование согдийских письменных памятников Центральной Азии до исламского периода” мавзууда докторлик диссертациясини ёқлаган. Тадқиқот соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилиб, ҳозирги кунда ҳам энг кўп иқтибос берадиган тадқиқотлардан саналади.

1989 йилда нашр этилган “Ўлмас обидалар” номли жамоавий монографиянинг “Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари” номли монографик қисми суғдий ёзувнинг палеографик хусусиятларини, унинг хат усулларини, ёдгорликларда амал қилган дастхат турларини чуқур таҳлил қилган ҳолда тарихимиз манбашунослиги учун янги тадқиқотлар майдони яратилишига хизмат қилди. Суғдий ёзувнинг шаклланиши масаласида М. Исҳоқов ўзига қадар соҳага доир илмий изланишлар олиб борган В.Б. Хеннинг, И. Гершевич ва В.А. Лившицларнинг бу борадаги фикрларини қўллаб-қувватлайди ва бунга асос сифатида Муғархиви ва Турфон хужжатларини келтиради.

2000 йилда чоп этилган “Қадимги ёзма ёдгорликлар” номли монографияда М. Исҳоқов бир қатор суғдий ёзма ёдгорликларнинг ўзбек тилига таржималарини илмий изоҳлар билан нашр этиб, илмий жамоатчиликни ва кенг китобхонлар оммасини суғдий

тилда етиб келган ноёб фалсафий-ахлокий мерос билан таништириди. Ушбу тадқиқот натижасида жаҳон суғдшунослигида кенг ўрганилган будданинг туғулиши ҳақидаги бир қанча ривоятлар ўзбек кутубхони эътиборига ҳавола этилди.

Суғдий ёзма ёдгорликларда илк ўрта асрлар Марказий Осиё ва унга туташ худудлар тарихининг муҳим жараёнлари акс этган. Айниқса, Араб халифалигига қарши қурашдаги ҳамкорлик ва ҳужжатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, иқтисодий-ҳуқуқий масалалар тарихи тарихий тадқиқотлар учун муҳим ҳисобланади. Ўз даврида В.Б. Хеннинг, Н. Симс-Вильямс, Ф. Грене каби олимлар ҳам суғдий ёзма ёдгорликларнинг тарихий талқини якунига етмаганлигини ўз тадқиқотларида келтириб ўтишган. Суғдий ёзувлар билимдони В.А. Лившиц ҳам ушбу ёзма ёдгорликларнинг тарихий талқини якунига етмаганлигини эътироф этган. М. Исҳоқов устозининг ушбу фикрларини тўғри англаган ҳолда суғдий ёзма ёдгорликларнинг лингвистик таҳлили билан бирга уларда акс этган тарихий жараёнларни ҳам қиёсий ўргангандан даврни ўрганишдаги аҳамиятини очиб берган [Исҳоқов 1974; Исҳоқов 1986; Исҳоқов 1990а; Исҳоқов 1990; Исҳоқов 1992; Исҳоқов, Отажўжаев 2001: 6–8; Исҳоқов 2009: 34–40; Исҳоқов 2011; Исҳоқов 2011а; Исҳоқов 2011б; Исҳоқов 2016]. Шу ўринда М.Исҳоқов ижодидаги яна бир жиҳат кўзга ташланади. Бу – олимнинг таржимонлик соҳасидаги юқори илмий савияси эди. М. Исҳоқовнинг “Суғдиёна тарих чорраҳасида” (– 56 б.) ва “Унүтилган подшоликдан хатлар” (– 96 б.) рисолалари бир гурӯҳ Муғтоғи суғдий ҳужжатлари таржималаридан иборат бўлиб, кейинги ўттиз йил мобайнида ушбу рисолаларга тадқиқотчилар томонидан энг кўп ҳавола берилганлиги ҳам буни яққол кўрсатади. Ушбу таржима тадқиқотларда суғдшуносликнинг жаҳон миқёсидаги ўрганилиши масалаларига ҳам бир мунча эътибор берилган.

Суғдий атамаларнинг тўғри ишлатилиши тарихий жараёнларни ўрганишда муҳим. Бундан ташқари, Марказий Осиё тарихига оид тадқиқотлардаги бир қисм атамалар ўзининг келиб чиқишига кўра суғдий асосли бўлиб, аксарият тадқиқотчилар буни дикқат марказидан четда қолдиришади. Э. Бенвилист, И. Гершиевич, В.Б. Хеннинг, Н. Симс-Вильямс, П. Лурье каби лингвистлар турли манбаларда учрайдиган суғдий атамаларнинг таҳлилини амалга

оширган ҳолда, атамашунослик алоҳида йўнилиши эканлигига ва сұғдий топоним ҳамда ономастик маълумотлар бугунги кун луғатларни бойишида муҳим эканлигини таъкидлаб келишади. М. Исҳоқов ҳам ўз изланишларида ушбу масалаларга муайян ўрин ажратган. Олим услубидаги яна бир жиҳат ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга доир сұғдий ибораларнинг талқини масаласига қаратилган [Исҳоқов 2003; Is’akov 2010; Исҳоқов 2011в: 64–65; Исҳоқов, Ғойибов 2019: 7–12]. М. Исҳоқовнинг бу борадаги муҳим услуби – шогирдларига муаяйн сұғдий иборани оғзаки тушунтириши, моҳиятини очиб бериши эди. Шунингдек, айрим сўзларнинг генезисини талқин қилишда бугунги ўзбек ва тожик тилли лаҳжаларда учрайдиган сўзлар ўзагини топиш ҳам айнан М. Исҳоқов услубининг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Бунга биргина мисол. Масалан, “паранжи” сўзининг талқини масаласига тўхталиб, ушбу сўзнинг морфологик таркиби ва атаманинг арабча ёки уйғурча талқин қилиш нотўғрилигини олим таъкидлайди. М. Исҳоқовга кўра, бу сўз икки қисмдан иборат: биринчи қисми *par-* [пар-]. Этимологик жиҳатдан *par-* > *ipari*. Яъни, қадимги эроний, хусусан, қадимги форсий тилда *ipari* – “устидаги”, “бирор нарсанинг устига ишорат” қилувчи олд кўмакчи маъносига эга. Бу кўмакчи биз таҳлил қилаётган “паранжи” сўзида шакллантирувчи компонент вазифасини ўтаган. Сўзнинг иккинчи қисмидаги *-apc* [анж-] ўрта эроний тиллардан бири сұғдий тилли ёзма ёдгорликларда икки хил орфографик шаклда: бири, ’ups, иккинчиси, *upch* шаклида “аёл” маъносида (*аслида* “аёл” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, таҳминан “оила одами” (“аҳли оила”) маъносига тўғри келади. Бу ҳақда Қуръонда ҳам келтирилган. Масалан, *Оли-Имрон – Имрон оиласи* (М.Исҳоқов талқини) Nov 3, Nov 5, A-5 рақамли хужжатларда учрайди [СДГМ II 21–23; Gharib 1995: 87].

-ups сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутади. Турмуш қурган босқичдаги аёл сұғдий манбаларда *vathu(h)* [вадух] деб кўрсатилган [СДГМ II 29: Исҳоқов 1992: 45]. И.Гершевичга кўра, бу сўздаги *-th-* олд қатор тиш оралифи сирғалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда -д- товушига мос келади. Сўз охиридаги *-h* грамматик аёллик жинсига ишорат қиласи [Gershevitch 1961: 73–79].

-ups сўзининг ишлатилиш доираси, фикримизча, кенгроқ бўлган. Масалан, чорванинг ёшига нисбатан ҳам ишлатилади. Урғочи қорамолнинг биринчи ёши бузоқ, иккинчи ёши ғўнажин дейилади. Бу сўздаги ўзак қисми ғўнан-, яъни, икки ёшли ҳайвон демакдир. Бунга тарихий -ups [инж-], аёлликка (ёки урғочиликка) ишорат қилувчи сўз қўшилганда ғўнан- сўзининг охиридаги -н- товуши тушиб қолган. Натижада ғўнажин шакли барқарор луғат бирлигига айланган.

Мазкур мулоҳазалардан кейин *паранжи* сўзига қайтиб, бу сўзнинг икки қисмдан иборатлигини кўриш мумкин. Бу эса сўзнинг арабчадан эмас, балки суғдий асосга эга эканлигини кўрсатади. Яъни, “паранжи” аёлларнинг устки кўчалик кийими демакдир. Тарихий, хусусан, археологик манбаларда аёлларнинг паранжи кўринишидаги кийимда тасвирланган намуналари мавжуд. Масалан, Эфталийлар даврига (V–VI асрлар) оид Болаликтепа (Сурхондарё воҳаси) ёдгорлиги деворий суратларида зиёфат манзарасида иштирок этаётган аёлларнинг елкасига ёпилган енгиз парчабоғ матодан тикилган кийим айни биз кўзда тутган паранжининг ўзиdir.

М. Исҳоқовда сўзларнинг генезисини топишда ўзига хос иқтидор бўлиб, у киши ҳар қандай сўзнинг ўрта қисми ишлатилишини асос қилиб олган ҳолда уни осон талқин этиб тушунтириб берадилар. Ушбу ибора талқини ҳам олимнинг сўзлар генезисини аниқлашда ўзига хос услуг соҳиби эканлигидан далолат беради. Бу М. Исҳоқовнинг дастлаб суғдий тил лингвистикаси билан шуғулланганликлари самараси бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари, жаҳон суғдшунослари Э. Бенвинист, В.Б. Хеннинг, И. Гершевич, В.А. Лившиц каби олимлар тадқиқотларида келтирилган талқинлар олим услубининг ривожланишига кенг йўл очган.

Суғдий ёзув турли ёзувлар билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Суғдий ёзув ҳам ўз тараққиёти давомида, айниқса, туркий ёзув билан бирга давомий, узвий ҳолда ривожланган. Даствлабки, суғдий ёзув тадқиқотчилари бўлган Ф.В. Мюллер, К. Залеман, Э. Бенвинист, Ф.К. Андреаслар ҳам суғдий ёзув ўз тараққиёти давомида бир қатор ёзувларнинг шаклланиши учун асос бўлганлигини ва ўз навбатида суғдий ёзувнинг вужудга келишида оромий, паҳлавий ёзувлар замин бўлганлигини келтириб ўтишган. Бу масалада

М. Исҳоқовнинг ҳам ўз қарашлари мавжуд [Исхаков 2000: 46–57; Исҳаков 2003]. М. Исҳоқовнинг бу борадаги тадқиқотлари эвазига сүғдий ёзувнинг несториан шаклидан VIII–IX асрларда Еттисув ва Шарқий Туркистандаги сүғдий ва туркий этнос вакиллари ҳам диний ва ҳам дунёвий матнларни ёзишда фойдаланилганлиги далилланди.

Кейинги йилларда М. Исҳоқов изланишлари сүғдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб фаолияти ва сүғдий ёзувнинг минтақа халқлари ҳаётига таъсири масаласига қаратилди. Хусусан, сүғдий ёзув ўз тараққиёти давомида уйғур, манчжур ва корейс ёзувларининг шаклланишида асос бўлганлиги М.Исҳоқов тадқиқотларидаги янги йўналиш сифатида баҳоланиши мумкин. Жумладан, корейс ёзувининг хаттий синишларини тадқиқ қилган олим уни сүғдий ёзуви асосида шаклланганлигини илгари сурган [Исхаков 2006: 309–311; Исҳаков 2007: 221–224; Исҳаков 2008а: 180–195; Исҳаков 2011: 122–124] ва бу қарашлар илмий жамоатчилик томонидан эътирофларга сабаб бўлмоқда.

М. Исҳоқов раҳбарлигига тамал тоши қўйилган “Ўзбек сүғдшунослик мактаби” соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, проф. М. Исҳоқовнинг шогирдлари А. Атажодаев, Ф. Бобоёров, Б. Гойибов, А. Кубатин каби олимлар устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ҳолда сүғдшуносликнинг турли йўналишларида жаҳон миқёсидаги тадқиқотларни олиб боришишмоқда ва уларнинг ишлари эътироф этилмоқда. Ушбу олимлар илмий ишларининг натижалари эса ўзбек давлатчилиги тарихи, тарихий-география, манбашунослик, атамашунослик тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўтаб, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишда муҳим самаралар бераётганлигини қайд этиш лозим. Сүғдшуносликка оид тадқиқотлар арабшунослик, туркшунослик, хитойшунослик ва бошқа бир қанча йўналишларда тадқиқотлар олиб боришида муҳим илмий аҳамият касб этиб, мазкур соҳаларга оид тадқиқотларнинг тўлиши ва кучайишига хизмат қилаётганлигини эътироф этиш лозим. Бундан ташқари, ўзбек сүғдшунослири томонидан жаҳон сүғдшуносларининг илмий изланишлари давом эттирилиб, улар томонидан амалга оширилаётган Сүғд

давлатчилиги тарихи, тарихий-географияси, танга зарби, тангаларнинг ёзувлар палеографияси, Суғд хўжалик тарихи, Суғднинг диний-ахлоқий, фалсафий, маънавий ҳаётига доир изланишлар жаҳон миқёсидаги тадқиқотларнинг амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳавола этилаётган манбалар ва илмий асарлар:

- [1] Бобоев Ю.А. Абурайхон Беруни – основоположник согдологии // Номай Донишгоҳ. – Хучанд: №4 (45), 2015. – С.12-17.
- [2] Боголюбов М.Н. Ягнобский (новосогдийский) язык. Исследования и материалы. Афтореф. док. дис. – Ленинград, 1956. – С. 16.
- [3] Давутов Д. Согдийская купчая из Турфана // Известия Академии наук Республики Таджикистан. Серия: востоковедение, история, филология, № 1 (25). 1992.
- [4] Исхаков М. Некоторые глагольные формы в согдийских документах с горы Муг // Народы Азии и Африки. 1969, № 1.
- [5] Исхаков М. Глагольные формы инюнктива в согдийском языке // Общественные науки в Узбекистане, 1972, № 5.
- [6] Исхаков М. К структуре форм будущего времени глагола в согдийском языке // История материальной культуры Узбекистана, Вып. 10, 1973.
- [7] Исхаков М. Раскопки дахмы в Еркургане // Археологические открытия, Ежегодник. – Москва, 1974.
- [8] Исхаков М. Надгробный кайрак с двумя надписями // Афросиёб, серия. IV выпуск. – Тошкент, 1974а.
- [9] Исхаков М. Глагол в согдийском языке. – Ташкент: Фан, 1977.
- [10] Исхаков М. Отиск печати с согдийской надписью // ОНУ, 1983, №11. – С. 43-44.
- [11] Исхаков М. Согдийская надпись на керамическом сосуде // Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 1.
- [12] Исхаков М. Согдийская надпись из Афрасиаба // Адабий мерос. 1985. 2 (36).
- [13] Исхаков М. К стилистике согдийских документов с горы Муг // Адабий мерос. 1987. 4 (42).
- [14] Исхаков М. Материалы письма согдийских письменных памятников // Адабий мерос. 1988. 1 (43).
- [15] Исхаков М.М. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников: Дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1992. – 280 лист.

- [16] Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюрских систем письменности (согдийского-тюркские контакты) // *O'zbekiston tarixi*. – Тошкент, 2000. – №4. – С. 46-57.
- [17] Исхаков М. География распространения памятников древнетюркской письменности и вопросы этнокультурных отношений Евразии // *Тюркология*. №1 Турция-Казахстан, 2003.
- [18] Исхаков М. К вопросу о генезисе корейского фонетического алфавита / Материалы конференции в Алматы, посвященной культурно-историческим взаимоотношениям между Кореей и ЦА. – Алматы, 2006. – С. 309-311
- [19] Исхаков М. К истокам корейского алфавита // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития / Материалы Международного научного симпозиума, посвященного 2750-летнему юбилею города Самарканда. – Ташкент-Самарканд: Фан, 2007. – С. 221-224.
- [20] Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008. – 453 с.
- [21] Исхаков М. Еще раз к вопросу о создании корейского буквенно фонетического алфавита / В Сборнике “Корееведение”. – Ташкент: Фан, 2008а. – С. 180-195
- [22] Исхаков М. Социолингвистический подход к тексту “Эдикта Хунмин Чоным” короля Кореи Седжона / The 11th international Conference on Korean Studies. July 6-7. – Tashkent, 2011. – Р. 122-124.
- [23] Исхаков М.М., Ташходжаев Ш.С., Ходжайов Т. Раскопки Коштепа // ИМКУ. Вып. 13. – 1977.
- [24] Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулatura доисламских правителей Чача. – Ташкент: ТашГИВ, 2007. – 87 с.
- [25] Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Заметки по истории и нумизматике раннесредневекового Чача. – Wiesboden. Archivum EURASIA Media Aer, 2008. – 269 р.
- [26] Исҳоқов М. Суғд ёзма ёдгорликлари тарих кузгуси / Археологлар ҳикоя килади. Илмий туплам. – Тошкент: Фан, 1974.
- [27] Исҳоқов М. Уч алфавитли ёзув // Фан ва турмуш. – Тошкент: 1983. – №3. – Б. 18-19
- [28] Исҳоқов М. Муғ тоғидан топилган суғдча никоҳ битими // Адабий мерос. 1986. 3 (37).
- [29] Исҳоқов М. Суғд ёзувида “ламед” ҳарфининг функцияларига доир // Адабий мерос. 1987. 1 (39).
- [30] Исҳоқов М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари / “Ўлмас обидалар” жамоавий монография. Тошкент. Фан, 1989. – Б. 3-146.
- [31] Исҳоқов М. Суғд элчиси Фатуфарн Тошкентда // Адабий мерос. 1990. 4 (54)

- [32] Исҳоқов М.М. Суғдиёна – тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990а. – 56 б.
- [33] Исҳоқов М. Унutilган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 96 б.
- [34] Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – №. 45-46. – Тошкент: 1993. 20 май. – Б. 1-5.
- [35] Исҳоқов М., Отахўжаев А. Суғд-Чағониён муносабатларидан / Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. Т.: Фан, 2001. – Б. 6-8.
- [36] Исҳоқов М. Суғдча шиду ва ўзбекча шип-шийдон / “Тарихий манбашунослик муаммолари” мавзуидаги конференция материаллари. – Тошкент: ЎзМУ нашри, 2003.
- [37] Исҳоқов М. Илк ўрта асрларда Чочнинг ҳарбий-сиёсий вазиятига доир (Муғ тоғи суғд хужжатлари асосида) / Ташкент қаласынынг 2200 жылдығына арналған “Тэуэлсыздық танғи – досттық нәрі” мавзуидаги халдқаро конференция. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 34-40.
- [38] Исҳоқов М. Никоҳ битими янгиликми? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. №1.
- [39] Исҳоқов М. Суғдиёнада ернинг нархи қанча бўлган? // Ҳуқуқ ва бурч. 2011а. №2.
- [40] Исҳоқов М. Суғдиёнада нарх-наво // Ҳуқуқ ва бурч. 2011б. №4.
- [41] Исҳоқов М. Суғдиёнада “ихшид” ва “ихрид” унвонлари ҳақида / Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши: 2011в. – Б. 64-65
- [42] Исҳоқов М. Илк ўрта асрларда Суғд, Уструшона ва Чоч муносабатларига доир / “Буюк ипак йўлида Уструшона (антик давр ва ўрта асрлар)” мавзусидаги Республика Илмий анжумани материаллари. – Жиззах, 2016.
- [43] Исҳоқов М., Ғойибов Б. Паранжи нима? (бир кийим тарихидан) / Водийнома. 2019. – №2. – Б. 7-12.
- [44] Лившиц В.А. Согдийская надпись из Семиречья. Лингвистические и эпиграфические свидетельства // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока: доклады и сообщения 15-й научной сессии ЛО ИВАН СССР. Часть 1 (2). – Москва, 1981. – С. 79-87.
- [45] Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкоznания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981а. – С. 350-351.
- [46] Лившиц В.А. Согдийские «Старые письма» (I.III.) // ППВ. 2008. – №1 (8) – С. 173.
- [47] Согдийские документы с горы Муг. Вып. II (СДГМ II) / Чтение, перевод и коммен. В.А. Лившица. Юридические документы и письма с горы Муг. – М.: 1962. – С. 21, 23, 181
- [48] Сулейманов Р., Исҳаков М. Древний Самарканд. – Ташкент: Фан, 1980. – 120 с.

- [49] Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Суғдларнинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма меросидан. – Тошкент: Ёзувчи, 2000. – Б. 33-116.
- [50] Benveniste E. Vessantara jataka. Text sogdien éd traduit et com. – Paris, 1946.
- [51] Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. – Teheran: Farhang Publications, 1995, XXLII. – P. 87.
- [52] Gauthiot R. De l'alphabet sogdien / JA, ser. 10, 1911, – T. 17
- [53] Gauthiot R. Une version sogdienne du Vessantara jataka / Journal Asiatique. Ser. 10. 1912. t. 19.
- [54] Gauthiot R. Essai de grammaire sogdienne. I. Phonetique / Mission Pelliot en Asie Centrale. Ser. petit in-octavo, – T. 1. – Paris, 1914-1923.
- [55] Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. – I –X, 2-ed. – Oxford, 1961. – P. 73-79.
- [56] Grenet F., Sims-Williams N. The Historical Context of the Sogdian Ancient Letters. Transition Periods Iranian History. Actes du Symposium de Fribourg-en-Brisgeu, Studia Iranica. (22-25 Mai 1985). – Cahier – Leuven: 1987. – vol. 5. – P. 101-122.
- [57] Hamilton J. L'inscription trilingue de Qara Balgasun d'après les estampages de Bouillane de Lacoste // A. Haneda, ed., Documents et archives provenant de l'Asie Centrale. – Kyoto, 1990. – P. 125-33.
- [58] Harmatta J. Sogdian Sources for the history of Preislamic Central Asia // Probegomena to the History of Preislamic Central Asia. – Budapest, 1979. – P 153-165.
- [59] Henning W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. – 1948. – vol. 12. – P. 601-615.
- [60] Is'hakov M. Mug‘dag‘i sog‘d Bilgelerinde go‘riilen eski turkce unvanlar. Utukennen Istambul'a / Turkipenin 1290 yili, Sempozyumu, – Ankara, 2010.
- [61] Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. – СПб.: 1903. – Вып. 6. – P. 229.
- [62] Moriyasu T., Yoshida Y., Katayama A. Kara-Barugasun hibun (Qara Balgasun Inscription) / Moriyasu and Ochir. 2010. – P. 209-27, plates 14a-14q.
- [63] Salemann C. Manichaica I. / Известия имп. АН. Серия 6. – СПб.: 1907
- [64] Salemann C. Beitrag zur christlich – soghdischen grammatischen / Известия имп. АН. Серия 6. – СПб.: 1913. – С. 1125-1144.
- [65] Yoshida, Yutaka & T. Moriyasu. A Sogdian sale contract of a female slave from the period of the Gaochang kingdom under the rule of Qu clan” [in Japanese] / Studies on the Inner Asian Languages, IV. 1988. – P. 1-50.

СЛОВО О ДРУГЕ – ЕДИНОМЫШЛЕННИКЕ

Эркин Ахунджанов,
доктор исторических наук, профессор.

Когда появляется повод сказать о близком тебе человеке то, что ты о нем думаешь, а повод в данном случае – юбилейная дата рождения, это есть знак: пришел, значит, час очередного промежуточного подытоживания времени, момент знаменательного слова о нем, о пережитом вместе. Ведь время с тем и формирует нас, современников, возводит нашу живую историю так, чтобы было из чего исходить и в почитаниях друг друга в подобных случаях жизни. Среди современников встречаются разные люди, но именно с ними живешь в диалектике действительности и с ними познаешь смысл повседневной жизни. В сущности, так творится текущая история. И если в этом процессе обретаешь единомышленников, и, к счастью, на долгие годы, то это большая удача. Собеседники – это братья общения, носители взаимной духовной энергетики, всегда востребованные взаимной необходимостью быть в контакте. Таким собеседником-единомышленником и стал для меня Мирсадык Исхаков, когда в сентябре 1981 года после позорного закрытия кафедры узбекского языка в Ташкентском государственном институте культуры, он пришел работать к нам в академический Институт рукописей под крыло выдающегося ученого-литературоведа и великого организатора науки, высшего образования и культуры академика Азизхона Каюмова и по его поручению занялся разработкой обширной и совершенно неизученной тогда темы – палеографией согдийской и хорезмийской письменностей. Мы сразу подружились и не только из-за комплементарного, взаимоуважительного отношения друг к другу, но и потому, что имели общие научные интересы: он занимался изучением памятников древних письменностей в аспекте палеографическом, а я пытался осмыслить, описать и проанализировать их с позиций культурологических, в предмете истории письменностей и книжной культуры. Тогда в начале 80-х мне несказанно повезло – в бесконечных беседах наших с М. Исхаковым я прошел у него выучку историка Узбекистана, получил, можно сказать,

второе высшее историко-филологическое образование. Причем с первых рук непревзойденного знатока, влюбленного в древнюю и средневековую историю и литературу своего народа. Ведь за плечами зрелого 38-летнего кандидата филологических наук с генетически заложенной феноменальной памятью профессионального историка стояло уже несколько пройденных научных школ. И прежде всего это уроки отца – школьного учителя, который с детских лет неустанно занимался своим сыном, раз за разом проходя с ним наиболее трудные темы школьной программы. Это чтение и перечитывание всех книг районной библиотеки, а также в период работы с 15-ти лет продавцом в книжном киоске у театра имени Мукими в конце 50-х годов. Это основательная подготовка у ведущих ученых республики на историко-филологическом факультете Ташкентского педагогического института в 1959-1964 годах, где он впитывал в себя бесценные уроки (и жизненные, и научные) выдающихся ученых, поэтов, талантливейших педагогов Максуда Шейхзаде (теория литературы), Яхё Гулямова (история Узбекистана), М. Аскаровой, С. Усманова и А. Шерматова (узбекский язык и литература), Ш. Афзалова (языкознание), З. Нуриддина (всемирная история), Л. Халилова (персидский язык), Т. Салимова (узбекское письмо на арабской графике). В бытность этого правильного факультета за 5 лет студенты получали хорошее знание узбекской и персидской филологии, общего языкоznания, мирового и национального литературного процесса (особенно произведений на тюрки и фарси), всего круга литературных памятников мирового значения, мировой и региональной истории (особенно древней и средневековой истории стран Среднего Востока), нарративных источников древнегреческих и древнеримских авторов по истории Передней Азии, исторических источников по древней и средневековой истории стран авестийского (зороастриского) и арабо-мусульманского культурного миров арабоязычных, ираноязычных и тюркоязычных авторов. После окончания подобного историко-филологического факультета без дополнительного образования в магистратуре студент входил в трудовую жизнь не только вполне сформировавшимся учителем узбекского языка и литературы и истории Родины, но и готовым к научной работе исследователем истории родного края,

поскольку в силу трехкорневого характера средневековой культуры Турана-Туркестана (первые два его составляющих – все богатство ираноязычного и тюркоязычного духовного наследия, морально-этические принципы, жизненные установки, образ жизни людей авестийского и тюркского культурного миров, основа третьей составляющей – религиозно-этические, нравственные, правовые и иные принципы исламской религии, проникающие в народную среду посредством образовательной системы и арабоязычной книги) изучение его истории предполагает знание исторических источников и на тюрки, и на фарси, и на арабском, а по древнему периоду еще и на арамейском и группе мертвых западноиранских и восточноиранских языках. Без подобного круга лингвистических и источниковедческих знаний нет и не может быть ученого-историка древнего и средневекового периодов. Это также фундаментальная подготовка в очной аспирантуре в 1966 - 1970 годах в ленинградском отделении института востоковедения академии наук бывшего союза у выдающегося ученого – ираниста с мировым именем, признанного знатока древнеиранских языков и письменностей В.А. Лившица, под научным руководством которого была им написана кандидатская диссертация «Глагольная система согдийского языка», проштудированы науки у таких корифеев языкоznания и древней истории Ирана и Турана, как С.Н. Соколов (авестология, древние пласти языка «Авесты»), М.Н. Боголюбов (древнеперсидский язык), А.З. Розенберг (классический фарси), Л.Г. Герценберг (литературный язык древней Индии – санскрит), С.Г. Кляшторный (древнетюркский язык и памятники древнетюркской письменности), сам В.А. Лившиц (арамейский, согдийский, хорезмийский, парфянский языки). Такая подготовка сформировала в М. Исхакове цельное представление о «белых пятнах» и неизученных проблемах истории Средней Азии периода древности и средних веков, уникальное, с моей точки зрения, понимание внутренней взаимосвязи исторических событий и явлений в Туране-Туркестане последних трех тысяч лет, глубочайшее проникновение в суть исторического развития в данном регионе всех форм общественного сознания: культуры, науки, религии, искусства, этики, философии, эстетики. В определенном смысле М. Исхаков представляет собой пример совершенного

ученого, историка Турана-Туркестана. На примере поэтапного формирования его знаний можно строить модель подобного специалиста. И дело не только в знании исторического материала и первоисточников на арамейском, согдийском, хорезмийском, парфянском, арабском, персидском, тюркских языках, а еще и в том, что он видит диалектическую связь времен, процессов и явлений истории на всем протяжении тысячелетий, умеет делать глубокие аналитические выводы и обобщения. Особенное удовольствие испытываешь, наблюдая его занятия со студентами и магистрантами. Преданный своему педагогическому делу талантливый учитель и наставник, он настолько глубоко и широко развивает каждую тему, что порой жалеешь об отсутствии под рукой диктофона или (по старинке) стенографистки. Его занятия, поистине, это десятки и десятки так и не увидевших свет напечатанными научных заметок и статей, а то и целых эссе, будь то древние верования и религия зороастризма, древняя топонимика и ономастика, или этимология слов и целых выражений, язык Авесты и реликты из нее в современном таджикском и узбекском языках или характерные черты средневековой культуры, обычав и обрядов народов, преемственно проистекающие из периода древности или раннего средневековья и по своему генезису связанные с языком и культурой авестийского мира. Но и опубликованных за последние сорок пять лет работ также десятки и десятки. Научные интересы М. Исхакова охватывают широкий круг актуальных проблем по нескольким направлениям истории Узбекистана.

Первым значится комплекс археологических работ: отражение поисков, находок, результатов раскопок древних городищ, открытых, сделанных им во время исследовательской деятельности в Институте археологии в Самарканде в 1970-1978 годах.

Вторым направлением является огромный комплекс исследований по согдийской, парфянской, хорезмийской и древнетюркской палеографии. Достойным венцом комплекса служат две диссертационные работы, две историко-филологические книги научно-популярного характера, фундаментальные монографии «Глагол в согдийском языке» (1977), «Суғд ёзувиининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари» («Вопросы формирования и развития

согдийского письма») (1989), «Қадимги ёзма ёдгорликлар» («Памятники древней письменности») (2000), а также капитальное монографическое исследование «Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье» (2008). Оно издано под эгидой организации ООН по культуре, науке и образованию ЮНЕСКО и получило высокую международную оценку европейских и североамериканских специалистов.

Третье направление научных интересов М. Исхакова – авестология, причем это не просто публицистика на пустом месте без знания текста оригинала и интерпретация по текстам авторов-предшественников, изданных преимущественно на русском языке в 1950-1980е годы, с чем приходится постоянно сталкиваться в периодической печати и брошюրятаине, а научная авестология по опубликованным подлинным текстам специалиста, с глубоким профессионализмом и ответственностью берущегося за дело. Это вопросы истории происхождения текстов Авесты, анализ её мифологических пластов, анализ содержания насков (книг, в частности Яшт), философско – теософский разбор отраженных в текстах религиозных проблем, борьбы Добра и Зла, Света и Тьмы, о монотеизме в Авесте и в связи с этим социолого-философский анализ вопроса о степени готовности народов Турана-Туркестана к восприятию идеи монотеизма в исламе и, следовательно, постепенного в течение веков перехода их к мусульманской религии, о преемственности традиций и обычаях, принципов народной культуры в процессе исторического перехода и трансформации авестийского (зороастрийского) культурного мира в составную часть мусульманского культурного мира, это стихотворные переложения на узбекский язык текстов Авесты, гимнов божествам и героям, Солнцу, Земле, Природе, Правде, Добру. В мире десятки ученых-иранистов на протяжении последних 240 лет изучали и продолжают заниматься текстами Авесты, но с уверенностью можно утверждать, что именно Мирсадық Исхаков является основоположником научной авестологии в Узбекистане. Его исследования задают тон и высокую научную планку в вопросах изучения священной книги, выкристаллизовавшейся в недрах коллективного сознания (и коллективного бессознательного – по К.Г. Юнгу) народов Турана и Ирана и выстраданной ими

системы религиозных воззрений, этических, эстетических, правовых норм, элементов системы народной культуры, которые и сегодня продолжают жить и действовать в деловой и нравственно-этической сфере сознания народа. Аналогично, исходя из громадного объема, вложенного М. Исхаковым исследовательского труда в изучении древних письменных памятников, можно не менее уверенно утверждать, что он является также основоположником научного направления «Турано-туркестанская палеография», науки грамматологии (теория и история письма) в Узбекистане и, в частности, согдологии как комплекса знаний об истории, языке, культуре, праве, государственности, письменности Согда на всем протяжении его истории.

Четвертое направление деятельности М. Исхакова как ученого – создание научно-популярных книг и статей по истории Узбекистана. Это его книги «Древний Самаркан», «Согдиана на перекрестке истории» («Суғдиёна тарих чоррахасида») и «Письма из забытого царства» («Унутилган подшоликдан хатлар»), «Авесто». Яшт китоби» («Авеста». Книга Яшт»), десятки газетных и журнальных статей.

Пятое направление — это популяризация ученым вопросов истории Узбекистана по телевидению и радиовещанию – циклы передач по истории города Ташкента, по группам памятников согдийской, хорезмийской, древнетюркской письменностей, истории городов и археологических комплексов Узбекистана.

Шестое краеведческое направление научной деятельности: патриотическое начинание изучения малой родины, того места, в котором родился, вырос и проживает М. Исхаков – история освоения, орошения и обустройства залежных земель на север от Ташкента в XVIII-XX вв., возникновение, эволюция и превращение в составную часть мегаполиса Ташкент вначале села, а затем и поселка городского типа Хасанбай с его окрестностями на протяжении последних трехсот лет. Очерки об этой истории опубликованы в районной печати.

Передать свои знания ученикам и, самое главное, научить их мыслить по-научному, новаторски и инновационно – святая обязанность каждого учителя, да так, чтобы не было потом стыдно за них. Но и настоящим учеником может называться лишь тот, кто

идет дальше учителя в своей отрасли знания. Особая область общественно-гуманитарной, воспитательно-образовательной деятельности М. Исхакова это научно-педагогическая работа с аспирантами и всеми теми, кто когда-либо обращался к нему за советом и научной консультацией, совершенно бескорыстная и безотказная. Эта благородная миссия по обеспечению научной преемственности выполняется им с полна и дает определенные результаты, которые выражаются в новых научных открытиях по истории Узбекистана: в палеографии, согдологии, истории раннесредневековой государственности. Среди подготовленной им молодой научной смены, способной достойно продолжить заложенные М. Исхаковым новые исследовательские традиции и методы три доктора и шесть кандидатов наук: А.М. Отахўжаев (“Суғд тилида олмош”, “Илк ўрта асрларда турк-суғд муносабатлари”), А.А. Аширов (“Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар (Фаргона водийси материаллари асосида)”), Ф.Б. Бобоёров (“Ғарбий турк хоконлигининг давлат тузуми”), М.М. Мадаминов (“Авестада табиат культлари”), У.Н. Мансуров (“Суғд тарихининг тарихшунослиги масалалари”), Ш.Ш. Шоёқубов (“Суғднинг ижтимоий-сиёсий хаёти (VI – VIII асрлар)”), Х.Ф. Файзиев (“Шоҳруҳ Мирзо даврида тимурийлар давлати ташқи сиёсати”), Б.С. Гойибов (“Панҷ мулкнинг Суғд конфедерациясида тутган ўрни”), К.К. Пардаев (“XIX асрда Мийонкол тарихи”).

По этногенетическим основаниям, семейно-наследственным геронтологическим меркам и генеалогическому древу своего рода М. Исхаков еще относительно молод. Маститый ученый, прошедший сквозь десятилетия творческих исканий и осмысления нерешенных еще вопросов истории Узбекистана, доктор исторических наук, профессор, академик Международной Академии античных исследований Мирсадык Исхаков вступил сегодня в период настоящей научной зрелости, в пору осеннего сбора урожая. И, как всегда, он ставит перед собой только большие задачи, и высокую планку научности. В планах ученого создание ряда монографических исследований по древнему и средневековому периодам региона, объединенного географическим понятием Туран-Туркестан: палеография письменных памятников, история письменности,

история языков, проблема билингвизма и трилингвизма в средние века, история отраслей культуры, история религии, религиозных и философских течений, письменный пересказ тюркоязычных и ираноязычных легенд и мифов древнего Турана, следы которых получили отражение еще в Авесте. Тех легенд, мифов, сказаний, исторических сказок и былей, которые на протяжении нескольких последних лет рассказывает он своей внучке с таким милым его сердцу символическим именем Мумтоза, когда ему удается выкроить вечер из череды нескончаемых научных, преподавательских, семейно-бытовых и общественных (в том числе в местном махаллинском комитете) дел.

Пожелаем же нашему современному – корифею науки об истории и культуре Узбекистана М.М. Исхакову доброго здоровья, долгих лет жизни и новых творческих успехов!

МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ ҲАҚИДА ОЛИМЛАР, ДЎСТЛАРИ ВА ЯҚИН КИШИЛАРИНИНГ КЎНГИЛ СЎЗЛАРИ

М.М. ИСҲОҚОВ – ЗАМОНАМИЗНИНГ ЕТУК МАНБАШУНОС ТАРИХЧИСИ ВА ЁШЛАРНИНГ АРДОҚЛИ МУРАББИЙСИ

1950 йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти академик Ҳ.М. Абдуллаев Ўзбекистонда академик фан йўналишларининг барча соҳалари бўйича юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратади. Шу боис ҳар бир Академия илмий-тадқиқот институтларининг директорлари ҳамда шахсан ҳар бир академия мухбир ва ҳақиқий аъзоларини бу масалага жиддлий эътибор беришга чақиради.

Чунки, илм-фан тараққиётисиз жамиятни, она-юртни ҳар томонлама ривожлантириш мумкин эмаслигини яхши англаб етган миллий академия Президенти Ҳ.М. Абдуллаев мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги Юртбошиси Ш.М. Мирзиёевдек, ўзбек халқига Худо берган забардаст даҳо эди.

Ўша кезларда Ўзбекистонда археологик изланишларга катта эътибор берилиб, устоз академик Я.Ғ. Ғуломов археология соҳаси бўйича юқори малакали миллий кадрлар тайёрлашга қаттиқ киришган ва биз каби бир неча ёшларни Москва ва Ленинградга ўзлари олиб бориб, ўзбек археологлар илмий мактабини яратишга асос солади.

Устозларнинг бу саъии-ҳаракати илмга чанқоқ ёшлар қалбига муҳрланиб, ана шу ёшлардан бири сифатида 1965 йил август ойи бошларида Мирсадик Исҳоқовни устоз хузурида биринчи бор кўрган эдим. Мен ўша кезларда ёш, ҳозир эса етук манбашунос тарихчи, Ўзбекистонда авестошунослик фан йўналишининг дарғасига айланган Мирсадик Мирсултонович Исҳақов билан танишганман. Ҳали-ҳали эсимда, устоз Мирсадикдан араб графикасидан хабарингиз борми, араб алифбосида ёзилган хатни ўқий оласизми, деб сўрадилар. Мирсадик эса унча-мунча хабардорман, ўқишига қизиқаман, деб камтарона жавоб қилди. Шу учрашувда Мирсадик устозга ёқиб қолди. Биз, ўша сухбатда қатнашган ёш археологлар ҳайрон бўлдик. Устоз бизга қаратса ҳозир В.А. Шишкун Президумнинг мажлислар залида Афросиёб деворий суратлари бўйича маъруза қиласди. Кетдик, энди маъруза эшитишга борамиз дедилар. Мирсадик ҳам биз билан В.А. Шишкун маърузасини эшитишга

борди. В.А. Шишкин Афросиёб деворий суратларидаги мусаввир чопони этагига битилган суғдча ёзувга кўпроқ эътибор қаратди. Ёзувни Ленинградлик суғдшунос В.А. Лившиц ўқиганига алоҳида ургу берди. В.А. Шишкин маъruzасидан кейин устоз иш кабинетида Афросиёб деворий суратлари ҳакида сухбатимиз давом этди. Устоз Мирсодикқа боқиб, қизиқарли маърузани эшитдингиз. Қачонгача Марказдан мутахассис чақирамиз. Мен Ўзбекистонда ўз суғдшуносимиз бўлишини истайман. Сизда бунга сабр-тоқат бор кўринади. Ота-оналарингиз билан маслаҳатлашинг, сизни Ленинградга, В.А. Лившицга шогирд қилиб юборишига аҳд қилдим, дедилар. Шундай қилиб, 1966 йил бошларидан Мирсодик В.А. Лившиц шогирдига айланди. Мирсодик Исҳоқовни 1972 йилда Москвада “Суғд тилида феъл системаси” мавзусида В.А. Лившиц раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлагунча Ленинградда яшашига имкон берилди. 1970 йилда Самарқандада очилган Археология институтининг биринчи директори сифатида Мирсодикни уч йиллик аспирантурасидан сўнг кичик илмий ходим ваканциясида ушлаб туриш менинг зиммамга тушди. Тўғри, М. Исҳоқов ёз ойлари мавсумида Ўзбекистонда олиб борилган археологик экспедиция қазишмаларида фаол қатнашишни канда қилмади. Бу ишларни сопол ва ёғоч парчаларида ёзилиб топилган суғд ёзувларини ўқиши, устозидан маслаҳатлар олиш билан бирга олиб борди.

Археология институти Тошкенда эмас, марказ топшириғи билан Самарқандада очилиши муносабати билан дастлаб институтни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи оғир кечди. Институтнинг биринчи директори сифатида тошкентлик ҳар бир мутахассис билан, оиласи ва ота-оналари билан Самарқандга кўчириш масаласида учрашиш менинг зиммамга тушди. Шундай учрашув Мирсодик оиласи, муштипар онаси билан ҳам бўлган. Мирсодикнинг онаси унинг фан доктори бўлишига шарт- шароитлар яратиб беришимга кафолат сўраган. Онадан розилик олингач, Мирсодикни оиласи билан Самарқандга кўчиришига эришдим. Бундай ҳангомалар менинг ҳаётимда кўп бўлган.

Мирсодик Мирсултонович 1970–1978 йилларда Ўзбекистон ФА археология институтида илмий ходим, катта илмий ходим вазифаларида ишлаб, фаол дала археологияси тажрибасини орттирган. Қашқадарёда Ерқўрғон шаҳар харобаларида Авесто даври дағн маросимиға оид даҳма таркибини археологик тўлиқ очишга эришди

ва ёзма манбаларда келган маълумотларнинг тўғрилигини амалда исботлади.

Лекин Мирсодиқнинг талабчан онаизори уни тезроқ фан доктори, профессор бўлишини кўргиси келар, меҳрибон фарзанди ўз хузурида бўлишини талаб қилар эди. Докторлик мавзуси учун археологик қазишмалардан етарли материаллар топилавермас эди. Буни онаизорни тушуниши қийин эди. Шу боис, кекса онахон билан учрашувларда мен ваъдамга вафо қилмаслиқда танбех олар эдим.

Гарчи Мирсодик Мирсултонович билан муносабатларимиз қанчалар илиқ бўлишига қарамай, 1978 йилда М. Исҳоқов Самарқанддан Тошкентга кўчиб кетиб, Тошкент давлат маданият институтида ўзбек тилидан доцент лавозимида то 1981 йилгача дарс бера бошлади. Бу мени қаттиқ ранжитди. Мирсодиқнинг танлаган соҳаси ўта ноёб, у сугдшунос сифатида илмий изланишлар билан шуғулланиши кераклигини Ўзбекистон ФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институти директори А.П. Қаюмовга етказдим.

А.П. Қаюмов ҳақиқатда бағри кенг, миллатпарвар олим эди. Мирсодиқни аввал катта илмий ходим, сўнг унинг учун маҳсус Суғдшунослик бўйича бўлим очиб, уни бўлим мудири этиб ишлата бошлади.

Мирсодик Мирсултонович Исҳоқов учун қадимий ёзувлар ва ёзув маданияти тарихи йўналишида изланишлар олиб боришига яна кенг йўллар очилди. Натижада, Ўзбекистонда тарихий манбашуносликнинг янги йўналиши таркиб топди. 1992 йилда шу йўналиш бўйича “Суғд ёзма ёдгорликлари палеографик тадқиқи” мавзусида М.М. Исҳоқов докторлик диссертациясини ёқлади.

1998–2000 йилларда М. Исҳоқов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори лавозимида ишлаб, институт фаолиятининг тубдан янгиланиши, таркибий тузилмаларнинг қайта ташкил этилиши, тарих тадқиқотлари концептуал асосларининг объективлик ва ҳаққонийлик томон бурилиши даврини бошлаб берган олим эканлигини яхши биламан.

Аммо, замон раҳбардан қўл остидаги илмий ходимларга нисбатан қаттиқ, талабчан бўлишни талаб этарди. Мирсодик Мирсултонович эса табиатан мулојим, ўта демократ, бошқалардан талаб қилиш ўрнига, барча оғирликларни ўз зиммасига олиб ишлашга тайёр эканлиги туфайли лавозимдан кетишига, бирор олий ўқув ютида талабаларга таълим беришни лозим кўрди.

Шу боис 1998–2012 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик университети Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси мудири лавозимида ишлади. Сўнгги йилларда Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси мудири лавозимида, ҳозирда шу кафедранинг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Мирсадик Исҳоқовнинг илмий фаолияти серқирра. У ўнга яқин монографияларнинг муаллифи, 2003 йилдан буён бир неча илмий давлат гранти лойиҳаларининг ғолиби сифатида илмий гурухларга раҳбарлик қилиб келди.

Ўтган асрнинг 80- йилларидан бошлаб М. Исҳоқов халқимизнинг ноёб тарихий, маданий-маънавий мероси Авесто муаммолари билан шуғулланиб, бу ёдгорликни илмий изоҳлар билан ўзбек тилида нашр этди.

М. Исҳоқов “Тарихий манбашунослик, тарихшунослик, тарих тадқоқотлари методи ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика анъанавий йиллик конференциясининг ташкилотчиси ва раҳбариdir.

Мирсадик Исҳоқов илмий билимларнинг моҳир тарғиботчisi сифатида ҳам кенг танилган. Унинг Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали кўплаб чиқишилари, телемулоқотлардаги иштироки, интервьюлари, Тошкент шаҳри тарихига оид туркум кўрсатувлари, “Академсоат” ва “Мозийга саёҳат” каби лойиҳалар асосида телевизион дарслари, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Тошкент”, “Ёшлар”, “Ўзбекистон тарихи” каналлари орқали илмий оммабоп чиқишилари халқимизга манзур бўлиб келмоқда.

Мирсадик Исҳоқов тарих фанининг қадимиј даврлари манбашунослиги бўйича катта илмий мактаб яратган. Бу соҳа учун илмий даражали кадрлар етиширишда фаол хизмат қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигига 4 нафар фан докторлари, 7 нафар фан номзодлари ва 3 нафар тарих фанлари бўйича фалсафа доктори малакали кадрлар етишиб чиққан.

М. Исҳоқов Ўзбекистон ФА илмий ҳамда олий таълим тизими муассасалари қошидаги докторлик илмий даражасини берувчи Илмий кенгашларнинг доимий аъзоси сифатида ҳам самарали хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирда у Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент халқаро ислом академияси қошидаги докторлик диссертациялари ҳимоялари илмий

семинар ва ҳимоя кенгашларининг доимий аъзоси сифатида олий малакали кадрлар тайёрлаш ишига фаол ҳисса қўшиб келмоқда.

М. Исҳоқов Республикаизда ва жаҳон миқёсида тан олинган манбашунос-тариҳчи, Марказий Осиё минтақасида биринчи суғдшунос, араб истилосигача амал қилган қадимий ёзувлар ёдгорликлари палеографияси бўйича ноёб мутахассис, Ўзбекистонда илмий авестошуносликнинг ривожига сезиларли ҳисса қўшган олимдир. М. Исҳоқовни бугунги табаррук 80 ёши муносабати билан самимий муборакбод этаман. Юртимизда авестошунослик илмий мактабининг асосчиси сифатида шогирдлар етиширишда толмай илмий фаолият олиб бориши ва юртимиз илмий фан ривожига ўз хиссасини қўшадиган шогирдлар тайёрлашда куч-қувват тилаб қоламан.

Аҳмадали Аскаров,
академик, тарих фанлари доктори.

СУҒДШУНОСЛИК СОҲАСИДА ТАНИҚЛИ ОЛИМ

Тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқовни мен аввало Марказий Осиё кўламидаги йирик суғдшунос олим сифатида биламан. Лекин айни пайтда, у киши Ўзбекистон тарихи, айниқса, унинг қадимияти бўйича кенг қамровли мутахассисдирлар.

Мирсадик Исҳоқов Ўзбекистон Республикаси давлат шарқшунослик институти (хозирги университети)нинг Марказий Осиё тарихи кафедрасини бошқарганларида мен унда ўриндошлиқ асосида дарс берардим. Кафедранинг илмий грантида ҳам иштирок этганман ва мазкур грант доирасида нодир ёзма манбалардан бири – “Худуд ул-олам” номли географик асардан Мовароуннахр қисмини ўзбек тилига ўгириб чоп этишга муваффақ бўлганман.

Ўша пайтдан бошлаб бизнинг илмий ҳамкорлигимиз давом этиб келмоқда, аниқроғи, мен у кишидан суғдшунослик бўйича маслаҳатлар олиб тураман. Домла ўзларининг самимийлик, оддийлик, бағрикенглик каби қатор инсоний хислатлари билан кўпчилик қалбидан ўрин олганлар, деб ўйлайман.

Тўқсонинчи йилларда маънавиятимизнинг фидойи инсонларидан бири Ашрафхўжаев Фахриддин томонидан соҳибқирон Амир Темур юрган йўллардан, деб номланган ўлкамиз бўйлаб ташкил

этілган маънавий тадбирларда ҳам Мирсодик Исҳоқов билан ҳамсафар бўлғанмиз. Тадбирнинг 1996 йилдаги олтинчи йўналиши Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудлари бўйлаб режалаштирилган эди. Телевидение ходимлари, журналистлар, олимлардан иборат ўндан ортиқ кичик бир гуруҳ катта автобусда сафар қилғанмиз.

Сурхондарёнинг Дарбанд, Шеробод, Термиз, Жарқўргон, Денов, Сариосиё деган жойларида бўлдик, соҳибқирон Амир Темур давлатчилиги тарихига оид маънавий тадбирлар ўтказдик, қадимий машхур тарихий Далварзинтепани бориб кўрдик, нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хожа Алоуддин Аттор қабрларини зиёрат қилдик.

Қайтишда Шаҳрисабзда соя-салқин бир оромгоҳда эсда қоладиган чиройли сухбат бўлди. Созандалар мусиқа чалиб ашула ҳам айтиб туришибди. Дарвоҷе, Мирсодик Исҳоқов ўзбек мумтоз ашулаларини қиёмига етказиб ижро этадиган қобилиятлари ва шунга мос нодир, салобатли, йўғон овозлари ҳам бор. Баъзан илҳомбахш давраларда тортичоқликни йиғиштириб мақомлардан куйладилар. У кишининг ижроларига сухбатдагилар маҳлиё бўлиб, қалби қувончга тўлади, мақомнинг сехрли оҳанглар уммонида сузгандай бўлади. Шундай пайтларда, бу киши олимми ёки мақом куйчисими, деб иккиланиб қолиш ҳеч гапмас.

Бу ерда ҳам ашула айтиб бердилар. Ёнимиздаги каравотда ўтирганлардан бир киши чиқиб жўр бўлди. Бу шахс Шаҳрисабзда танилган яхудий ашулачи бўлиб, халқ орасида Миша aka исми билан ном қозонган экан. Кейинчалик Истроилга кўчиб кетган ва айни пайтда яшаган юрти Ўзбекистоннинг оҳанрабоси тортиб, меҳмон бўлиб келган экан. Мирсодик Исҳоқовнинг қалбларни титратадиган жаранглаган овоздаги ашуласидан кўзларига ёш келиб: “Бу ажойиб мумтоз куйларни жуда соғинамиз”, - деди. Бу маънавиятни қадрлайдиган инсоннинг юксак баҳоси эди.

Хурматли устоз, саксон ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ижодингизга давомийлик тилайман.

Омонулло Бўриев,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик
институти етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори.

МЕҲНАТНИ САОДАТНИНГ КАЛИТИ САНАГАН ОЛИМ

Мирсодик Исҳоқов номи тилга олинган чоғда нафақат Ўзбекистон, балки узоқ ва яқин чет элларда ҳам илмий изланишлари билан ном чиқарган, сүғд тилида битилган манбаларнинг тил хусусиятлари, уларда қўлланган сўзларнинг маъно нозикликлари ва вазифалари, гапларнинг синтактик қурилишига тегишли қонунияту назарияларни мукаммал эгаллаган, талай йиллардан бери Бугут мангубитиги, Авеста сингари Ўрта Осиё ҳалқларининг энг кўхна ёзма ёдгорликлари бўйича оғишмай олиб борган тадқиқотлари орқали илм аҳлининг ҳурмату эъзозини қозонган атоқли тилчи, тарихчи, тошкентшунос ҳамда қадимшуносликдан юқори савияда хабардор профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, сўзни жаҳон баҳрида дурдона билган, меҳнатни саодатнинг калити санаган, сабр ва қаноат туфайли илмнинг кўп берк эшикларини очган, илмда ўз қатъий ўрнига эга дилкаш ва дилбар инсон кўз ўнгимда гавдаланади.

Мирсодик ака билан орамиздаги самимий, дўстона муносабатларнинг бошланиши ўтган аср 80- йиллари иккинчи ярмига бориб тақалади. 1986 йилнинг май ойда Ўзбекистон ФА Президиумининг қарорига мувофиқ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фаолият юритаётган Туркология бўлими Ҳамид Сулаймон номидаги Кўлёзмалар институти таркибиغا қўшилган кезларда ўзбек адабиётшунослигининг том маънодаги дарғаларидан бири сифатида тарихда ўчмас из қолдирган Азизхон Каюмов раҳбарлигидаги илмий маскан аҳли томонидан мен бошлиқ қилган Туркология бўлими ходимларига кўрсатилган меҳрибончилик ҳамда эъзозу ҳурматни ҳануз мамнуният билан эсга оламан. Шу ўринда, 1998 йилда фаолиятига чек қўйилган Кўлёзмалар институтида Мирсодик Исҳоқов, Насимхон Раҳмонов, Қосимжон Содиковларнинг саъй-харакати натижаси ўлароқ, сүғд, қадимги туркий (рун) ва турк (уйғур) ёзувида таълиф этилган манбаларни ўқиши, транскрипция ва табдил этиш, асарларнинг тил ва бадиий хусусиятлари таҳлилини амалга оширишга йўналтирилган қатор изланишлар дунё юзини кўргани, соҳалар кесимида истеъдодли ёш мутахассислар тайёрланганини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб ҳисоблайман.

Гарчи, Қўлёзмалар институти тарқатилган бўлса-да, унда сидқидилдан меҳнат қилган ходимлар ўртасидаги алоқалар, муносабатлар сақланиб қолаверди. Маълум муддат Ўзбекистон ФА Тарих институтини бошқарган Мирсадик аканинг Ғанижон Абдураҳмонов, Алибек Рустамов, Қозоқбой Маҳмудов, Боқижон Тўхлиев, Қосимжон Содиков сингари собиқ институтдошлари (Қўлёзмалар институти назарда тутилмоқда) жамланган Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги ТошДШУ)га ишга ўтиши айни муддао бўлди. Зотан, тилшунослик, тарихшунослик, матншунослик, қадимшунослик ва ҳ.к. фанлар соҳасида номдор мутахассиснинг олий таълим тизимида талабаларга сабоқ ўтиши ҳозирги глобаллашув даври талабларига лаббай, деб жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда муҳим омил ҳисобланиши сир эмас.

Сўз илмий кадрлар етказиш борасида очилганда, Мирсадик аканинг бу соҳада амалга ошираётган заҳматли меҳнатини факат олқишлиш лозим. Домланинг раҳбарлигига етишган бир қатор фан номзодлари ва фан докторлари юртимизда суғдшунослик, авесташшунослик, тарихшунослик, матншунослик, этнология сингари фан йўналишларининг такомиллашувига муносиб улушларини қўшиб келишмоқда.

Кўп сонли маҳраму ҳамдамлари, дўсту биродарлари, қардошу қўлдошлари, ҳамкасбу ҳамфирлари қатори, мен ҳам муҳтарам Мирсадик aka Исҳоқовни қутлуғ ёшни қаршилаётганлари билан чин қалбдан қутлайман. “Авеста”да илгари сурилган:

*Оlam аҳлининг ҳар кунин, ҳар бир дамин,
Эзгудан-да эзгурак қил, шодлик ичра қил шодмон*

ҳикматига ҳамоҳанг умргузаронлик қилаётган Инсонга узоқ умр, тани соғлиқ, хотиржамлик, оиласвий баҳт, илмий ижодларида янгидан-янги зафарлар ёр бўлишини Аллоҳдан тилаб қоламан.

Ҳамидулла Дадабоев,
филология фанлари доктори,
профессор.

СЕРҚИРРА ОЛИМ

Мен профессор, тарих фанлари доктори Мирсодик ака Исҳоқовни кўп йиллардан бери биламан. Бу инсон Тошкент давлат шарқшунослик университетининг энг пешқадам ва фаол олим ва педагогларидан бири. Кўп йиллар Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасини бошқарган. Ана шу даврлардан бу кафедра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан яқиндан ҳамкорлик қиласди. Бу ҳамкорлик натижаси ўлароқ Мирсодик ака раҳбарлигидаги кафедра ўқитувчилари институт томонидан ташкил қилинадиган конференцияларда фаол иштирок этганлар. Шунинг баробарида бизнинг институт ходимлари ҳам мунтазам равишда М. Исҳоқов ташаббуси ва раҳбарлигига ташкил этиладиган ТДШУнинг манбушунослик масалаларига бағишлиланган конференцияларида маъруза ва мақолалар билан қатнашиб келадилар. Ундан ташқари, кафедранинг ҳар йилги бакалавриат ва магистратура битирувчилари ишларини баҳолайдиган Давлат аттестация комиссиясига раис ва аъзо сифатида институтнинг илмий даражали ходимлари таклиф этилади.

2004 йилдан бери ҳар йили институтимизда ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги республика конференцияси ўтказилади. Бу конференция 2019 йилда халқаро даражага кўтарилди. Унда Фанлар академияси ва олий таълим тизимидағи кўплаб ёш тадқиқотчилар иштирок этади. Шулар қаторида Мирсодик ака Исҳоқовнинг ўз докторант ва тадқиқотчи шогирдлари, кафедра талабалари ҳам маъruzalari билан фаол қатнашадилар. Уларнинг орасида конференциянинг совринли номинациялари соҳиби бўлганлар ҳам бор.

Мирсодик ака серқирра олим бўлганлари сабабли республикадаги докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича бир нечта ихтисослашган Илмий кенгашларнинг аъзоси. Жумладан, мустақиллик йилларида Институт қошидаги Ихтисослашган кенгаш неча йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, М. Исҳоқов шундан бери мана шу кенгашда фаолият юритадилар, кўплаб ишларга оппонентлик қилганлар. Хусусан, мен 2001 йилда “IX-XI аср кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё

олимларининг ўрни” мавзуида докторлик ишимни ҳимоя қилдим. Бу мавзу ўрта асрлар табиий фанлари тарихига оид бўлгани боис, ишга тарихчи оппонентни топиш жуда қийин бўлди. Одатда, оппонентликка соҳани яхши биладиган мутахассис танланади. Менинг ҳолатимда эса кўп тарихчилар мавзу узоқлиги учун рози бўлмадилар. Шунда мен Мирсадик акага мурожаат қилдим. У киши ишни кўриб чиқиб, оппонентлик қилишга рози бўлдилар. Ёзган тақризларида ишни ижобий баҳолаган ҳолда бир нечта яхши тақлифларни ҳам бердилар. Бу эса олимнинг билим доираси нақадар кенглигини яна бир карра исботлади. 2002 йилда диссертациямни монография шаклида нашр қилганимда, М. Исҳоқов китобнинг тақризчиларидан бири бўлдилар.

Олимнинг фан тарихи соҳасидаги ишлари фақат менинг ишим билан чекланмади. У киши 2018 йилда академик А.П. Қаюмов билан ҳамкорликда энциклопедист олим Абу Райхон Берунийнинг (973-1048) металлар ва қимматбаҳо тошлар ҳақидаги “Китоб ал жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир” (“Минералогия”) номли асарининг ўзбек тилига таржимасини эълон қилдилар.

Мирсадик ака Исҳоқов Ўзбекистондаги тарих фани ривожига, ёш кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган етук олимдир. Уларни муборак ёшлари билан чин қалдан табриклар эканман, ҳамиша ҳозирдагидек серғайрат, маҳсулдор, жонкуяр, камтарин ва самимий инсон бўлиб қолишлирини тилайман.

Сурайё Каримова,
тарих фанлари доктори.

ЭЗГУ ЎЙ, ТЕРАН БИЛИМ, БАГРИКЕНГЛИК БИЛАН ЯШАЁТГАН ОЛИМ

Мен Мирсадик ака Исҳоқов билан 1982 йилдан бери танишман. Қирқ йилдирки, у билан оға-ини, елкадош бўлиб бирга ишлаб келяпмиз.

Ўша кезлар ҳурматли устозимиз, у кишини Аллоҳ раҳмат қилсин, академик Азизхон Қаюмов ўзбек фанида улуғ ишга қўл урди: Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида Ўрта

Осиё халқарининг исломгача бўлган давр тарихида ишлатилган ёзув ёдгорликларини ўрганишга киришилди. Бошлаб уч йўналишда уч киши иш бошлаганмиз: бири, Мирсодик Исҳоқов; у Ленинградда номзодлик диссертациясини ёқлаб келган; Қўлёзмалар институтида сурʼуд ёзуви ёдгорликларини ўрганиш билан шуғулланди; иккинчиси, Насимхон Раҳмонов туркий рун ёдгорликлари поэтикасини ўргана бошлади. Мен 204- ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берардим, Азизхон домла мени ҳам илмга йўналтириди. Эски уйғур ёзувидаги ёдгорликларни ўрганиш иши юкланди: Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” маснавийсининг уйғур ёзувли қўлёзмасини ўрганиш мавзу қилиб берилди.

Қўлёзмалар институти биз учун қутлуғ ўтов, билим ўчоги, она-мактаб бўлди. Домла Азиз Қаюмовнинг яхши ғояси бор эди: “Шу чоққача ўзбек илми исломга қадар бўлган даврларда яратилган ёзув ёдгорликларини Европа олимларининг нашрларидан ўрганиб келади. Бундан буён ўзбеклардан ҳам ўша эски ёзувларни биладиган мутахассислар етишиб чиқмоғи керак”, - дер эди у. Домланинг бутун саъй-ҳаракати ана шу фикрни амалга оширмоқ учун қаратилганди. У яна қанча-қанча улуғ ишларни бошлаб, уларни юзага чиқарган.

Қўлёзмалар институтида яхши илмий муҳит шаклланган эди. Биз институтда ўтадиган илмий кенгашларни, айниқса, домланинг сўзга чиқишлиарни интиқиб кутардик: у ҳар мажлисда янги бир фикрни ўртага ташларди. Ёшларга яхши ўгит бериб, кўнглини тоғдай кўтариб юборарди; унинг қабулидан қанот боғлаб чиқарди киши. Илм эркинлиги, билим ҳамма нарсадан, ҳар қандай бойликтан устун бўлмоғи кераклигини ўргатди бизга домла. Биз ўша муҳитда улғайиб, олим бўлдик. Азиз Қаюмов кенг фикрли, билимли, фаннинг чинакам фидойиси эди. Унинг етакчилигига ўша кезлар Қўлёзмалар институтида қадимий ёзувларни ўрганиш, манбашунослик ва матншунослик, китобат иши, фольклоршунослик, туркология соҳалари гуркираб кетди. Домла бошқарган жамоа қадр топди. Шундай қадрли жамоада Мирсодик аканинг ўрни билиниб туради.

Мен 1993 йилдан бошлаб, Кўлёзмалар институтиги ишим билан бир қаторда Тошкент давлат шарқшунослик институтида, бошда Уйғуршунослик, кейинчалик Туркиёт кафедраларида ўриндош сифатида дарс берар эдим. 1998 йилга келиб, Кўлёзмалар институти Академиянинг бошқа институтларига қўшиб юбориладиган бўлди. Шунда мен у ердан бўшаб, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Туркиёт кафедрасига профессор лавозимига ишга ўтдим. Бу ишни менга устоз Алибек Рустамов тавсия қилди. Шу бўйи менинг илмий ва ўқитувчилик фаолиятим Шарқшунослик институти билан боғланиб қолди. Бир йил ўтиб, мени кафедра мудири этиб тайинлашди.

Ўша пайларда Мирсадик ака Фанлар академиясининг янгидан тузилган Тарих институтига директор этиб тайинланган эди. Лекин у билан яқинлигимиз узилиб қолгани йўқ. У мени ҳам қисқа муддат ўриндош сифатида ишга олди. Мақсади, институтда қадимги ёзма манбаларни ўрганувчи мутахассисларни йиғиб, бўлим тузиш эди. Мирсадик ака институтда Ўзбекистон тарихининг янги-янги соҳаларини бошлади; институт фаолиятини янги йўналишлар билан бойитди.

Орадан бир неча йил ўтиб, Мирсадик ака ҳам Шарқшунослик институтига ишга ўтди. Уни Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасига мудир этиб тайинлашди.

М. Исҳоқов аҳли илм, ўқимишли кишилар ҳавас қиласа арзигулик умр йўлига эга. У фанда кучли илмий асарлар яратиб, ўқитувчилик соҳасида кўплаб шогирдлар этиштираётир.

Олимнинг суғд ёзма ёдгорликлари бўйича яратган илмий ишлари, қадимги хоразм ёзувига бағишиланган асарлари, “Авеста”нинг талқини ва ўғирмалари фанда эътироф этилган.

Мирсадик ака билан биргаликда йирик тадқиқотларни юзага чиқарганмиз. Биз 1989 йили тўрт киши “Фан” нашриётида “Ўлмас обидалар” отли монография чоп эттирдик. Унга М. Исҳоқовнинг “Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти”, Н. Раҳмоновнинг “Кул тигин ёдномасининг поэтикаси”, К. Содиковнинг “Қутадғу

билиг”нинг тил хусусиятлари”, Б. Тўхлиевнинг “Кутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари” отли тадқиқотлари киритилган. Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича яхши китоб бўлди; довруғ қозониб, яхши тақризлар чиқди. Бу бизнинг биргаликда чоп эттирган биринчи китобимиз бўлди.

Бизнинг илмдаги бирлигимиз кейинчалик ҳам узилмади. Мирсадик ака билан бир неча китоб, мақолаларни бирга чиқарганимиз: у сұғд ёзуви ёдгорликлари ҳақида ёзса, мен туркий ёдгорликлар ҳақида ёзганман. Кутилмаганда, икковимизнинг ишимиз бирбирини тўлдириб, Ўрта ва Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги, ёзув маданияти, умуммаънавияти бўйича мукаммал асарлар юзага келди бу ишлар сўнгидা.

Биз тўрт киши – А. Қаюмов, М. Исҳоқов, А. Отахўжаев, Қ. Содиков биргаликда “Ёзувчи” нашриётида “Қадимги ёзма ёдгорликлар” деган монография чоп эттирганимиз (Тошкент, 200). Унга тўртовимизнинг йирик-йирик тадқиқотларимиз киритилган. Китобда М. Исҳоқов сұғдарнинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма мероси ҳақида фикр юритиб, уларнинг ўзбекча ўгирмаларини келтиради. Илмий ҳамкорлигимиздаги ажойиб асар бўлди бу китоб.

2009 йили уч киши “Мангу битиглар (Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар)” деган монография чоп эттиридик. Китобга М. Исҳоқовнинг “Суғдча битигларга янгича қараш”, Қ. Содиковнинг “Қўқ турк битиглари ва уларнинг талқини”, Қ. Омоновнинг “Туркий расмий услуб тарихидан” отли илмий тадқиқотлари киритилган. Мирсадик ака бу китобда Биринчи кўқ турк хоқонлиғи дарида яратилган Буғут мангутоши, унинг тикланиш тарихи, ёдгорликда сақланиб қолган суғдча битиг талқини, шунингдек, араблар истилоси даврига тегишли суғдча бир ҳужжатнинг мазмуни билан боғлиқ назарий қараашларини баён этган. Китобда суғдча матнларнинг ўзбекча ўгирмалари ва талқини ҳам бор.

Мен М. Исҳоқов раҳбарлигига тузилган илмий лойиҳалардан бирида қатнашиб, унинг қўрсатмаси билан бир китоб ҳам яратдим. У “Қадимги туркий халқларда шаҳарчилик, ўтрок дехқончилик маданияти ва яйлов турмуш тарзи” (Тошкент, 2017) деб аталди.

Китобда туркий ёзма ёдгорликларда берилган маълумотлар, уларда кечган атамалар, тапонимларга таяниб, туркий халқларнинг ilk ва ўрта асрлардаги шаҳар маданияти, қишлоқ ва яйлов турмуш тарзи тўғрисида сўз юритилади. Мен қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи ҳақидаги ўй-қарашларимни ана шу китобда ёритганман.

Биз телевидениеда қадимги ёзув ёдгорликларига бағишлиланган кўрсатувларда кўпинча Мирсадик ака билан бирга қатнашганмиз. Ҳозир ҳам телевидениега суҳбатга чиқиришгудек бўлса, Мирсадик ака билан бирга чақиринглар; у киши билан яхши чиқишаман, фикримиз бир ердан чиқади, деб қўяман.

М. Исҳоқов билан бирга ишлашнинг, фикрлашиб туришнинг ўзи баҳт. У билан оға-инилигимиз тириклигимнинг сўнгига қадар этишини жуда-жуда истайман.

Мирсадик оға, улуғ ёшингиз қутлуғ бўлсин. Юздан ошиб юринг. Тетиклик, фикр ўткирлиги, ҳар кимса эришавермайдиган кучли нотиқлик ва ўз асарларини балоғат даражасида битиш маҳорати Сизни тарк этмасин.

Қосимжон Содиков,
филология фанлари доктори, профессор.

НОЁБ ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Мен тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов Мирсултоновични 1980 йиллардан биламан. Айниқса, 1985 йилдан жуда яқиндан танишмиз ва Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлёзмалар институтида бирга ишлаганмиз. Мархум академик Азизхон Қаюмовнинг саъй-ҳаракатлари билан 80-йилларда мазкур институтда исломгача бўлган қадимги давр ёзма ёдгорликларини ўрганиш бўлими ташкил этилган бўлиб, домла шу бўлимда катта илмий ходим, кейинчалик бўлим бошлиғи бўлиб фаолият олиб борганлар. Азизхон Қаюмов халқимизнинг қадимий ёзувлари ва ёзма манбаларини ўрганиш ишини ташкил этиш мақсадида Мирсадик ака Исҳоқовни суғд, ёш олимлар Н. Раҳмоновни туркий рун ва Қ.Содиковни эски уйғур ёзувларини мукаммал ўрганиш, манбаларини илмий тадқиқ этиш ишига тайинлаганлар.

Бундан салкам эллик йил олдин бошланган ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини берди. Бу олимларимизнинг барчаси номзодлик, кейинчалик докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Мирсадик ака ҳам сугд ёзуви ёдгорликлари бўйича нафақат юртимизда, балки дунёда соҳалари бўйича танилган олимлар қаторидан муносиб жой эгаллашди.

Професор М.Исҳоқовнинг илмий, ижодий, олимлик фаолияти унинг шу кунга қадар фаолият олиб борган ташкилотлари мисолида яққол намоён бўлади. Болалигидан илмга чанқоқ Мирсадик Исҳоқов учун ҳаётнинг ўзи тақдир тақазоси билан мана шу машаққатли, лекин шарафли йўлни тақдим этди. Унинг илмий жиҳатдан ўсишида йирик олимлар: академиклар Я.Ғуломов, А.Қаюмовларнинг хизматлари жуда катта. Олим ҳозирга қадар собиқ Ўзбекистон ФА Кўлёзмалар институтида, Ўзбекистон ФА Тарих институтида, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва бошқа бир қатор давлат муассасаларида раҳбарлик, илмий ходим каби турли лавозимларда фаолият олиб борганлар.

Муҳтарам домла жуда киришувчан инсон, ёшлар билан ёшларга хос, ёши катталар билан ўзларига хос, хотин-қизларга ҳам хос муносабат ва муомалада бўлар эдилар. Ўша вақтларда Кўлёзмалар институтида ишчан, жуда билимли жамоа шаклланган эди. Илмий жамоага раҳбарлик қилган академик Азизхон Қаюмов ходимларнинг барчасини илмий даражали бўлишига катта эътибор қиласа ва амалий фаолиятлари шунга қаратилган эди. Мана шу мақсадда институтда “Адабий манбашунослик ва матншунослик” ихтисослиги бўйича ҳимоя кенгashi очилган эди. Кўпчилик ёшларимиз мана шу кенгашда диссертацияларини ҳимоя қилиб, илмий даражага эга бўлганлар.

Азизхон Қаюмов институтда йилнинг охирида йиллик илмий ҳисобот конференциясини ўтказар эдилар. Институтнинг ҳар бир илмий ходими йил давомида амалга оширган илмий ишлари ва эришган ютуқлари бўйича ҳисобот маъruzаси билан чиқиш қиласа эди. М.Исҳоқов ҳам мана шу маъruzачиларнинг энг фаолларидан эдилар. Домладаги илмга бўлган муҳаббат, соҳаларига бўлган қизиқиши маърузаларида бошдан оёқ яққол сезилиб туради. Бу вақтда Мирсадик ака филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган ва исломгача бўлган ёзма обидалар, хусусан, сугд ёзуви ва ёдгорликлари бўйича докторлик диссертацияси устида ишлаётган

эдилар. Айнан шу вақтда 1989 йилда академик Азизхон Қаюмовнинг ташаббуси билан “Ўлмас обидалар” номли коллектив монографияда Мирсодик Исҳоқовнинг “Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари” номли сұғд ёзуви палеографияси бўйича тадқиқоти нашр этилган. Бу асар илмий жамоатчиликка сұғд ёзма ёдгорликларини ва унга оид эпиграфик материалларни таништириш учун яратилган амалий қўлланмага айланган. Мирсодик ака 1992 йили “Суғд ёзма ёдгорликларининг палеографик тадқиқоти” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффакият билан химоя қилдилар. Умуман олганда, олимнинг ҳаётида 1981 йилда 1998 йилгача М.Исҳоқов фаолият олиб борган Кўлёзмалар институтидаги илмий муҳит ва унга раҳбарлик қилган марҳум академик Азизхон Қаюмов муҳим ўрин тутади.

Тарих фанлари доктори Мирсодик ака Исҳоқов Ўзбекистонда ўзлари бошлиган илмий йўналишлари бўйича бир қатор шогирдларни тарбиялаб етиштирдилар. Бу йўналишнинг муҳимлиги лекин жуда оғирлиги, манбаларнинг камлигини жуда яхши англаған олим илмий мавзуларнинг шаклланиши, уларнинг режалари, ишларнинг ёзилиши масалаларига жуда синчковлик билан ёндашар, илмий иш бошлаётган ёшларга самимий мураббийлик маслаҳатларини берар эдилар. Яратилаётган илмий ишларнинг муҳокамасига алоҳида эътибор берадилар. Бунинг асосий сабабини, домланинг фундаментал илмий мактаб кўрганлиги, илмий тажриба ва малаканинг кўплиги, соҳанинг сир-асрорларини тушуниб, кенг қамровли мулоҳазанинг мавжудлиги, устоз сифатида масъулиятлилигидан деб биламан. Домланинг назари-дан кўпчилик эътибор бермайдиган майда-чуйда нарсалар ҳам четда қолмайди. Мирсодик ака ўзбек ва рус тилларини мукаммал эгаллаган ва ҳар иккисида ҳам илмий муроҳада қила оладиган ва уларни матнда саводли акс эттира оладиган ноёб салоҳият эгаси ҳисобланади. Буни иш жараёнида бир неча бор синаф кўрганмиз.

Захматкаш олим Мирсодик домла Исҳоқов йигирмага яқин фан номзодлари ва докторларининг устози. Шогирдлари ҳам ўз устозлари ҳакида доимо ҳурматли фикр билдирадилар ва уни қадрлайдилар. Мехнатсевар олимнинг илмий мероси жуда салмоқли. Устоз томонидан 200 дан ортиқ монография, китоб, дарслік, қўлланма, илмий мақолалар яратилган. Домлани Ўзбекистон халқаро ислом академияси жамоаси ҳам жуда улуғлайди. У киши

Академиянинг ўқув, илмий жараёнида фаол иштирок этиб келганлар. Жумладан, талабаларга “Дунё динлари тарихи”, “Марказий Осиёдаги қадимий динлар” каби фанлардан маъruzalар ўқиганлар, битирув имтиҳонларининг раиси, диссертацияларга оппонентлик, монография ва қўлланмаларга тақризчи сифатида доимо хизматда бўлган. Шунингдек, кўплаб ҳимоя кенгаши ва семинарлари аъзоси сифатида ҳам тинимсиз фаолият олиб борадилар.

Ҳар қандай олимнинг илми, маҳорати, салоҳияти унинг ёзган асарлари, мақолалари, анжуманлардаги маъruzalарида кўзга ташланади. Бу борада ҳам профессор Мирсадик Исҳоқов пешқадам. Юртимизда, чет элларда бўлсин ўтказилган Ўзбекистон тарихи, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Термиз, Хива каби қадимий шаҳарларимиз юбилейларида тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов албатта иштирок этади ва жуда муҳим, илмий аҳамиятга молик маъruzalар қиласи. Бу эса унинг ўз соҳасига бўлган муҳаббати, ҳурматидан бир нишона десак, янглишмаган бўламиз. Шу сабабли ҳам Мирсадик акани юртимизда, чет элларда айниқса, илмий доираларда биладиганлар жуда кўп.

Домла барча соҳада фаол ва чаққон. У киши илмдан ташқаридағи фаолиятда ҳам кўпчиликка намуна бўла олади. Биз у киши билан Кўлёзмалар институти давридаги фаолиятимизда кўплаб хизмат сафарларида бўлганмиз, ўтмиш бўлса ҳам паҳта каби қишлоқ хўжалиги ишларида бирга иштирок этганмиз. Буларнинг барчасида у киши кичикка акадек, каттага уқадек муносабатда бўлганлар. Мен у кишининг бирорга жаҳл ёки қўполлик қилганини кузатмаганман. Мирсадик aka кучли сухандон, сўз устаси, мумтоз адабиёт ва шеърият билимдони ҳамда шайдоси, нодир овозли хонанда, дилкаш сухбатдош, маслаҳатўй, ташкилотчи. Хулласи калом, тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов нодир истеъдод соҳиби. Домла мана улуғ саксон ёшни қаршилаётган эканлар, уларга яқин ҳамкаслари, шогирдлари номидан мустаҳкам соғлик, эл-юрт хизматидаги узок умр, баҳтли-саодатли, қўша қариб юришларини тилаймиз.

Зоҳиджон Маҳмудович Исломов,
филология фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон халқаро
ислом академияси проректори.

ЯХШИЛАРНИНГ ЯХШИСИ

Одатда, яхшилар ҳақида гапириш осон юмушдек туюлади. Чунки яхши одамнинг эзгу хислати кўп бўлади. Сиз у ҳақида қийналмай гапиришингиз мумкин��к. Аслида эса ундан эмас. Сабаби, унинг бирор бир яхши фазилати ҳақида гап бошлигининг билан уни белгилаб турувчи бошқа асосий яхши қирраси қолиб кетиши ва сиз у одамни тугал тавсифлай олмаслигингиз мумкин. Яхши одам атоқли олим, ўз соҳасининг етакчиси, фанда ўз мактаби ва йўналиши бор, юзлаб илмий мақолалар ва китоблар муаллифи бўлса, сизнинг ишингиз янада қийинлашади. Чунки бунинг сингари инсонлар ҳақида сўзланганда доимо қайдидир бир жиҳати айтилмагандек, кемтиқ маълумот берилгандек ўй келаверади, хаёлингизга.

Мамлакатимизнинг энг қадимги даврларида битилган ёзма ёдгорликлар билимдони, атоқли тарихчи, Ўзбекистон суғдшунослик мактаби асосчиси, Тошкент давлат шарқшунослик университети Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Мирсадик Исҳоқов тўғрисида икки энлик эсадаликларимни ёзиш жараёнида айни юқоридаги фикрлар оғушида қолгандек бўлдим. У кишининг қайси бир жиҳатларини ёзсан экан, деган ўй тинчлик бермасди.

Мирсадик Исҳоқов серқирра шахс. У кишининг одамохунлик, катта қалб эгаси эканлиги, ҳеч бир кимсадан ёрдамини аямайдиган катта одамийлик табиатлари ҳақида қораласаммикан ёки у кишининг ўзбек мумтоз мусиқаси ва қўшиқчилиги нозикликларини етакчи мутахассислардан кам бўлмаган даражада билишлари-ю, ўзлари ҳам катта ҳофизлардан қолишмайдиган даражада мақом асарларини маромида куйлай олишларидек туғма истеъдод эгаси эканликларини ёзсанмикан деган хаёл безовта қилас эди. Домланинг ана шу жиҳатлари ҳақида фикр юритишим билан у кишининг катта олимлик фаолияти “менчи” дегандек хаёлимни тўзғита бошлади. Чунки Мирсадик Исҳоқов минтақада биринчилардан Марказий Осиёнинг араб истилосига қадар қадимий ёзувлари ва ёзма ёдгорликларини аслиятдан ўқиб, изланишлар олиб борган ва тарихий манбашуносликнинг янги саҳифасини очган олимлардан. Домланинг ўзбек тарихшунослигидаги яна бир энг

мухим ўрни у киши ўзбек суғдшунослик мактабининг тамал тошини қўйган, “Суғд ёзма ёдгорликларининг палеографик тадқики” мавзуидаги докторлик диссертацияси орқали суғдча битигларни ўқишининг янги услубини ишлаб чиқсан, дунё тан олган суғдшунос олам эканлиги қолиб кетгандек бўлаверади. Ёки домланинг энг қадимги ёзма ёдгорликлардан “Авесто”ни аслият тилидан ҳозирги ўзбек тилига ўтирган моҳир таржимонлик фаолияти эътиборга арзимаймизми, дегандек хаёлимдан ўтади.

Шу ҳақда ўйлашим билан у кишининг катта устозлик, педагоглик фаолиятларини гапирмаслик тўғри эмас, деган фикр кела бошлиди. Домла узоқ йиллардан буён Тошкент давлат шарқшунослик университети Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, сўнгра Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси мудири ва профессори ўлароқ юзлаб шарқшунос-тарихчиларга сабоқ бериб келмоқдалар. Яна бир жиҳат домланинг илмий раҳбарлиги ва маслаҳатлари билан ўнлаб фан докторлари, фан номзодлари ва фалсафа докторлари етишиб чиқсанлигининг ўзи ҳам домланинг катта устозлигидан бир улгудир.

Домланинг фаолиятларидан яна бири фан тарғиботчилиги билан боғлиқ жиҳат ҳам биз бормиз, дегандек бўлаверади.

Мирсадик Исҳоқов Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали юзлаб чиқишилар, телемулоқотлар, Тошкент шахри тарихига оид туркум кўрсатувлар, “Академсоат” ва “Мозийга саёҳат” сингари ўнлаб кўрсатувлардаги чиқишилари билан тарих билимининг толмас ташвиқотчисига ҳам айланганлар.

Умуман, домла Мирсадик Исҳоқовнинг яна ўнлаб – оиласеварлик, оналарга меҳр кўргазишилик, шажаралар тарихи билимдони эканликлари, нотиқлик, даврларнинг жўрабошиси сингари қирралари борки, улар ҳам алоҳида эътиборга арзийди. Шунинг учун домла ҳақида тугал матн ёзишини у кишининг тўқсон ёки юз йилликларига қолдирсам-да, у кишига улуғ саксон ёшлари қутлуғ киришини тилаб қолсам.

Құдратулла Омонов,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети биринчи проректори,
филология фанлари доктори, профессор.

БАШАРИЙ ДИНШУНОСЛИК ФАНИГА ОИД ТАДҚИҚОТ СОХИБИ

Мен ўз изланишларимда дастлаб профессор М. Исҳоқов асарларига мурожаат қилганимда қуидаги холосага келган эдим, яъни: аслида турли диний эътиқодлар асосининг бирлиги тўғрисидаги тушунча узоқ ўтмишдан Шарқда олиму фозиллар диққат марказида бўлган. Масалан, XII аср теологи Ибн Арабийнинг “Фусус ал-Ҳикам” асарида турли даврларда пайғамбарлар орқали нозил этилган динлар тўғрисида шундай дейилган:

“Барча пайғамбарлар ва авлиё-анбиёлар Мұхаммад (с.а.в.) ҳақиқатида мужассам яхлитликнинг бир қисмидир. Зотан, ислом сўнгги ҳақиқат асносида ҳамма динларни ўз ичига қамраган. Шунинг учун бутпарамастликдан то радикал монотеизмгача бўлган эътиқодлардаги бор йўллар илоҳият билан бирлашишга олиб келади”¹.

Юқорида Шарқ диншунослиги хусусида берлиган иқтибосдан кўзланган мақсад, устоз ўз ижодий умрини бағишлигар – “ибтидоий диний тасаввурлар оламини мифологик ишончлар ва табиат ҳодисаларига йўналтирилган босқичдан чин маънода якка худолик сари етаклаган зардуштийлик” мавзуи ҳам араб олими таърифлаган Пайғамбаримиз ҳақиқатида мужассам яхлитликнинг ажралмас бир қисми экнлигини ургулаш эди. Бинобарин, устознинг зардуштийлик тарихи, унинг ғоявий таҳлили ва асл матни таржимаси орқали кашф этган фалсафий таҳлили ва талқини, ниҳоят, “Авеста: Зардушт “Гоҳ”лари (маъно ўгирмалари ва герменевтик талқинлари)” китобида ўз тугал илмий тафсилини топди десак, муболаға бўлмас.

Олим тадқиқоти натижаларининг яна шундай илмий хусусиятлари ҳам борки, улар диншунослик фанига дахлдор бошқа мавзулар илмий тадқиқида ҳам бевосита муҳим роль ўйнаши мумкин. Масалан, хинд диний эътиқодлари асоси бўлган “Веда”нинг “Авеста” манбай билан муштарак жиҳатлари таҳлилига доир қиёсий тадқиқотларда. Қолаверса, агар “Авеста” манбайнинг бевосита маънавий-ижтимоий ҳаётдаги моҳиятига назар солсақ, ундаги оила масъулиятида отанинг туган ўрни ва салобати, мазмунан Конфуций таълимотидаги оила ва ота мавзуи моҳиятини эслатади.

¹Триминген Дж.С. Суфийские ордена в Исламе. М.: «Наука». 1989, С. 30.

Мазкурда мисол тарзида қайд этилган ҳинд ва хитой диний эътиқодлари билан зардустийликнинг ўзаро туташ нуқталари мавжудлиги, бу – яна бир бор динлар ҳақидаги Ибн Арабий фикрининг амалиёти десак, хато бўлмас. Фикримизча, айнан шу нуқтаи назардан устоз зардустийлик бўйича етук мутахассис сифатида дунё олимлари билан беллашишга шубҳасиз қодир.

Кези келганда яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, муҳтарам устозимиз исталган жамоа ичида олимликдан аввал инсоний фарз бўлган одамийлик масъулиятини ҳеч қўлдан бой бермаганлар. Шунингдек, у кишининг ўз танлаган тадқиқотлари қаторида ўзга ижтимоий фанлар ҳақидаги тўплаган билимлари, ҳаётий тажрибалари ва айниқса, ахлоқий руҳият йўғрилган муомала-муносабатлари, биз шогирдлар учун халол инсоний ва илмий-ижодий умргузаронликнинг ҳақиқий инъикоси.

Муҳтарам Устоз! Сиз ва оила аъзоларингизга хулуси дилдан сиҳат-саломатлик, узоқ умр ҳамда бардавом ва юксак илмий парвозлар тилаймиз.

Нажмиддин Низомиддинов,
филология фанлари
доктори, профессор.

КЎҲНА СУҒД ТИЛИНИ ҚАЙТА ТИКЛАГАН ОЛИМ

*Олий мақсадларга эришишининг энг осон йўли
аждоҳларимиз афсоналари ва ўтмиши тарихини ўрганишидир.
Абу Раҳон Беруний*

Турон пасттекислиги географик ранг-баранглиги билан фарқланиш хусусиятига эга бўлган Зарафшон водийси халқимизнинг илк ёзма ёдгорлиги бўлган “Авесто” “Яшт” китобида “Гава Сугуда” этнотопонмика атамасида ўрин олиб, унинг ҳудудида минг-минглаб йиллар мабойнида табиий манбалардан касб-корини белгилаб олиб, турли номга эга бўлган аҳоли тарихий давр, унинг турли босқичларида ўтроқ ҳаёт, суғорма дехқончилик ва шаҳарсозлик маданияти ва илк ўзбек давлатчилигининг вужудга келиши ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшганли қадимшунос олимлар томонидан аҳоли турар-жойларида кенг қамровли тарзда олиб борган археологик

изланишлар натижаларидан маълум. Зарафшон водийси Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашиб, ўзига хос географик мұхити, табиий-иктисодий манбаларга сероблиги боис, кишилик тарафидан ўзлаштирилиш объектига айланган. Зарафшон водийси табиий-иктисодий ҳудудларда асрлар давомида хўжаликнинг барча соҳаларида эришган зафарлари мазмун-моҳияти улар томонидан археологик ёдгорликларда ўз аксини топган. Зироаткор аҳоли маънавий маданиятиниң юксак даражада таракқий этгандигини изоҳлайдиган аҳоли маданий мерос ёдгорликларида сүғд тилида битилган ноёб ашёлар олинган. Бу турфа оламга чиққан кишилар ўз характеристига айланаган. Танланган касбни давом эттириш инсон характеристига кўпинча боғлиқ бўлиши табиий ҳол. Киши танлаб олган касбни ижодий ривожлантириш йўлида ўз умрини бағишлиди. Мана шундай мустаҳкам табиатли, танлаб олинган касбга ўз ҳаёт тарзини фидо қилган устозимиз, тарих фанлар доктори, профессор Мирсадик Исҳоқовдир. Милоддан аввалги III-II асрларда вужудга келиб, оромий ёзуви асосида шаклланган сүғд ёзуви милодий I аср бошларидан XI аср биринчи чорагигача унинг тарқалиш географияси Фарғона, Тошкент ҳамда Еттисув ҳудудлари бўлган. Сүғд тилида битилган ҳужжатлар Муғ ва Афрасиёб ёдгорликларидан олинган. Шу билан бирга, сүғдшунос олим “Авесто”нинг “Яшт” китобини ўзбек тилига таржима қилиб, илмий оламга тадбиқ қилди. Шу боис, ўзи билмаган ҳолда, ёзма манбаларга таяниб, аждодларимиз маданиятини ўрганишни бошлаган тадқиқотчилар маънавиятида ҳайкал қўйганлиги эътиборга лойиқ. Мазкур ноёб ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини илмий жамоатчилик ва кенг китобхонларга етказища 80 ёшга қадам қўйган Мирсадик устозимиз хизматлари бекиёс. Халқимизнинг қадимий “сүғд” атамасида ёзув битигларини қамраб олган воқеаларни қайта тиклаб, уни миллий истиқлолга эришган халқимизга тақдим қилган Мирсадик устозимизга узоқ йиллар давомида табиат ўз ҳадясини инъом этсин. Истагим шуки, ўз тақдирини англаған халқимиз ардоғида бўлсин.

Қ. Собиров,
Урганч давлат университети
профессори.

БИРИНЧИ ШОГИРДЛИК ФАХРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Ўз устози ҳақида фикр билдириш учун ҳар қандай шогирдда ўзига хос масъулият ҳисси бўлади. Мана деярли 35 йилдан бери устознинг “этагини тутиб” илм йўлида фаолият олиб боряпман. Бу давр сарҳисоби ҳақида гап кетганда, устоз ва шогирдлик анъаналарининг бутун бир босқичи хотирланади.

Бугун устозим Мирсадик Мирсултонович Исҳоқовнинг 80 ёшли муборак айёмлари кунлари барча воқеликларни эслаш ва шу устозга шогирд бўлганлим шукронасини изҳор қилиш пайти келди. Маълумки, 1988-1989 йиллар кўпчилик қатори менга ҳам осон кечмади. 1985 йилда Тошкент давлат маданият институтини та- момлаб, ҳарбий хизматни ўтаб қайтим. Аммо бирор жойдан иш топиш масаласи муаммо эди. Ўртачирчиқ тумани маданият бўлимида, мактабда, “Оҳангарон” газетасида ва яна бир неча жойларда ишлаб рўзғор тебратишга тўғри келди. Шу пайтларда қишлоғимизнинг нуфузли шахсларидан бири, 29- мактаб директори бўлиб турган амакимиз Абдуғани ака билан устознинг ўзаро бори-келдиси, дўстона алоқалари бор эди. Куз кунларидан бирида амаким уйига меҳмон келгани, у киши мени йўқлаётганини билдириб, ўғилларини уйимизга юборибди. Амакимнинг хона- донига бордим. У ерда амакимдан ташқари, устоз ва унинг яқин тутинган укаси, туманимизнинг таниқли олимларидан бири Бўривой ака Абдуллаев ўтиришган эди. Салом-аликдан сўнг устоз ишларим ҳақида сўради. Шунда амаким: “бироз қийналиб юрибди. Ёнингизга олсангиз, тортиб кетади”, дегандек гап қилдилар. Устоз эса: “Бу йигитни яхши биламан, у ҳақда синглім Мухлиса айтган эди” дедилар. Чунки Мухлиса билан бир курсда ўқиган эдим. Хуллас, ўзаро суҳбатдан сўнг устоз мени ўз ёнига Фанлар ака- демиясининг Кўлёзмалар институтига боришимни тавсия қил- дилар. Айни аспирантурага қабул жараёнида институтга бордим. Устоз мени институт директори академик А.П. Қаюмовнинг олди- ларига олиб кирдилар. Ўртадаги суҳбатда устознинг илмий иш- лари йўналиши доирасида ишлашимга келишилди. Устоз Ўзбе- кистондаги ягона суғдшунос олим эдилар. Аввалига, яъни 1972 йилда “Муғ тоги суғдий ҳужжатларда феъл туркуми шакллари” мавзусида филология фанлари номзоди бўлган устоз, 1992 йилда “Суғд ёзма ёдгорликларини палеографик ўрганиш” мавзусида

тарих фанлари доктори тадқиқотини ҳимоя қилди. Бу ҳимояда мен ҳам иштирок этиб, йирик шарқшунос олимлар, филология фанлари доктори, профессор А.Л. Хромов, тарих фанлари доктори И.Л. Кизласов ва тарих фанлари доктори, кейинчалик академик бўлган Э.В. Ртвеладзеларнинг устознинг ишларига оппонентлигига гувоҳ бўлдим. Илм қилиш машаққати ва қилинган илмий ишнинг ҳимояси қандай бўлишини ўз кўзим билан кўрдим. Қолаверса, катта устозларнинг сухбатидан баҳраманд бўлдим. Филологик ва тарихий манба сифатида суғдий ёзма ёдгорликларни ўрганиш устознинг бош мақсади эди. Шу боис бўлса керак, устознинг суғдий тилни ва манбаларини ўрганиш борасидаги фикрлари Кўлёзмалар институт раҳбарияти томонидан қўллаб қувватланган эди.

Юқорида айтилганидек, устоз илк бор суғдий тилнинг феъл туркумини филологик таҳлил этган эдилар. Энди эътибор суғдий тилнинг олмош туркумини ўрганиш масаласига қаратилганди. Айнан шу вазифани бажариш зиммамга тушди. Аспирантура имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Кўлёзмалар институти аспирантига айландим. Бу даргоҳда қўплаб олимлардан ўзимга керакли илмий сабоқлар олдим. Хусусан, Муҳаммаджон Ҳакимов, Қозоқбой Маҳмудов, Қосимжон Содиков ва бошқалар ўз билимлари ҳамда ҳаёт тажрибаларини ўргатиб боришли. Аспирантурадан сўнг мазкур институтда фаолиятимни давом эттиридим. Устозимнинг талабчанлиги боис, илмий ишни бошлашдан олдин мен учун умуман янги тушунча бўлган Суғд ва суғдийлар, уларнинг тили ва ёзуви борасида анча ишлашга, меҳнат қилиш, ўқиб-ўрганишга тўғри келди. Кўплаб китоблар ўқиб, мавжуд қўлёзмаларни кўздан кечирдим. Имкон қадар устознинг ишончларини оқлашга ҳаракат қилдим. Ишларим самараси ўлароқ устознинг бевосита маслаҳатлари ва кўмаклари билан “Суғд ёзма ёдгорликларида олмош туркуми” рисоласини (Тошкент, 1995 йил) чоп эттиридим. Бу қилаётган ишимнинг дастлабки натижаси эди. 2000 йилда эса А.П. Қаюмов, Қ. Содиков ва устоз билан ҳаммуаллифликда “Қадимги ёзма ёдгорликлар” туркуми тайёрланди. Биз устоз билан “Суғднинг буддавий фалсафий-ахлоқий ёзма меросидан” қисминии тайёрладик (Тошкент: Ёзувчи, 2000). Бу монография Ўзбекистон Республикаси ФАнинг 2000 йил китоби номинацияларидан бирига эришли.

Орада фан соҳаси ислоҳатлари рўй берди. Кўлёзмалар институти тугатилиб, унинг фонди Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти тасарруфига ўтди. Ходимларининг бир қисми Адабиёт музейида, бошқа бир қисми Шарқшунослик институтида ва биз бир неча киши устоз бошчилигида Тарих институтига ишга ўтдик. Бунга сабаб 1998 йил 27 июлда “Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди. Шу бўйича концепция тайёрланди. Мазкур концепцияни тайёрлаганлардан бири устозимиз эди. Тарих институтини янги босқичга олиб чиқиш иши устозга юклатилди. 1998 йилнинг август ойидан биз Тарих институти таркибида фаолият юритдик. 1999 йилнинг 10 июнь куни Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ихтиослашган илмий кенгашида устоз раҳбарлигидаги “Суғд тилида олмош туркуми” мавзусидаги номзодлик ишимни ҳимоя қилдим. Устознинг биринчи шогирдига айландим. Бу менга чексиз фахр берарди. Айни пайтда елкамда суғдшунослик соҳасида хизмат қилиш масъулияти ҳам бор эди. Чунки устоз ёнида ишлаш, уларнинг маслаҳати билан илк ўрта асрлар даври, Суғд ва сұғдийлар тарихи, улар қолдирган ёзма ёдгорликлар тадқиқи доирасидаги мавзуларга йўналиш жараёни бошланган эди. Қолаверса, устоз хоразмий тили ва ёзувини тадқиқ этиш, “Авесто” матнларини ўзбек тилига таржима қилиш ишларининг ҳам бошида эди.

Айrim сабабларга кўра, 2000 йил май ойидан устоз Тошкент давлат шарқшунослик институтига (ҳозирги университет)га ишга ўтдилар. Тарих институтига Дилором Алимова етакчилик қилда бошлади. Шу йилнинг сўнгида доктарантурага қабул эълон қилинди. Д. Алимованинг тавсиялари билан докторантурага киришим маълум бўлди. Зудлиқда устозим билан учрашиб, янги тарих йўналишидаги мавзу юзасидан маслаҳатлашдик. Номзодлик ҳимоя қилаётган вақтимда Қозоқбой Маҳмудов таклифи қилган, ҳали Ўзбекистонда бу масалага ҳеч ким жиддий киришмаган “Илк ўрта асрларда турк-суғд муносабатлари” мавзусини ишлаш борасида бир тўхтамга келдик. Ўша жойнинг ўзига устозимнинг фикр-куватлари билан мавзу асосномаси ва режасини тайёрладик. Мазкур мавзу ва унинг режаси Тарих институти раҳбариятига ҳам маъқул

келди. Институт илмий кенгаши томонидан эса ушбу долзарб мавзу қўллаб-қувватланди. Шу аснода илмий фаолиятимнинг устоз раҳбарлигидаги иккинчи босқичи бошланди.

Тарих институтидаги илмий фаолиятим давомида устоз билан доимий боғланишда бўлиб, қилаётган илмий ишим юзасидан маслаҳатлар олиб турдим. Ва ниҳоят 2011 йилнинг 5 май куни Ўзбекистон ФА Тарих институтининг Ихтисослашган илмий кенгашида “Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнларда турк-суғд муносабатлари” мавзусидаги докторлик ишимни ҳимоя қилдим. Бу ишимнинг натижаси устозим масъул муҳаррирлигидаги “Илу ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд-муносабатлари” (Тошкент, 2010 йил) монографияси бўлди. Шунга ҳам орадан 11-12 йил ўтди. Бу йиллар давомида мен қатори устозимнинг яна ўнлаб шогирлари ўз илмий ишларини ҳимоя қилишди. Баҳоли қудрат мен ҳам қўлимдан келгунча уларга маслаҳатлар бера бошладим. Устознинг биринчи шогирди сифатида қанчалик фахрлансам, шунчалик ўз зиммамда масъулият борлигини ҳис қиласман. Мирсадик Исҳоқовнинг илмий мактаби нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурлир.

Аҳён-аҳён устоз, шогирдлар, ҳамкаслар бизнинг Корасув бўйидаги супамизда тўпланиб, ихчам дастурхон устида сухбатлар қуриб турамиз. Устоз нафақат илмий мунозаралар бобида, балки қизиқарли, кулгубоп ҳангомалар ва латифалар айтиш бобида ҳам инсон қўнглига йўл топа оладилар. Сухбатларида айтилган илмий хulosаларни тўплаб ёзган одам аллақачонлар номзодлик ёки докторлик ишини қилган бўларди, деб ўйлайман. Бундай устоз, олим ва том маънодаги инсон билан ҳамсухбат бўлиш кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Қолаверса, устознинг оиласини яхши биламан. Оналарининг дуоларини олганман. “Бу боламга намунча қийин мавзу бердинг” деб куйинчаклик билан айтган сўзларини эслайман. Янгамизнинг педагогик фаолиятидан ташқари, яхши бир оиланинг бекаси, қўли ширин пазанда эканлиги бор. Мазкур оиланинг соҳиби бўлган устозим нафақат илмда, педагогик соҳасида, балки оила бошқарувида ҳам бизга ибрат намунасидир. Тилагим устозимнинг соғлиқлари мустаҳкам, умрлари узун, шогирдлари кўпаяверсин.

Азимхўжа Отахўжаев,
тарих фанлари доктори.

ҚОМУСИЙ ОЛИМ ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ

Тарихга назар ташлар эканмиз, қадимги Туронда ўз илми ва салоҳияти билан бутун жаҳонни лол қолдирган буюк алломалар яшаб, сермаҳсул ижод билан машғул бўлганликларига гувоҳ бўламиз. Аждодларимизнинг шарафли анъаналарини изчил давом эттирган кўплаб замондошларимиз ҳам халқимиз баҳт-саодати ҳамда мамлакатимиз тарихини илмий асосда тадқиқ қилиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш йўлида муносиб ҳиссаларини қўшиш учун ҳормай-толмай самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан ана шундай комил инсонлардан бири – Ўзбекистон тарихи фанида ўз ўрни ва сўзига эга бўлган тарихчи манбашунос ва тарихшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Мирсултонович Исҳоқовдир.

Мирсадик Исҳоқов нафақат мамлакатимизда, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур бўлган тарихчи манбашунос олимлардан бири ҳисобланади. Унинг шарқшунослик, манбашунослик, хусусан, авесташунослик бўйича ҳар томонлама кенг кўламли теран билимга эга бошқа тадқиқотчиларни учратиш кийин. У зардуштийлик динининг буюк қомуси бўлган “Авеста” китобини изчил ва мукаммал ўрганган олим бўлиб, илмий фаолияти даврида 200 дан зиёд илмий мақолалар, 10 дан ошиқ йирик монографиялар ва кўплаб рисолалар нашр қилган.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йилларидан айнан Мирсадик ака ҳам асосий тадқиқотлари йўналишини “Авеста”ни ўрганишга бағишилади ва бу йўналишда қатор амалий тадқиқотларни бажарди. Авесташунос устознинг тинимсиз саъй-ҳаракати натижасида ушбу манбанинг Яшт ва Вендиат қисмлари илк маротаба ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди². Шубҳасиз, бу воқеа мамлакатимизда авесташунослик илмининг янги бир босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Қолаверса, айнан истиқлол йилларида М.Исҳоқов бошчилигига “Авеста” ҳамда зардуштийлик мавзулари доирасида республика ва халқаро миқёсида қатор илмий анжуманлар ва давра сухбатлари ўтказилди³. Қолаверса, устознинг олиб борган

² Авесто: ЯштОшибка! Закладка не определена. китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.; Авеста: «Ведевдот» китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент, 2007.

³ “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзуидаги илмий семинар материаллари. – Т., 2000; “Авесто” ва унинг инсоният

тадқиқотлари натижасида зардуштийлик дини ва унинг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрнини тадқиқ қилиш борасида самарали ишларни бажарди.

Хуллас, “Авеста”да битилганидек, ўзига эзгулик йўлини асосий тамойил қилиб олган устоз тарихимиз ва ёзма ёдгорлигимизнинг ноёб дурданаси ҳисобланган ушбу китобни илмий-амалий манба тарзда ўрганиш ва уни кенг оммага етказиш борасида улкан ишларни бажарган фидойи тадқиқотчилардан биридир. Айнан авесташунослик йўналишидаги тадқиқотларида ушбу манбанинг яратилиш тарихи, унинг тарихий ватани ҳамда мазкур манбада зикр этилган турли хил муаммолар доирасида қизиқарли ва эътиборга молик маълумотни ёзма, археологик ва этнографик материаллар асосида тадқиқ қилингандиги билан ажralиб туради.

Текшириш обьектига бу тарзда ҳар томонлама ёндашиш Мирсадик Исҳоқов тадқиқотларининг илмий жиҳатдан чуқурлигини, холислигини, ҳаётийлигини факт ва маълумотларга бойлигини таъминлайди. Колаверса, устознинг тарих илмининг турли йўналишлари, хусусан, қадимги Шарқ ёзма ёдгорликлари ва ёзув маданияти тарихи, нумизматика ва этнография йўналишида ҳам қатор тадқиқотлар муаллифи ҳамдир.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон ушбу мисраларини худди устоз Мирсадик Исҳоқовга бағишлиганидек туюлади:

Тарих китобларин кўп варақладим,
Қонли сўқмоқларни айландим такрор.
Қоралаб йўл босдим, жарлар хатладим,
Кўзим хира тортди, сочим босди қор.

Дарҳақиқат, устоз умрини Ўзбекистон тарихининг турли йўналишларини тадқиқ қилишга бағишиланган хассос тадқиқотчи олим ҳисобланади.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолар”, “Боғбон кетар, боғ қолар» каби пурҳикмат иборалар мавжуд. Дарҳақиқат, устоз - сермаҳсул боғ, кўп заковатли шогирдларни вояга етказди. Эзгуликка бағишиланган умр соҳиби устоз ўзларининг илмий фаолиятида йигирмадан ортиқ фан номзоди ва докторлари тайёрлади, қўплаб

тараққиётидаги ўрни мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Урганч, 2001.

тадқиқотчиларга расмий оппонентлик қилди, китобларга масъул мұхаррир бўлди ва кўплаб асарларга тақризлар ёзди.

Шунингдек, Мирсадик ака наъмунали оила соҳиби ҳам ҳисобланади. Турмуш ўртоқлари Дилором опа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида узоқ йиллар давомида фаолият олиб бориш билан бирга, устоз билан ҳамнафасликда яшаб, юртимизга қобил фарзандларни вояга етказиб тарбияладилар.

Мирсадик аканинг сиймоси ва сийратида мен XXI асрнинг тараққийпарвар олимни ҳамда ҳақиқий ўзбек зиёлисини кўраман. У доимо илмий мунозара ва баҳсларда фаол, шу билан бирга, миллат тарихи учун қайғурадиган, Ўзбекистон тарихи учун курашувчи, шогирдлари ва ҳамкасбларига ғамхўр устоз, энг муҳими, замон билан ҳамнафас ҳамда ҳамқадам тарзда ижод қиласди.

Дарҳақиқат, эзгулик умр мазмунидир. Устознинг бутун онгли меҳнати ва сермазмун умри ҳалкқа ситқидилдан хизмат қилиш унинг ҳаётдаги шиорига айланган. Унинг сабру қаноат, тинимсиз меҳнат билан кечирган сермазмун умри, камтарин ва камсуқум феъл-автори ёшлар учун чинакам тарбия мактаби ҳисобланади.

Хуллас, тарих фанимизнинг жонфидо билимдони, жаҳон та-маддунининг барча жабҳаларида Ўзбекистоннинг ўрнини ёритишида ёш тадқиқотчиларга ибрат бўлиб, жаҳон илм-фани жамоатчилиги эътирофига сазавор бўлган Мирсадик Исҳоқовга Яратгандан фақат саодатмандлигу соғлиқ ҳамда ижодий мувофақиятлар тилаймиз.

Адҳамжон Аширов, профессор,
Ўзбекистон ФА Тарих институти

ЖОНКУЯР ИНСОН – ИБРАТ МАКТАБИ, ТУГАНМАС ЭНЕРГИЯ СОҲИБИ

Хурматли Мирсадик Мирсултонович! Сизни ушбу муҳим сана билан чин қалбимиздан табриклаб, узоқ йиллар давомида илмий билим ва шахсий ривожланиш чўққиларига эришиб юришингизни хоҳлайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, некбинлик, фаровонлик ва келажакка ишонч руҳидаги ишларингизга ижодий юксалиш тилайман. Бундан кейинги ижодий режалар, иқтидорли шогирд ва издошлар,

юртимиз фаровонлиги йўлида илм-фан ва таълимни ривожлантириш йўлидаги меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.

Шубҳасиз, сизнинг ажойиб инсоний фазилатларингизда масъулият, малака, ташкилотчилик, хайриҳоҳлик мавжуд. Сиз ажойиб инсон, ғамхўр ота, одобли ва ибратли ақл эгасисиз. Сизга, ҳурматли Устоз, туганмас куч-қувват, сихат-саломатлик, оиласвий фаровонлик ва янги илмий чўққиларни забт этишини тилаймиз. Сизнинг илмий тадқиқотларингиз ва ғояларингиз одамларда миннатдор ҳиссини уйғотсин. Доимо ҳалқ ардоғида, оилангизда эса севги ва қувончда яшанг.

Доно ҳалқимизнинг “Устоз отангдек улуғ” ҳикматининг маъносини устоз Мирсадик Исҳоқов билан узоқ йиллар давом этиб келаётган илмий фаолиятимизда тушундик, десак муболаға бўлмайди. Устоз Мирсадик Мирсултонович жуда катта илмий педагогик ҳаёт мактабидаги синовларни маҳорат билан енгиб, бугун 80 ёшда “ҳазрати инсон”, “педагог”, “олим”, “жонкуяр устоз” сифатида ҳавас қилса арзидиган ҳаёт йўли, педагогик ва илмий фаолиятидаги юқори кўрсаткичлари ва натижалари билан бизга ибрат бўлмоқдалар. Устознинг шогирдларини ўз фарзандлари каби яхши кўриши, ҳар бирига меҳр оқибатли бўлиш туйғусини сингдириши унинг учун ҳаёт мактаби каби азиз туйғудир.

Унинг кейинги йиллар пешма-пеш нашрдан чиқаётган салмоқли китоблари, равон услубда ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалари, чуқур фалсафий умумлашмаларга бой мақолалари, шунингдек, ғоят самарали, кенг кўламли илмий хамда жамоатчилик фаолияти, бир сўз билан айтганда, давримиз олим ва олималари учун чинакам мезон, ибрат бўлғусидир.

Шонли юбилейингиз куни сизнинг истеъдодингиз ва ажойиб илмий ютуқларингиз учун бизнинг самимий қутловни қабул қилинг. Биз бугун сермазмун ҳаёtingизни безаб турган таълим, илм-фан соҳасидаги фаол меҳнатингизни, тарихни жонлантиришдек юксак

қобилиятиңгизни қадрлаймиз. Сиз яратған ҳар бир тадқиқот ишин-гизда янгича ёндашув, ёрқин ва чуқур индивидуаллигингиз тамғаси бор. Сизда зиёлига хос энг яхши фазилатлар – фикр ва сүзнинг ҳалоллиги, юксак ғояларга садоқат, фаол фуқаролик, Ватан олдидағи бурчингизга садоқат бор.

Сизнинг юксак ижодий салоҳиятиңгиз, фидокорона меҳнатин-гиз, касб маҳоратиңгиз, илм-фан ва методикага фидокорона садо-қатингиз доимо ҳайрат ва чуқур миннатдорлик ҳиссини уйғотиб келган ва давом этмоқда. Ишончим комилки, унинг туганмас энергия салоҳияти янги уфқларни ва ўнлаб йиллар давомида куч беради, бой ижодий ҳаётни очади.

Рахбар Холиков,
Тошкент давлат техника университети
Ўзбекистон тарихи кафедрси мудираси,
тарих фанлари доктори, профессор.

АЛЛОҲ НУРИ ТАЖАССУМ ЭТГАН ЕТУК АЛЛОМА

“Мен доимо зиёли, олим, ижодкор одамлар билан суҳбатлашишига интиламан ва бундай мулоқотларни ҳамиша соғинаман. Нега десангиз, олимлик “Аллоҳ нури тажассум этган” улуг бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига зиё тараплади. Олимларнинг суҳбатидан инсон ўзига маънавий бойлик олади, қалб кенгликларини, тафаккур теранлигини ҳис қиласи”.

Шавкат Мирзиёев.
(Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.:
“Ўзбекистон”, 2021. – Б.42 – 43)

Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Осиёда таниқли муаррих олим Мирсадик Мирсултонович Исҳоқов ўзбек сұғашунослик илмий йўналишига тамал тошини қўйган жаҳон миқёсидаги олим,

шунингдек, манбашунослик, авестошунослик, элшунослик бўйича ҳам салмоқли илмий асарлар яратган сиймо ҳисобланади.

Ёш Мирсадикжон олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. Ўлка тарихини илмий ўрганишга интилиш шу пайтда пайдо бўлган эди. 1966 йилда устози академик Я.Ғуломов тавсияси билан Россия Федерациясининг ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида аспирантурада ўқиб, машҳур манбашунос олим В.А. Лившиц раҳбарлигига Москва шаҳрида 1972 йилда суғдшунослик бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган, қалдирғоч ўзбек суғдшунос олим ҳисобланади.

М. Исҳоқов 1970 – 1978 йилларда Ўзбекистон ФА Я.Ғуломов номидаги Археология институтида илмий ходим, катта илмий ходим вазифасида ишлаб, қатор амалий археологик экспедицияларда фаол қатнашди. У 1978 – 1981 йилларда Тошкент давлат маданият институтида доцент, 1981 – 1988 йилларда Ўзбекистон ФА Кўлёзмалар институтида катта илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида хизмат қилган. 1988 – 2000 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих институтига директорлик қилди. 2000 – 2012 йилларда ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университетида кафедра мудири, сўнгги йилларда шу олийгоҳ профессори лавозимида самарали фаолият кўрсатмоқда.

М. Исҳоқов 1986–1992 йилларда Марказий Осиёнинг араб истилосигача қадимий ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи йўналишида илмий изланишлар олиб бориб, 1992 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Домла ниҳоятда сермаҳсул олим ҳисобланиб, кўплаб рисола, монография ва илмий мақолалар муаллифидир. “Суғд тилида феъл тизими” (1977), “Қадимги ёзма ёдгорликлар” (2000), “Ўзбекистон тарихи хрестоматияси” (1, 2- жиллар, ҳаммуаллиф), “Центральная Азия в системе мировой письменной культуры (древность и раннее средневековье)” (2008) каби салмоқли китобларни ёзган. “Авесто”нинг “Яшт китоби” (2001), “Видевдат китоби” (2007) ни таржима

қилган. Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг “Минералогия” (“Қимматбаҳо жавоҳирлар ҳақида билимлар китоби”, 2017) салмоқли асарига изоҳлар тузган. Устознинг кўп мақолалари Ўзбекистон МЭнинг 1–12 жилдларида ҳамда бошқа қомусларда босилиб чиқкан. Шунингдек, кўплаб тадқиқотчиларнинг монография, рисолаларига масъул муҳаррир бўлган ёки тақризлар ёзган. Илмий лойиҳалар, давлат грантларига раҳбарлик қилган. Олимнинг илмий ишлари рўйхати бўйича бир рисола килиш мумкин.

Устоз раҳбарлигидаги А. Отахўжаев, А. Аширов, Ф. Бобоёров, Б. Ғойибов каби ёш олимлар докторлик диссертацияларини ёқлашди. 10 нафарга яқин фан номзоди ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрлаган, ҳозирда эса кўплаб ёш тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. Кўплаб магистрлик, номзодлик, докторлик диссертацияларига расмий оппонент ҳам бўлди.

Домла Ш. Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети қошидаги Тарих фанлари бўйича илмий даражалар берувчи (PhD) Илмий кенгаш раиси ҳисобланади. ТошДШУ, Ўзбекистон ФА Тарих институти қошидаги илмий кенгашларнинг фаол аъзоси ҳисобланади.

Профессор М. Исҳоқов республикамизнинг етакчи олий таълим муассасаларида суғдшуносликка оид туркум маъruzалари, маҳорат дарслари ўтиб келмоқда. Устоз Берлин, Истанбул, Сеул, Ланжоу, Алмати, Туркистон, Душанбе, Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарлардаги халқаро, республика ва минтақавий илмий анжуманларда сермазмун маъruzалари билан чиқишлилар қилган.

Домла кўп йиллар давомида матбуот, оммавий ахборот воситалари орқали Ватанимиз тарихи ва маданиятини кенг тарғиб қилиб келмоқда.

Мен 30 йилдан ортиқ вақтдан буён М. Исҳоқовни ўзбек этнографиясига муносиб ҳисса қўшаётган элшунос сифатида ҳам ниҳоятда қадрлайман. Домладан этнография бўйича қўп амалий маслаҳатлар олганман, илмий анжуманларда биргаликда қатнашгандман. Устоз ёш элшунослардан ҳам ўз маслаҳатларини асло аямайди. У киши раҳбарлигига ҳозирда таниқли элшунос олим А. Аширов докторлик диссертациясини ёқлади ва унинг “Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари” (2007) номли салмоқли монографиясига илмий муҳаррирлик қилди. Яқинда устоз илмий раҳбарлигига ёш элшунос Ихтиёр Салаев “Хоразм воҳасида уйжой қурилиши билан боғлиқ анъанавий ва трансформация жараёнлари (XIX – XX асрлар)” мавзусида ўз диссертациясини (PhD) муваффакиятли ёқлади (2022). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Домла этнологларнинг минтақавий, республика ва халқаро илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Агар Мирсадик домланинг кўп йиллик серқирра самарали илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти ёритилса, салмоқли китоб шаклланиши мумкин.

Ўзбекистон тарихшунослар сарвари Мирсадик Мирсултонович Исҳоқов шунчаки устоз ёки олим бўлмай, билим берса юрак билан, устозлик қилса меҳр билан, олим сифатида саховатпешалиги билан барчага бор илмини ўргатишга интилади. Домла ниҳоятда оддий, камсуқум, камтар ва атрофдагиларга, айникса, ёшларга меҳрибон инсондир. Устоз қалби ва феъли кенг, инсон-гарчиликни ўз жойига қўядиган, одам қадр-қиммати, ёшу қарига, илмсевар тадқиқотчи, талабаю шогирдларга муносабати, оиласдаги ўрни ва ҳурмати, бутун меҳрини фарзандлари ва шогирдларига берадиган юксак фазилатли сиймо бўлиб, одамийлик мулкининг соҳиби ҳисобланади. Муборак хадисларда таъкидланганидек, “Илм ўрганинглар, билим ва илмда хотиржамлик ва салобат бор, ўргатувчига таъзимда бўлинглар”.

Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон тарихшунослари дарғаларидан бири, Аллоҳ нури тажассум этган устоз олим ва дилбар сиймо Мирсодик домла Исҳоқовни Қарши давлат университети, қолаверса, Қашқадарё воҳаси тарихчилари номидан табаррук 80 ёши билан самимий қутлайман. Юзларидан доимо нур ёғилиб турадиган, меҳрибон ва ғамхўр устозга доимо тансиҳатлик, янада бокий умр, илм-фан йўлида ва оиласиги ҳаётда улкан барокатлар тилаб қоламан. Зеро, Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтганларидек: “Олимларни ҳурмат қилинглар, чунки улар пайғамбарларнинг меросхўрлари дидирлар. Олимни ҳурмат қилган кишини Аллоҳ ва Расули ҳурмат қилган бўлади”.

Очил Бўриев,

Қарши давлат университети профессори.

ЎЗГАЛАРГА ЎРНАК БЎЛА ОЛАДИГАН ИНСОН

Мирсодик ака Исҳоқовни ажайиб инсон, етук олим, содик дўст, оиласига ғамхўр одам сифатида биламан. Тўғрисини айтганда, у кишининг фазилатини бир-икки сўз билан таърифлаб бўлмайди. Сабаби, у инсон ҳаёти давомида учрайдиган турли вазиятда фақат ижобий хислатини кўрсата оладиган камдан-кам учрайдиган инсонлардан.

Мирсодик ака кексалар билан уларнинг ҳурматини сақлаган ҳолда, тенгдошлари билан самимий ҳолда, улфатларга хушчақ-чақлик билан, раҳбарлар билан ўз ўрнини билган ҳолда, ҳамкасб олимлар билан масалага чуқур ёндашган ҳолда, шогирд ва талабалар билан теран билимини намоён қила оладиган ҳолда, аёллар билан чуқур эҳтиром, умр йўлдоши билан муҳаббат ила, фарзанд ва набиралар билан ғамхўр ота ва боболарча сухбат қурадиган инсон.

Мирсодик акадан жуда кўп нарсани ўрганиш мумкин, хусусан, ишга нисбатан қандай бўлиш кераклигини. Домла ҳар бир дарс ва маъruzага пухта ёндашади. Бу нарса муаллим ва ўқитувчиларга жуда керакли фазилатдир. Бундай устоздан дарс олган талаба билим ўрганишдан ташқари, яна яхши фазилат эгаси бўлиб қолади.

Бирор бир масала билан мурожаат қилган талабани қайтармай, саволини сабр билан эшитиб, атрофлича жавоб беришга ҳаракат қиласи. Бу устозлар учун ўrnак оларли фазилат.

Устоз ватанимиз тарихини жуда чуқур биладиган ва шу йўналишда билимларини ошириб борадиган мутахассис. Ҳатто Тошкент шаҳри туманлари, маҳалла ва кўчаларининг отларини ҳамда уларнинг келиб чиқиш тарихини пухта биладиган, серқирра олим. Мисол учун қадимда Тошкентнинг нечта дарвозаси бўлган ва улар қандай аталган? деган саволга, менинг хитойшунос улфатларимга хотиржамлик билан дастурхон аторофида ўтирганда, сўзлаб берган. Шу билан бирга, устоз ўз авлодларини яхши билиб, шажараси ҳақида сўзлаб беришни яхши кўради. Тан олайлик, булар ўrnак олса арзийдиган фазилат.

Мирсадик aka ўзбек тилида учрайдиган айрим сўзларнинг келиб чиқиш тарихини ҳам яхши билади. Мен тилчи бўлганим учун улардан айрим сўзлар этимологиясини сўраб тураман. Шулардан бири кўп йиллар аввал “памил чой”даги *памил* деган сўзнинг келиб чиқиши эди. Домла эринмай, ўзига хос шижаот ила сўзлаб берган. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

Домланинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, бу уларга Аллоҳ берган хотирадир. Мирсадик акани тез-тез телевидение журналистлари турли кўрсатувларга ҳақириб, интервью беришини сўрашади. Шундай кўрсатувлардан бирида, журналист унинг ёшлиги ўтган даври ҳақида, хусусан, мактаб даври тўғрисида саволлар берганда, устоз батафсил 75 йил олдин бошидан ўтган воқеаларни ва ҳатто мактабдаги бошланғич синф ўқитувчисининг отини эслаб гапириб берганида, мен хайрон бўлган эдим. Афсуски, кўпчилигимиз шундай нарсаларга саёзроқ қараймиз, аслида устозларимизнинг ҳаммасини тез-тез эслаб турсак, хотирамизда узоқ вақт қолади. Устоз шундай маълумотларга жиддий қарап экан ва тез-тез уларни эслаб турар экан.

Устознинг оилапарварлигини ҳам кўпчилик билади. Биринчи ўринда домла ота-она хизматларини тўлиқ адо этган фарзанд. Бу ислом динида ҳам яхши амал деб ҳисобланади. Қуръони каримда яхши амаллар орасида намозни адо этишлиқ билан бир ўринда, ота-онага яхшилик қилиш ҳам кўп келади. Ислом динида ота-онага

яхшилик қилиш ибодат даражасига кўтирилганини домламиз яхши билар экан.

Мирсодик ака Аллоҳ ёрлақаган инсон экан, бир неча йил аввал домла Саудия Арабистонига сафар қилиб, умра амалларини бажариб келди. Аллоҳ ибодатларини мақбул айлаган бўлсин.

Устоз, 80 ёшингиз муборак бўлсин, Аллоҳ умрингизни яна ҳам узун ва барокатлик қилсин.

Акрамжон Каримов,
профессор.

ОНАСИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ТАНИҚЛИ ОЛИМ

Ҳаётимда онасини эъзозлаган инсонларни кўп кўрдим. Олимлар сирасидан эса онасини ана шундай эъзозлаган икки инсонни шахсан яхши танийман. Бирлари профессор Акрам Каримов ва яна бирлари профессор Мирсодик Исҳоқов. Албатта бошқалар ҳам шундайдир, лекин мен шахсан кўриб, гувоҳи бўлганлар ҳақида гапиряпман. Мен бу икки инсоннинг, бу икки олимнинг айнан шу фазилатлари ҳақида турли давраларда кўп сўзлаганман ва айтишдан чарчамайман ҳам. Сабаби, бу фазилат барчамизга ўrnak бўлсин дейман.

Хозир эса мен айнан буюк ва камтар олим Мирсодик Исҳоқов ҳақларида гапиришни ихтиёр этдим. Бундан чамаси 30 йиллар муқаддам эди... Отам ва раҳматли онам билан телевизор кўриб ўтирсам, профессор Мирсодик Исҳоқов гапираётган эканлар. Шунда раҳматли онам домлани мақтай кетдилар. Сабаби онам 40 йилдан ортиқроқ Ўзбекистон тарихи давлат музейида ишлаганлар ва айнан шунинг учун ҳам Мирсодик акани яхши танир эканлар. Шу бўлди-ю, у кишини ўша пайт шахсан танимасам-да, менда ҳам домлага нисбатан ғойибдан меҳр уйғонди.

Кейинчалик Тошкент давлат шарқшунослик университетидаги фаолиятим давомида домла билан шахсан танишишгина эмас, балки бирга ишлаш шарафига ҳам мұяссар бўлдим. Университетда деканлик фаолиятим давомида домла бизнинг факультетимиз тасарруфидаги салоҳиятли кафедралардан бири

бўлган “Марказий осиё ҳалқлари тарихи” кафедрасига мудирлик қилардилар. Биз иш жараёнида тез-тез кўришиб гаплашадиган бўлдик. Шундай сухбатларнинг кўпида домла кўпинча оналари тўғрисида гапириб берардилар. Онага қилаётган бундай парваришни мен унча-мунча олимда кўрмаганман. Одатда китоб ёзиш билан, илм қилиш билан банд бўладиган баъзи олимлар ўз оналарига эътибор учун, минг афсуски, камроқ вақт ажратадилар. Албатта бу гапим ҳаммага тегишли эмас. Аммо Мирсадик акани бу соҳада алоҳида эътироф этмоқликни жоиз деб биламан. Шу сабабдан ҳам ҳозир мен домланинг ёзган кўплаб илмий мақолалари ва монографиялари, дарсликлари ва ўқув қўлланмалари борасида узундан-узун таҳлиллар қилиб ўтирумайман. Мендан олдин домла ҳақида ёзганлар бу борада хўп ҳам, кўп ҳам гапирсалар керак. Албатта профессор Мирсадик Исҳоқовнинг илмий мероси ва хусусан Ўзбекистонимз тарихини яратишга қўшган ҳиссалари бекиёс. Буларнинг ўзи учун ҳам бир катта китоб ёзса арзиди. Биргина мисол. Ўзбекистонда “Маъмун академияси”ни очилишида домланинг жонбозликлари ва қилган меҳнатларининг ўзиёқ юртимиз тарихига Мирсадик Исҳоқовнинг номини мангубитиб қўйди десам муболаға бўлмас. Мен домла билан иш жараёнида ҳам, ишдан сўнг дам олиш дамларида ҳам кўп бирга бўлганман. У кишининг гўзал овозда ўзбек мумтоз ашуласаримизни ижро этишларини эшитган ҳар бир инсон, бу ҳонишга маҳлиё бўладиқолади. Одатда бундай давраларда одамлар умуман бошқа мавзуларда гаплашадилар, масалан латифалар айтишади. Лекин домла шундай вақтда ҳам юртимиз тарихидан ажойиб маълумотлар бериб ўтирадилар. Айниқса, Тошкентимиз, маҳалларимиз тарихидан берадиган сухбатларини қайта-қайта эшитгиси келаверади кишининг. Илми уммон олим. Шунинг учун ҳам мен уларни ҳеч иккиланмай Буюк олим дейман.

Мирсадик Исҳоқовнинг яхши билганлар ва таниганлар, у кишининг кўп яхши сифатларини билишади, уларни яхши билмаганлар эса бу китобдан ўқиб билиб олишади деган умиддаман, иншааллоҳ. Ёзган эътирофономамда мен у кишидаги ҳақиқий инсоний фазилатлардан, бандасига хос гўзал сифат-

лардан атиги бештасинигина санаб ўтмоқчиман холос. Биринчиши, домланинг кўнгиллари жуда бўш, қалби пок, кўзларига жуда тез ёш келади. Шу сабабли ҳам ўзлари бировнинг дилини оғритишдан ҳам йироқлар. Аслида ҳақиқий илм одами ҳам ана шундай бўлмоғи керак. Иккинчидан, домла жуда камтарин инсон, у кишида манманлик, кибр йўқ. Мақтовни ёқтирмайдилар. Ҳақиқий олимга хос фазилат, Учинчидан, домла жуда маданиятли киши. Буни ўзларини аудиторияда, жамоа орасида тутишларидан ва ҳатто лафзларидан ҳам билишингиз мумкин. Аслида филолог бўлмасалар-да, айрим “филологлар”дан кўра равонроқ ва гўзал сўзлайдилар. Сўзларни териб-териб, ўз ўрнига қўйиб гапиришлари сабабидан ҳам бўлса керак, у кишининг сухбатларига тўймайсиз. Ахир ҳақиқий олим ҳам шундай бўлиши керак. Тўртинчидан, домла жуда оилапарвар. Битта фарзандларини (Мирафзални) мен ўқитганман. Шундан биламан, фарзандлари учун, оилалари учун қанчалар жон куйдиришларини. Аксарият олимлар илмини қилиб юраверадиу, оила ташвишлари асосан аёлининг гарданида бўлади. Мирсадик ака асло бундай олимлардан эмас. Ана ҳақиқий олмининг намунаси. Бешинчидан, исмлари жисмларига лойиқ, ватанига, касбига, дўстларига жуда содиқлар. Мен бунинг кўп марта гувоҳи бўлдим. Раҳматли профессоримиз Улуғбек ака Идировга бўлган дўстона муносабатлари бунга яққол мисол. Улуғбек ака вафот этганларидан кейин у кишининг оилаларидан тез-тез хабар олиб тураман. Акрам ака Каримов билан ана шундай навбатдаги ташрифларимиздан бирида Улуғбек аканинг аёллари Мирсадик аканинг раҳматли Улуғбек ака Идиров билан дўстлик алоқалари ҳақида сўзлаб бердилар. Мен улар ўртасидаги бундай самимий муносабатларни илгари ҳам билардиму, лекин янгамиз сўзларидан кейин яхшироқ билиб олдим. Олимликни одамийлик билан уйғунликда олиб бораётган ҳақиқий олимнинг яна бир фазилати бу.

Бу йил Мустақиллигимиз байрами арафасида домлага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони берилганини эшлиши билан, жудаям хурсанд бўлиб кетдим. Мукофот ҳақиқий эгасини топибди дедим.

Домла 80 ёшга кирибдилар. Аллоҳ уларга бераётган умрни бесамар ўтказмаётганлари шахсан мен учун ибрат. Илм олиб, илм тарқатишга, ота-она хизматини қилиб, уларнинг дуосини олишга, шу билан бирга ўз оиласига ҳам эътиборли бўлишга ва энг асосийси фақат бу дунёни деб эмас, охиратни ҳам ҳар дам эслаб Аллоҳ буюрган фарз амалларини ҳам ўз вақтида адо этишга, яъни ибодатда ҳам бардавом бўлишга улгураётган домлага ҳавас қиласман. Аллоҳ таборак ва таоло Мирсодик акамизга яна узоқ умр ва мустаҳкам саломатлик берсин. Аввало оилалари, яқинлари, шогирдлари баҳтига доим омон бўлсинлар, ҳар ерда ва ҳамма вақт яратган Эгамнинг паноҳида бўлсинлар.

Жасур Зиямуҳамедов,
филология фанлари доктори,
Хитой филологияси кафедрасининг
профессори в.б.

МИСОДИҚ АҚА – САНЬАТ ШАЙДОСИ

Мен устоз Мирсодик Исҳоқовни салкам йигирма йилдан бери танийман. Бу давр мобайнида у киши билан жуда кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Лекин бу сухбатларнинг деярли ҳаммаси тасодифан бўлган: биз домла билан “Дизельний – Юнусобод” автобус йўналиши ёки “Ойбек – Юнусобод” метро йўналишида онда-сонда бирга қатнаймиз, аниқроғи, хафтада бир-икки марта, асосан ишдан қайтаётганда кўришиб қоламиз. У киши билан ҳаводан-сувдан, сиёсату иқтисодиётдан гаплашмаймиз, бирорнинг ғийбатини ҳам қилмаймиз, фақат илм-фан ёки маданият – мақомчилик санъатимиз ҳақида сухбатлашиб кетамиз.

Очиғи, мен домланинг илмий тадқиқотлари, китоблари билан чуқур таниш эмасман, фақат у кишининг ўз меҳнат фаолиятлари давомида Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Марказий Осиё мамлакатлари тарихи, манбашунослиги ривожига муҳим ҳисса қўшиб келаётганликлари, ушбу номдаги кафедранинг шаклланиши ва республикада танилган илмий марказга айланishiда у кишининг улкан хизматлари борлиги, ўз соҳаларида энг кучли олим, юксак салоҳиятли нотик, юзлаб илмий ва ўқув-услубий ишлар муаллифи эканликлари, ўнлаб олимларга илмий

раҳбарлик қилганларни, республиканизнинг кўзга кўринган авестошуноси, филология ва тарих билимларини ўзида мужассам қилган йирик мутахассис эканларни, мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, равнақи, гуллаб-яшнаши, ёшларимиз таълим-тарбияси, илм-фан тараққиёти йўлида олиб бораётган илмий ишлари учун 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий мукофоти билан тақдирланганларни яхши биламан. Қолаверса, домланинг илмий соҳадаги фаолиятлари, у киши яратган илмий мактаб ҳақида бугун ҳамма фикр билдиromoқда ва мен улардан ошириб бир нима дейишга ожизман. Юқорида айтганларим домланинг айнан ўқув, илмий-тадқиқотлар соҳасидаги фидойиликлари ҳақидаги шахсий фикрларимдир.

Мен фурсатдан фойдаланиб, домланинг бошқа бир қирралари, яъни юзтадан, балки мингтадан битта инсонда учрайдиган алоҳида истеъдодлари ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман. Гап шундаки, домла кўпинча кўтаринки кайфиятда юрадилар (айтмоқчи, шунинг учун ҳам у кишини ҳеч ким “саксонни уриб қўйган”, деб ўйламайди; кўз тегмасин. Ҳатто ўйчан ҳолатда бўлғанларида ҳам кайфиятларида тушкунлик аломати сезилмайди. Бунинг боиси у киши санъат шайдоси, қўшиқ ҳиргойи қилишларини эшитсангиз, “слух”лари, яъни мусиқани ҳис қилиш, англаш қобилиятлари ўта юксак эканлигига амин бўласиз. Аллоҳ инсонга алоҳида бир истеъдод берса, бошқа истеъдодларни ҳам қўшиб бераверади, деганлари рост экан. Домла бунинг ёрқин мисолидир. У кишининг Ўзбекистон халқ артисти марҳум Карим Зокировнинг овозини эслатувчи жарангдор, ширали овозлари бор. Ўзбек мумтоз мақом санъатимиз шайдоси бўлиш билан бирга, устоз ушбу соҳадан профессионал даражада хабардордир. У киши қўшиқ куйлаганда, бу соҳада ишлаб, санъаткорман деб юрган таниқли “артист”лардан кўра мусиқани ўн чандон яхши тушунишлари, мақом санъатини теран ҳис қилишларини англаш қийин эмас.

Бир куни, чамаси 2021 йил февраль охирлари эди, университетимиз проректори, ҳамкасбимиз, профессор Қ.Омонов 8 март аёллар кунига бағишлиб катта байрам тадбири тайёрланаётгани, бу йилги байрамга ўзгача дастур тузилаётгани, сахнада фақат университетимизнинг эркак профессор-ўқитувчилари чиқиш қилишлари

кераклигини айтиб қолди. Шунда таклифларга биноан М.Исҳоқов ва марҳум устоз, профессор Улугбек Идиров учаламиз университетимиз аёллариға байрам совғаси сифатида бир жуфт қўшиқ тайёрладик. Бир-икки соатлик репетициядан кейин домла Исҳоқов ижроси, У.Идиров ва мен мусиқий жўрлигимизда бир жуфт қўшиқ ижро этилди ва катта олқиши олдик, жамоамиз аёллари ҳозиргача буни эслаб юришади. Хуллас, шундан кейин домла М.Исҳоқов билан ҳар йил 8 марта бир жуфт мумтоз қўшиқ ижро этишга одатландик...

Устоз! Ҳамиша кўнглингиз шундай баҳор, чехрангиз ёз, кайфиятингиз тоғлар мисол баланд, қаддингиз тик, қадамларингиз илдам бўлиб юраверинг. Нуроний ёшингиз ўзингиз, ахли оиласигиз, яқинларингизга қутлуғ бўлсин. Кўнглингизда туғиб қўйган ва ҳали амалга ошмаган порлоқ режаларингиз, эзгу орзу-умидларингиз ушалишига Яратганинг ўзи Сизга мададкор бўлсин.

Хайрулла Ҳамидов,
филология фанлари доктори,
доцент.

САМИМИЙ ВА КАМТАРИН УСТОЗ

Шундай баҳтли инсонлар борки, улар ўзларидан илм нурини таратиб, ўзга инсонлар йўлини маёқ каби ёритадилар. Бундай инсонлар ўз фаолиятини шогирдлари фаолияти билан чамбарчас боғлаб, уларни ҳаётда ўз ўринларини топишларида, илмли ва фозил инсон бўлиб етишишларида кўмакчи бўладилар. Мен устозим, тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Мирсултонович Исҳоқовни шундай инсонлардан бири деб хисоблайман.

Мен Мирсадик акани талабалик йилларимдан бери биламан. У киши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида фаолият олиб бораётган даврларидаёқ устознинг илмий мақолалари ва тадқиқотлари билан танишиб, дарс жараёнларида фойдаланаар эдим.

Мирсадик ака биз таҳсил олаётган Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университети) Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасида мудир лавозимида фаолият юритар эдилар. Шу даврдан бошлаб,

биз талабалар устоз Мирсодик акадан таълим олиш баҳтига мұяссар бўлдик.

Домла кафедрага мудирлик фаолиятларида Марказий Осиё халқлари тарихи йўналиши билан боғлиқ бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассислари ўқув фанларининг оптимал тизимини шакллантиришда ҳамда бир қатор янги фанларнинг ўқув жараёнига жорий этилишида жонбозлик кўрсатдилар. Ёдимда, биз 4- курсда таҳсил олаётган эдик. Домла биз дарс ўтаётган аудиторияга кириб, семинар машғулотини кузатдилар. Дарсдан сўнг биз талабаларга қарата Марказий Осиё халқлари тарихини манбалар асосида тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб эканлиги, бинобарин, биз таҳсил олаётган таълим маскани шарқшунослик бўлғанлиги учун ҳам ўрганилаётган шарқ тилини мукаммал эгаллашга, шу билан бирга, араб ва форс тилларида ёзилган қўллэзмалардан тарихимизни ўқиб ўрганиш тажрибаси ҳамда қўникмасига эга бўлиш лозимлигини таъкидладилар.

Биз магистратурада таҳсил олаётган даврда Мирсодик ака бўлажак тарихчиларни ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб этишишини мақсад қилган ҳолда кафедра қошида тарих тўгарагини ҳам ташкил этдилар. Бу ҳам талабаларда тарих фанига қизиқиши ошишига, манбашунослик ва илмий адабиётларни қиёсий таҳлил қилиш усулларини амалиётга тадбиқ этишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган эди.

Устознинг бўлажак тарихчиларни илмга қизиқтириш ва йўллаш усулларидан яна бири уларни турли тарихий саналар билан ташкил этилган анжуман, семинар ва давра сухбатларига жалб этишлари, талабаларнинг мазкур йиғилишларда ўз маъruzалари билан қатнашишида намоён бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, биз таҳсил олаётган Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасида замонамизнинг етук олимлари, ўз касбининг ҳақиқий фидоийлари педагогик фаолият билан шуғулланиб, биз талабаларга нафақат тарих, манбашунослик ва тарихшунослик фанларидан сабоқ берар эдилар, балки илмий тадқиқотга, педагогик фаолиятга ҳам қизиқишимизни уйғотардилар. Бу эса мени 2002 йилда институтни тамомлагач, айни кафедрада ўқитувчи лавозимида фаолиятимни бошлишимга туртки бўлди. Мен аввало Мирсодик акадан ва бошқа устозлардан

педагог маданияти ва дарс бериш сир-синоатларини ўргандим. Ўқитувчилик фаолиятим давомида Мирсадик ака мен каби педагогик фаолиятини бошлаган ўқитувчиларнинг дарсларига кириб, таълим бериш жараёнини кузатар ва дарсдан сўнг керакли тавсиялар берар ҳамда ўз тажрибалари билан ўртоқлашар эдилар. Устознинг сабоқлари мен учун кейинги педагогик фаолиятимда ўзига хос мактаб вазифасини ўтади.

2011 йилда мен Мирсадик Исҳоқов раҳбарлигига “Темурийлар салтанатида Шоҳруҳ Мирзонинг ўрни ва унинг ташқи сиёсати” мавзусидаги диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Шу билан бирга, домла билан ҳаммуаллифликда ўқув қўлланмасини ҳам нашр этиш бахтига мұяссар бўлдим. Дарҳақиқат, Мирсадик Исҳоқовдек олим билан ҳаммуаллифликда ўқув қўлланма нашр этиш мен учун жуда катта фахр туйғусини беради. Чунки олимнинг илм йўлида босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўли ибратли, шу билан бирга фахрлидир.

Олимнинг илмий фаолиятлари ўзига хос ва серқиррадир. Заҳматкаш олим ўнга яқин илмий монографиялар муаллифи, шунингдек, бир неча илмий давлат гранти лойиҳаларига раҳбарлик қилиб, бир қатор ўқув қулланма ва монографияларни илмий жамоатчилик эътиборига хавола қилдилар.

Устоз халқимизнинг ноёб тарихий, маданий мероси бўлган “Авесто” асарини тадқиқ этиб, унинг мазмун-моҳиятини ўзига хос талқин этишлари, уни жамоатчилликка ўзбек тилида тақдим қилишлари ҳам машаққатли меҳнат самараси эди. 2005 йилда мен дарс машғулотини тугатиб, кафедрага кирсам, устоз Мирсадик ака қандайдир китобни мutoала қилиб, олдиларида турган қайд қофзига ниманидир ёзаётган эканлар. Мени кўриб, саломимга алик олиб: эшит, – деб, “Авесто. Яшт китоби”дан олинган илмий изоҳли шеърий таржималарини шундай тўлқинланиб, ички бир эҳтирос билан ўқиб бердиларки, домланинг таржимонлик қобилиятларига ҳам таҳсин айтдим.

Мирсадик Исҳоқов бугунги кунгача универстиетда ўтказиб келинаётган “Тарихий манбашунослик, тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика анъанавий йиллик конференциясининг асосчисидирлар.

Домланинг бевосита раҳбарликларида 4 нафар фан доктори, 7 нафар фан номзоди ва 3 нафар тарих фанлари бўйича фалсафа доктори етишиб чиқди. Улар бугунги кунда Республика илм-фанинг ривожига ҳисса қўшиб келмоқдалар. Устоз илмий кадрларни давр талаби асосида тайёрлаш ишларида ҳам фаол фаолият олиб бормоқдалар. Чунончи, олим бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги докторлик диссертациялари ҳимоялари илмий семинар ва ҳимоя кенгашларининг доимий аъзоси сифатида олий малакали кадрлар тайёрлаш ишига фаол ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда Мирсадик Исҳоқов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи Илмий кенгашининг аъзоси сифатида ҳам фаолият юритиб, Темурийлар даври тарихининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, музейшунослик йўналишидаги тадқиқотларни ривожлантириш борасидаги фаолитятга ҳам ўз тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, устозим Мирсадик Мирсултонович Исҳоқовни қутлуғ ёшлари билан табриклайман. У кишига узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, оиласвий баҳт, файзу барака тилайман. Саксон ёш айни кучга тўлган даврингиз, ҳали Сиздан кўплаб илмий ишларни кутиб қоламиз. Кўнглингизни шодлик ва умид туйғулари ҳеч қачон тарк этмасин, ҳамиша ардоқда бўлинг меҳрибон устоз.

Хуршид Файзиев,
тарих фанлари номзоди.

УСТОЗ БИР ДЕНГИЗ...

Мирсадик Исҳоқов деганда кўз олдимизга бир денгиз келади, десак янглишмаймиз, менимча. Бир денгизки, тинимсиз тўлқинлана-тўлқинлана ўз теварак-атрофига ичидаги барча эзгуликларни

тарқатиб, уларнинг озуқаланишига, униб-ўсишига улуш қўшган, бойитган чексиз ва улкан бир денгиз.

Устоз билан илк танишувим 1996-1999 йилларда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик интситутида аспирантурада ўқиб юрган йилларимда бошланган. Ўша кезларда у киши Ўзбекистон ФА Тарих институтидек етук бир билим ўчоғининг етакчиси бўлиб юрган, биз каби эндиғина илмий изланишлар қўчасига кириб келаётган чоғлар эди. Кўпчиликда бўладигани каби Мирсадик акани кўрганда шоша-пиша салом бериб, ёнидан тезгина ўтиб кетишга интилиб юрган паллаларда устоз билан танишиш имконияти туғилиб қолганди. Домлани Шарқшунослик институтининг учинчи қаватидаги кутубхонага кириб, кутубхоначи Раъно опадан Турк хоқонлигига тегишли китобларни сўрай бошлаганимда ёнимга келиб “хўш, мирзо, қай соҳада шуғулланмоқчисан, қандай илмий янгиликларни кўзда тутиб, бу ишни бошладинг?” деганлари ҳалихануз эсимда. Ўшанда ёнимда етук суғдшуноснигина эмас, туркий эллар ўтмишинининг билимдонларидан бири турганига таниқ бўлган эдим. Қисқаси, ўша танишувда устознинг қайси китобларни ўқиши кераклиги-ю, туркийлар ўтмишининг чалкаш масалалари юзасидан берган ўйтлари мана деярли ўттиз йил ичida не-не тепаликларни, тоғларни ошиб ўтишда ўзига хос маёқ вазифаси ўтаб келмоқда.

М. Исҳоқовнинг тарихчи олимлар орасида ўрни қандай, у киши ўзбек фанига қандай улуш қўшди-ю, илмий жамоатчилик домлани қайси жиҳатларига қараб “бизнинг дарғаларимиздан” деб фахрланиб тилга олишларига дуч келамиз. Хўш, М. Исҳоқовнинг эл-юрт тилига тушишига асос яратган томонларининг негизида нималар ётади? Бу сўроққа уларнинг кўпчилигидан бирмунча фарқли ўлароқ М. Исҳоқов изланувчиликни тилшуносликдан бошлаб, етук тарихчи сифатида ўзини кўрсата олган бир дарғадир, десак янглишмаган бўламиз. Биз танийдиган юксак эътирофга эга тарихчиларимиз, археологларимиз, тилчиларимиз талай, уларнинг ҳар бири ўлкамиз ўтмишининг қай бир қоронғу бурчагини ёритган,

кўп йиллар кесимида тинмай тер тўкиб, довруғ қозонган, эл назарига тушган.

Бундан деярли ярим аср олдинги Ўзбекистон тарих фанини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, қуидаги манзарага дуч келамиз. Бир неча йиллик археологик қазувларда аниқланган топилмаларда ё бирор бир сопол идиш синифида бир неча нотаниш ҳарф белгилари учраса ёки бўлмаса ҳовуч-ҳовуч тангаларда қандайдир ёзувлар жимирилаб турса-ю, ўлкамиздаги юзлаб тарихчи, археолог, тилчи олимларидан бирортаси чиқиб уларни ўқиб, сирини очиб беролмаса. Ана шундай бир вазиятда XX аср ўзбек тарихчи ва археологларининг улуғ дарғаларидан бири Яҳё Фуломов ёш ва ҳар нарсага қизиқувча Мирсадик Исҳоқовни танлаб олиб, Санкт-Петербург (ўша чоғларда Ленинград) шахрига – эски эроний тиллар бўйича мутахассис Владимир Аронович Лившицнинг олдига юборади. Ўша кезларда Ленинград мактаби биргина эроний тиллар эмас, балки туркий, сомий, ҳинд-европа, кавказ ва бошқа тиллар туркумидаги кўплаб тил ва шеваларнинг ўзига хос томонлари-ю, уларга тегишли эски ёзма манбаларни ўрганиш бўйича илғор марказлардан бирига айланган эди. Ана шундай бир муҳит билан танишган, кўплаб етук олимлар ёнида суғдий тил ва ёзувни ўрганиб, унинг очқичини қўлга киритган М. Исҳоқов у ерда олган билим ва кўникмаларини юртимизга олиб келиб, ўзбек суғдшунослигининг илк пойдеворини қўяди.

Ана ўша кунлардан бугунгача ўтган ўнлаб йиллар мобайнида устознинг етиштирган шогирдлари салмоғи йил сайин ошиб борди ва бугунги кунда ўзига хос “ўзбек суғдшунослик мактаби” шаклланди. А. Отахўжаев, Ў. Мансуров, Б. Ғойибов, ва яна ўнлаб ёшлар суғдшуносликнинг қайси бир тармоқларига ўз улушкини қўшишга интилиб келмоқдалар.

Шу ўринда ўзбек суғдшунослигининг ўзига хос томонлари, унинг жаҳон суғдшунослигига қўшган улуси, ютуқлари ва камчиликларига қисқача тўхталиб ўтсак. Устознинг бу йўналишда бошлаган эзгу ишлари деганда кўз олдимизга “Унутилган подшоликдан хатлар” (Тошкент, 1992) деб номланган илмий рисоласи

келади. Ушбу кичик рисола орқали ўзбек илм жамоаси илк бор суғдий тилдаги ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдилар. Устоз суғдий ҳужжатларни ўзбек тилига ўгирад экан, фақатгина уларнинг мазмунига эътибор қаратиб қолмасдан, балки ўнлаб суғдийча сўзларнинг ўзбек тилида сақланиш ҳолатига ҳам тўхталган эди.

М. Исҳоқовнинг бирин-кетин чоп этилган мақолалари эса биргина суғдий ёзувлар эмас, кўплаб эски эроний тилларга бошлимага берган “Авесто” бўйича изланишлар юритиб, дунё авестошунослигига ўзига хос улуш қўшди. Ўзбек жамоатчилиги устоз томонидан амалга оширилган Авесто ўгирмалари негизида ушбу инонч тизимининг қирралари билан яқиндан танишди.

Устознинг кўп йиллик меҳнатларининг маҳсули бўлмиш “Марказий Осиё – жаҳон ёзув маданияти тизимида” номли илмий монографияси рус тилида 2008 йилда Тошкентда босилиб чиққач, дунё илмий жамоатчилиги нафақат суғдий ёзувнинг шаклланиш босқичлари, балки бу ёзув билан боғлиқ кўплаб сир-асрорлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Устоз етиштирган олимлар орасида бугун ўзбек суғдшунослигини давом эттираётган, уни жаҳон илмий жамоатчилигига таништираётган изланувчилар бор. Айниқса, у киши етакчилигига тарих фанлари доктори илмий даражасига эришган Адҳам Аширов элшунослик тармоғининг дарғасига айланиб улгурди, десак янглишмаган бўламиз. Шунга ўхшаш Азимхўжа Отахўжаев эса устознинг изидан бориб, суғдшуносликка ўз улушкини қўшаётир. М. Исҳоқовнинг изланишларини давом эттирган яна бир шогирди Бобур Ғойибов эса Самарқандда туриб, бу соҳада янги бир тармоқ очиш учун кўплаб шогирдларни етиштириш пайида.

М. Исҳоқовнинг қизиқиши доираларидан бири нумизматика – тангашунослик бўлиб, бу йўналишда ҳам ўзбек суғдшунослик мактаби бирмунча ютуқларни қўлга киритди. Устознинг кўрсатмаларига таяниб изланишлар олиб борган ўзбек тангашунослари – Ғ. Бобоёров, А.Кубатин томонидан қўлга киритилган ютуқ ва янгиликлар дунёning етакчи суғдшунослари – англиялик проф. Н.

Симс-Вильямс, япониялик Ё. Ютака, россиялик П. Лурье, франциялик Ф. Гренэ ва бошқаларнинг юксак эътирофига сабаб бўлди. Биргина ўзбек мактаби орқали ҳам дунё суғдшунослиги, ҳам Туркий дунё изланувчилари сугдий ёзувли эски турк тангаларининг янгидан-янги топилмалари, ўнлаб туркий унвон ва атамалардан хабардор бўлишди.

Қисқаси, устоз бугунги кунда айни кучга тўлган, денгизлик шавқи янада ортган бир палладамиз. У киши йўлбошчилигидаги ўзбек суғдшунослиги мактаби янада кенгайиб, дунё суғдшунослигидаги ўзига хос ўрин эгаллашига ишонамииз.

Гайбулла Бобоёров,
тарих фанлари доктори.

ЎЗБЕК ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Мирсадик акани ўттиз йил аввал “Унутилган подшоликдан хатлар” рисоласи орқали олим сифатида таниган, Марказий Осиё халқлари маданияти тарихининг, бу тарихнинг қоронги пучмоқларига олиб кирувчи суғд тили ва ёзувининг билимдони эканликларидан завқланиб, ҳавас қилган эдим. Узок йиллар Ангрен шахрида мавжуд бўлган Тошкент вилоят давлат педагогика институтида ишлаганман. Адашмасам, 2000 йиллардан у киши тарих факультетининг битирувчи гурӯҳларига давлат аттестацияси ҳайъатига раислик қилиш учун кела бошладилар. Ҳозирда тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Раъно Ўрозова ва оиласвий шароити туфайли ҳали ҳимояга чиқмаган Лайло деган қизларимиз ўшанда М. Исҳоқовга шогирд тушган эдилар. Лайлонинг танлаган тадқиқоти Оҳангарон водийси ўзбек-қурамаларининг этник тарихи мавзусида бўлган. Мирсадик ака унинг қўлидаги 2005 йилда нашр этилган “Илоқ тарихи” китобимизни ўқиб чиққач, “шу домла билан таништирсангиз, яхши бўларди”, - деган истакни билдирибдилар. Ангрендаги дастлабки сухбатимиз асносида у кишини ўзимдан ҳар жиҳатдан устун инсон сифатида кашф этдим. Феълларидаги камтаринлик ва зукко зиёлиларга хос маданият, халимлик ва камсуқумлик, китоб ва хотираларидаги авестошунослик ва суғдшунослик, тарих ва археология, ўзбек ва

форс тиллари ва адабиётлари тарихи ҳамда элшуносликка, зардустийлик ва исломий эътиқодлар ҳамда Шарқ халқлари ўтмишига оид қарийб қомусий билимлар ҳар қандай кишини ром қиласар эди. Кўнглимиз ва сұхбатимиз маъқул тушиб, йиллар давомида устоз-шогирд мақомидаги қадрдонларга айландик. Бўканинг Мойтепа қишлоғидан Абдуназар ҳожи aka ва Сариосиёнинг Сангардак қишлоғида яшовчи Жалолиддин ҳожи акалар иштирокидаги давра сұхбатларимиз доимий тус олди. Муҳтарам Президентимиз кўрсатмаларига кўра Ҳаж сафарига ҳукуматимиз ҳисобидан бепул бориб келувчи фуқаролар сафига Мирсадик аканинг исми шарифлари ҳам киритилгани барчамизни қувонтириди. Устозимиз 2018 йилда ўзбекистонликларнинг махсус гурухи таркибида Умра ибодатини адо этиб келдилар.

Мирсадик Мирсултоновичнинг мен кўп бор кузатган хислатларидан яна бири ўзбек мумтоз ва замонавий қўшиқчилик санъатига шайдо эканлигидир. У кишининг баритон овоздаги хиргойилари даврадагиларнинг дикқатини бир зумда ўзига тортади. Бир гал Қурама тизмасидаги гўзал боғда Ўзбекистон ТВ “Дунё бўйлаб” каналининг поплик режиссёри Шавкат Тожибоев тенор овозда ўзбек мумтоз қўшиқларини куйлай бошлади. У орада дам олаётганида табиат гўзалликларидан завқланган устозимиз халқимиз орасида машҳур бўлган бир нечта қўшиқларни айтдилар. Шавкатжон: “йўқ, мен устоздан ўтказиб куйлай олмас эканман”, - деб қолди.

Мирсадик аканинг шу ёшларида ҳам ижоддан бўш вақтларида жисмоний меҳнат билан машғул бўлишларини, ҳовлидаги ток ва бошқа мевали дараҳтларга яхшигина ишлов беришларини, ҳатто оғилда қўчқорларни боқишлигини кузатганман. Лекин у киши қўйнинг ўпкасини пиширилган сут ва куйдирилган сариёғ билан тўлдириб, қозондаги сувда қайнатилган ҳолда ажойиб таом тайёрланишини билмас эканлар. Оҳангаронлик Ҳусанбой дўстимиз домланинг кўз олдида шундай мазали емишни тайёрлаганида ҳайратланишларини кўрсангиз... Ўшандан бери домла қўйларидан бирини сўйиб чақиришга, Ҳусанбой эса Ҳасанбойга бориб ўпка-ҳасип пиширишни ўргатишга, биз уни тановвул қилишга қарздормиз. Бу ваъда саксон йиллик тўйларида амалга ошади, шекилли.

2014 йилнинг июль ойида Сариосиёниг Сангардак шаршараси томон отландик. Поездга чипталар олинган. Кечки соат олтида жўнашимиз керак. Аммо бизнинг ишхонада вазир ўринбосари иштирок этган мажлис соат тўрт яримда тугаса, денг. Мирсадик ака билан Абдуназар ҳожи ака: “биз вокзалда рўйхатдан ўтдик, вагонга чиқамиз, тезроқ келинглар”, - деб тинимсиз қўнғироқ қилишади. Вазиятдан чиқиш учун кулгуга олиб: “Чипта мендаку, поезд қаёққа борарди?”, - дейман. “Учкур” таксимиз соат олти яримда “Роҳат”га етди. Қўнғироқлашиб турибмиз. Улар поезд жўнамаётганига ҳайрон. Вагонга чиққанимизда фидираклар қўзғалди. Мирсадик ака: “Тақсирим ростдан ҳам амр этган эканлар-да”, - дедилар. Вагон мулозимига бориб, кечикиб жўнашимиз сабабини сўрасам, бир юрадиган темирйўлдаги техник носозлик бартараф этилган экан.

Ёзги чиллада Оҳангарон туманинг денгиз сатҳидан уч минг метр баландликдаги Эртош қишлоғидамиз. Шогирдимиз Икромжон ҳовлисига меҳмонлар учун бир неча усти ёпиқ сўриларни қурган. Гир айлана тоғ манзараси, мусаффо ва салқин шабада ҳамда сойнинг шовқини кишини ўзига ром қиласди. Устоз: “Бўлди, оқшом уйга кирмаймиз. Мана шу сўрида ухлаб тонг оттирамиз”, - дедилар. Сухбат давомида мезбоннинг чўпон акаси Эркин Ой ёруғида ҳув кўриниб турган чўққи ён-атрофида қўйларини кечаси билан ўтлатишини, аммо бу иш жуда хатарли бўлиб бораётганини айтди. “Ҳеч биримизда милтиқ йўқ. Бўлганида ҳам айиқни отиб ўлдирсангиз, фалон миллион сўм жарима солинади. Қўл фонарларини ёқиб, итлар билан бирга тонггача қўтон атрофини ҳай-ҳайлаб айланиб чиқамиз”, - деди. Сухбат кеч тугади. Сўрига қатор қилиб жой солинди. Эрталаб қарасак, устознинг жойлари бўш. “Ўзбекистон фани аҳмоқ айик туфайли оғир жудоликка учрамасин дедим-да”, - деб уйдан чиқиб келяптилар...

Хуллас, Мирсадик акам ноёб олим, ноёб устоз, ноёб дўст. У кишининг фазилатларини, бизга ҳар гал кўрсатаётган инсоний ибратларини санаб ва ёзиб тутатиб бўлмайди. Баъзан “шу одамда ҳам бирон нуқсон бўлса керак”, - деб жиддий кузатаман. Лекин, биродарлигимизга йигирма йилдан ошяптики, тополмаяпман. Шу боис имкони бўлди дегунча у киши томон ошиқаман. Чунки, ҳар гал ниманидир ўрганаман, шу ғоя, шу фикр, шу билим менда нега

пайдо бўлмади, деган саволни ўзимга бераман. Бу ўрнак эса яна изланишга, бундан-да кўпроқ ўқиб-ўрганишга даъват этиши шубҳасиз.

Мирсадик Мирсултонович! Сизнинг шундай яралганингизга, теран билим ва фасоҳат эгаси бўлиб шаклланганингизга доимо шукр деймиз. Яхши биласиз, Лев Гумилёв истъемолга киритган “пассионарлик” термини мавжуд. Пассионар шахслар тарихда ирода кучи, ҳаётий тажрибаси ва маънавий ибрати билан оммани ўз ортидан юксаклик сари эргаштирган. Сизнинг оиласида, жамоада, жамиятда ҳамиша юксак бўлишингизни, бунинг учун эса, аввало вақтичоғлиқ билан соғ-саломат юришингизни истаймиз. Саксон ёшингиз муборак бўлсин, азиз устозимиз.

Исомиддин Ёрматов, филология фанлари
доктори, Ўзбекистон Миллий университети.
ўзбек адабиётшунослиги
кафедрасининг профессори в.б.

ТАБАССУМ – ҚАЛБ ҚУЁШИ

Самимий инсонларда уч хислат мужассам: илмга амал қила-дилар, дўстларни сира унутмайдилар, юзларида доимо нур балқиб туради. Бой тарихимиз билимдони, фан доктори, профессор Мирсадик Исҳоқовни ана шундай муҳтарам инсонлардан бири сифатида таниганман.

Мирсадик акани менга ҳасанбойлик бағрикенг, далли-ғулли, дилкаш инсон Фахриддин Ашрафхўжаев таништирган. Дарвоҷе, ҳаёт йўлингизда кўп кишиларга дуч келасиз, аммо унутмайдиганлари кам бўлади. Орадан қанча йиллар ўтди, аммо бу самимий инсон билан ҳамон қадрдонмиз, ака-уқадекмиз, йўл-чўлда, турли йиғинларда учрашиб қолсак, худди ўз оғамдек қучоқ очиб, ҳароратли меҳр билан сийлайдилар. Шу боис, Мирсадик Исҳоқов, десалар, мен доимо кўп яхши фазилатларни қалбига жо этиб, одамларга фақат эзгуликлар ато этадиган донишманд замондошимни тушунаман.

Олимларни Худога яқин, дейишади. Ақли расо одам борки, ўз олимларини эъзозлайди. Биз ҳам Амир Темур бобомизнинг:

“Хузуримга бирор олим келса, у қайси миллатдан бўлмасин, таҳтдан тушиб, сұхбатлашдим, керакли маблағ билан таъминладим, ишлаши учун барча шарт-шароитларни муҳайё этдим, сизлар ҳам шундай бўлинглар”, - деган насиҳатларига риоя қиласиз, зеро, бугун саксон ёшни қаршилаган табаррук олимимиз Мирсадик Исҳоқовнинг илм-фанимиз йўлидаги хизматлари жуда катта ҳурматга сазовордир. Бу ҳақда бошқа устозларнинг фикрлари бизни ёзганларимизни тўлдиради, мен эса бир-иккита воқеани тилга олиш билан кифояланмоқчиман, яъни ажойиб хотиралар жуда кўп, уларнинг ҳаммасини қофозга туширсак, албатта бир катта китоб бўлади.

Ўзбекистон телевидениесининг “Етти иқлим ҳукмдори” кўрсатувлар лойиҳасига биноан 1996 йилда Сурхондарё йўналиши бўйлаб сафарга отландик. Ўша пайтда Фахриддин Ашрафхўжаев “Амир Темур экспедицияси” раҳбари эди. Албатта, экспедиция ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига, сафарга йигирмадан ортиқ олимлар таклиф этилган эди. Лекин ҳомийларимиз, тарихимизни яхши билган инсонлар Сурхондарёга Амир Темур ва Темурийлар қадамжоларини ҳамда қадимий манзиллар, осори-атиқаларни, табаррук зиёртатгоҳларни ўрганиш учун бундай сафарнинг биринчи марта уюштирилаётганини эшишиб, йўл харажатларигача бериб, гуруҳ учун катта Икарус автобусини ҳам ажратдилар. Ўшаларга минг раҳмат. Экспедиция натижасида кўп бой манбалар қўлга киритилди, йигирмадан ортиқ мақолалар ёзилди, тўртта китоб нашр этилди, ҳатто япон олимлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳисботни яна давом эттириш мумкин. Лекин шу сафар баҳона Мирсадик акани ҳам янада яқиндан танидим: илмда ҳам, инсонгарчиликда ҳам, ҳатто санъатда ҳам моҳир эканлар. Энг муҳими, бу инсонда кибр йўқ экан. Биз у киши билан сафар давомида доимий мароқли сұхбатда бўлдик. Шулардан иккитаси:

Бир куни Термиз яқинидаги Қирққиз қалъасини кўришга бордик. Кокилдор отани ҳам зиёрат қилдик. Қадим табаррук манзиллар совет даврида қаровсиз қолдирилгани учун вайрон ҳолатда эди, мустақил юрт эса ҳали ёш, бу ерларни обод этиш масаласи иккинчи планда эди.

Шу ердаги кишилардан Қирққиз қалъаси, Кокилдор ота ёдгорлиги ҳақида сўрасак, бирорта ривоят ҳам айтиб беришолмади.

Уларни тушуниш мумкин эди. Зоро, 74 йиллик советлар мафкурасининг мустамлака республикларга бўлган гегемонлик сиёсати ўз кучини кўрсатгани шу эди.

Лекин бу ерда ҳам Мирсадик ака жонимизга оро кирди:

Араб тарихчиси Истахрийнинг маълумотига кўра, Сағониён, яъни Чагониён майдони жиҳатидан катта бўлса-да, аҳолиси, олимлар ва бойлиги жиҳатдан Термиздан кейинги ўринда туради. Биргина Термизийларнинг ўzlари бир неча ўнликни ташкил этишади. Зул-Кифл, Ҳаким ота, Исо Термизий, Абу Варроқ Теризийлар номи дунёга машҳур. Биз ҳали Термиз Қирқизлар қалъаси раҳбари, олима, ватанпарвар Рухайдай даврон ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Умуман, Сурхон воҳаси меъморчилиги Амир Темур ва Темурийлар даврида янада сайқал топган ва булар ҳақида ҳам ҳали биз ўқувчиларга, мана бу қоракўзларга, – дедилар болаларга ишора қилиб, – кўпроқ маълумотлар беришимиз керак. Мана, Кокилдор ота ёдгорлиги ҳозир хароб ҳолда, бу ерда бир пайтлар илм-фан гуркираб ривожланган, шу ердан дунёга илм ва маърифат тарқалган. Кокилдор отанинг исмларини биласизларми? Сомон Ашур бўлган. У зотни Ҳамза Ҳофиз кокил деб аташган. Умуман, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида Сурхон воҳаси, Термиз шаҳри ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Сурхондарёлик зукко олим Омонулло Бўриев Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сидан бир қисмини таржима қилиб, нашр эттирганлар. Тўлиқ таржимаси эса ҳадемай ўқувчилар кўлига етади.

Такрор керакки, бу маълуомотлар бундан 26-27 йиллар олдин айтилган эди, бугунга келиб эса, жуда кўп тарихий китоблар, манбалар ўқувчилар кўлига етди. Ўша пайтда Мирсадик ака ҳам эндиGINA элликдан ўтган, аммо қирқ ёшли йигитдек, қирчиллама йигит эдилар. Вақтнинг ўтишини қаранг: саксон ёш! Ишонгинг келмайди.

Яна бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган.

Қадимий Далварзинтепага бордик. Тарихини яхши биламиз, шу боис, фикрингизни асосий масалага қаратаман. Лойиха бўйича, сурхонлик баҳшилардан “Амир Темур аскарлари марши” куйини ёзиб олишимиз керак эди. Кўшнайчи отахонлардан бири ота-боболардан мерос ўтиб келаётган куйни маромида ижро этар эканлар. Аммо менга

қадимий куйни шарҳлайдиган мутахассис керак эди. Ҳеч кутилмаганда, Мирсадик ака ёрдамга келиб, оғирилизни енгил қилдилар: оддийгина қамиш қўшнайдан эзилиб, тўлғаниб, юракни титратиб чиқаётган куйнинг ҳар бир нотасини, худди билимдон бастакордек, кетма-кет маромида шаҳрлаб бердиларки, бундан фақат мен эмас, созчи ҳам ҳайратда қолиб: “Тошкандан кеган олимди илмига бизда эътиroz жўқ, отасига раҳмат бу кишининг”, - деди тан олиб.

Шахрисабзда эса қадим мумтоз қўшиқларимиздан ижро этиб, яхудий Миша акани қойил қилиб, мукофотни қўлга киритганлари ҳақида Омонулло ака холисона ёзибдилар. Хулоса шуки, бир ажойиб замондош олим билан ҳамнафас бўлганимдан мамнунман.

Юзингизда ҳамиша табассум балқиб турсин, Мирсадик ака.

Тўлқин Ҳайит,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

ЗАБАРДАСТ ТАРИХЧИ ОЛИМ ВА УСТОЗ

Забардаст олим, тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Мирсултонович Исҳоқов Тошкент давлат шарқшунослик университети Марказий Осиё ҳалқлари тарихи кафедраси мудири лово-зимида 1998–2012 йилларда фаолият юритди. 1998 илга қадар “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш, кафедра фаолиятида етакчи ўрин тутиб келган. 1998 йилдан бошлаб М. Исҳоқов кафедрада Марказий Осиё ҳалқлари тарихини тарихий минтақа доирасида ўқитишни йўлга қўйди. Шу йиллар мобайнида кафедрада ўқитиладиган фанлар такомиллаштирилди. Чунончи, Шарқий Туркистон, Тибет, Олтой-Еттисув, Даشتி Қипчоқ тарихларини ўқитиш жорий қилинди.

М. Исҳоқов кафедра мудири ва профессори лавозимларида 2020 йилгача ишлаган даврида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги ўқув режаларини шакллантиришда ва янги фанларнинг фан дастурларини ишлаб чиқишида жонбозлик қилди. Устоз Марказий Осиё ҳалқлари тарихи кафедрасида мудирик даврида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларини шакллантиришда, кафедрада ўқитиладиган фанлар доирасини кенгайтириб, самарали меҳнат

қилдилар. Кафедрада манбашунослик фанларини ўқитишга катта ургу берилди. Олимнинг саъй-ҳаракати билан “Марказий Осиё халқлари тарихи” фанини минтақа нуқтаи назаридан ўқитиш йўлга қўйилди, шу билан бирга, “Марказий Осиё тарихий географияси”, “Ёрдамчи тарихий фанлар”, “Марказий Осиё тарихи манбашунослиги”, “Марказий Осиё тарихи тарихшунослиги”, “Архившунослик”, “Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси тизимида”, “Марказий Осиё дипломатияси тарихи”, “Мутахассисликнинг назарий масалалари” каби янги фанлар ўқув жараёнига олиб кирилди.

Устоз кафедрани бошқариш билан бир вақтда илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш борасида катта ишларни амалга оширди. Уларнинг раҳбарлигига ўнлаб фан номзодлари (PhD) ва фандокторлари (DSc) тайёрланди. Ҳар йили магистрлик диссертациялари ва битирув-малакавий ишларга илмий раҳбарлик қилиб келадилар. 2020 йилда университетимизда янги очилган Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедрасига мудир лавозимиға ўтказилган бўлишидан қатъи назар, устозимиз билан ҳамкорлигимиз давом этмоқда.

Тарих фани билимдони бўлган М. Исҳоқов университетимиз тарихчи-шарқшунос кадрларини тайёрлаш ва тарбиялашда тарих фани олдида турган муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган мавзуларни шакллантириб, талabalарга илмий тадқиқот йўналишларини аниқлашда ёрдам бериб келганлар. Бакалаврлик ва магистрлик ҳамда докторлик (PhD, Dsc) диссертациялари тайёрлашда кафедрамиз талabalariдан бошлаб ёш ўқитувчиларига қадар расмий ва норасмий илмий маслаҳатчилик вазифасига жиддий масъулият билан ёндашиб келмоқдалар.

М. Исҳоқов назариётчи олим сифатида, Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўзларининг бевосита раҳбарлигига 2009 йилдан бошлаб бу йил ўтказилган 14- мажлисига қадар “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги анъанавий илмий-амалий конференциясининг ташкилотчиси сифатида ўтказилишида бош-қош бўлиб келдилар. Мазкур конференция Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Марказий Осиё халқлари тарихи йўналишида таҳсил олаётган талabalарни илмий йўналишга олиб киришга катта йўл очиб берган

эди. Марказий Осиё халқлари тарихи, манбашунослиги ва тарихшунослиги олдида турган долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги қатор назарий фикрлар шу конференциянинг мавқеини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Устозимиз Мирсадик Мисултонович Исҳоқовнинг улкан илмий мероси, етиширган шогирдлар мактаби, тарих илми ривожига қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлиб, олимнинг сермашаққат меҳнати давлатимиз томонидан Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси унвони билан муносиб тақдирланди. Устозга сиҳат-саломатлик, узоқ ва самарали умр, оиласий хотиржамлик ва баҳт-саодат тилаймиз.

Раҳима Алимова,
тарих фанлари номзоди,
Марказий Осиё халқлари тарихи
ва этнологияси кафедраси мудири.

ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ...

Мирсадик домла нафақат ўзи раҳбарлик қилган илмий тадқиқотчилар учун етакчи, балки унга нажот кўзи билан боққан тала-балар, магистрлар ва изланувчилар учун дўст, кези келганда қундалик ҳаётдаги барча катта-кичик инсонларга тўғри йўл кўрсатувчи қалби дарё йўлбошчидир. Республикализнинг барча вилоятларида Мирсадик Исҳоқовнинг шогирдлари фаолият олиб бормоқда. Устознинг турли вилоятлардан келган ёш изланувчилар, жумладан, мен учун ҳам илмий-назарий сабоқ берган улуғ бир мударрис десам, хато бўлмайди. Устознинг менга нисбатан қўрсатган ғамхўрликларининг сон-саноғи йўқ, бу йўл-йўриқларига амал қилган ҳолда ўз орзуимга етишдим. Умр оқар сув деганлари рост, мана устоз Мирсадик Исҳоқов таниганимга 22 йилдан ошди. Тошкентга оиласи билан келиб яшаётганимга ҳам шунча йил бўлди. Бу давр мобайнида қанчадан-қанча иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган даврлар, иш билан боғлиқ муаммолар гирдобида қолган пайтларда устоз ёрдами билан бу қийинчиликларни ортда қолдирдим.

Мен ўзим Тошкентдан 520 километрдан узоқ масофада жойлашган, Навоий вилояти, Нурота туманиданман. Устознинг илмий тадқиқот ишимга раҳбарлик қилиши ва йўл-йўриқлари кўмагида

амалга оширилган ютуқларим шу даврга қадар яхши хотира сифатида сақланиб қолган. Менинг илмий тадқиқот ишим мавзуси “Нурота воҳаси топонимлари тарихий таҳлили” бўлгани учун, бир неча йиллар давомида иш мавзусига алоқадор панд-насиҳатларни олдим. Ҳатто устознинг ҳовлисига бориб, ярим кечагача қолиб кетган вақт, ҳаттоқи уй-жойим Тошкентда бўлатуриб, устознинг ўзи ва кутубхонаси учун мўлжалланган уйда тунаб қолган кунларим ҳам бўлган. 2011 йилнинг қиши куни илмий иш масаласида икки соат вақт оралиғида битириб қайтаман деб, кеч соат 16 ларда устоз уйларига бордим. Аммо илмий иш масаласида шўнғиб кетиб, масалалар ечимини топамиз деб, устоз уйида кечки 12 гача қолиб кетдим. Ташқари қор, устоз шу ерда тунаб қол дейишига қарамай, кетиш зарурати билан Тошкент шаҳри Яшнабод туманидаги уйимга йўлга отландим. Шунда устоз чўнтағимга пул солиб шогирдим ҳеч бўлмаса йўл кира ҳақига ёрдам бўлар деб, уч-тўрт сўм солиб қўйди. Кечаси кун совук, ерда 10-15 см қалин қор, йўллар музлаган. Устоз уйидан 100 метрча узоқлашдим. Бир вақт оёғим тойиб кетди, ноутбук солинган сумка учиб кетди, оғзи ёпилмагани учун ноутбук сумкадан отилиб чиқиб, қор тагига кириб кетди. Шунча қилган иш ва ноутбук синди, деб ўйладим. Хайриятки, ноутбук синмабди, бир чети учиниб синибди.

Яна бир воқеа, диссертация мавзуси бўйича – Қандай қилиб дала этнографик маълумотларни йиғиш мумкин? – деган савол билан устозга мурожаат қилдим. Устоз йўқ демадилар ва ўзи бош бўлиб Нурота воҳаси қишлоқлари ва қадим, навқирон Нурота шаҳрига уюштирилган экспедицияларга бош-қош бўлдилар. Ваҳоланки, кўпчилик илмий унвонли ижтимоий фанлар йўналишидаги профессор-ўқитувчилар дала этнографик экспедицияларини уюштиришдан ўзларини олиб қочишади. Бундай экспедициялар 2009, 2011, 2012 йилларда Навоий шаҳри, Бухоро шаҳри ва “Асрлар садоси” деб ном олган Нурота воҳасига тегишли Сармишсой объектлари бўйлаб амалга оширилди. Бунда устозим М.Исҳоқовга бизга яқиндан ёрдам берган шогирдларига самимий миннатдор-чилигимни билдираман.

Устоз сермахсул олим, ҳар бир қилаётган ишларида ўзига хос эзгу фикрлар мужассам бўлган бир сўзли инсондир. У ўзи фаолият юритаётган жамоаси, шогирдларига доим ёрдам қўрсатиб келаётган фидоий шахсдир. Ўзбек халқининг камтарин ва илмли, тадбирли кишиларига нисбатан “Аллоҳнинг назари тушган” киши деган нақли юради. Аслини олганда, ушбу нақл тасдифини устозга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Чунки устоз қўп ва хўп ишларни бажарган бўлишига қарамай, ҳар қандай мақтovларга жавоб сифатида “ҳаммасини эл кўриб турибди, эл билса бўлди”, деган камтарин жавобларини айтадилар. Баъзи улуғ инсонлар ўз ишларидан кеккайиб кетса, устозимиз Мирсадик Исҳоқов “...бизга машҳурлик на даркор”, деган вазмин ва чуқур маъноли жавоб қайтарадиган танти одамдир.

Юқорида келтириб ўтилган қисқа ва маълумотлар шуни қўрсатадики, ҳар бир инсон ҳаёт қозонида қайнай-қайнай камолга етади. Устоз ҳам илм йўлида қўплаб оғир ва енгил кунларни енгиб ўтган. У киши бизнинг одамийлик мактабида тобланишишишга ёрдам қилди, ўзи ҳам Тошкент давлат шарқшунослик институтида ҳар йили Марказий Осиё халқлари тарихи, тарихнавислиги долзарб масалалари бўйича республика илмий-амалий конференцияларини узлуксиз ўtkазиб келмоқдалар. Устоз бугунги кунда 80 ёшни қаршилаган бўлсалар-да, ҳануз тетик, қалби мўъжизаларга тўла ажойиб инсон сифатида ардоқли ва йирик олимдир. Ул зот ҳар бир сўзида энг оддий ҳақиқатларни ҳаётнинг маъноси сифатида тушунтира оладиган нурли чироқ вазифасини ўтаб келмоқдалар.

Мирсадик Исҳоқов – республикамиз ва Евроосиё мінтақасида йирик авесташунос олим сифатида эмас, балки Марказий Осиё халқлари тарихи, тарихнавислиги долзарб масалалари бўйича мактаб яратса олган. Шу билан бирга, устоз бир қанча тарих фанлари доктори ва фан номзодларини етиштирган буюк олимдир.

Инсонларни табарруқ ёшга етишлари муносабати билан қутлаш ёқимли туйғу. Таомилда бунда инсон эришган ютуқлари, салмоқдор хизматлари, инсоний фазилатлари қайд этилади, эътироф қилинади ва эзгу ниятлар изҳор этилади. Яна шуни унутмаслик керакки, инсонни ҳар томонлама, буткул билиш

муаммоли нарса ҳисобланади, ул киши устозингиз бўлса, қисқагина бағишлов рисоласига киритиш жуда мушкул. Умумий хулоса шуки, тадқиқотчи олимлар фикрича, ота-она болани кўкдан ерга тушурса, ҳақиқий устоз уни кўкка, яъни баланд чўққиларга олиб чиқади. Устозим қалби дарё, инсоний баҳоси олтиндан ҳам қиммат бўлган меҳр ва оқибат эгаси, ҳақиқий мард инсондир.

Мен уларнинг ҳаёт йўли энг оғир ва машаққатли тўғри йўл бўлғанлигига ишонаман ва ўзим ҳам шундай тўғри ҳаёт йўлида яшашга ҳаракат қиласман. Улардан ҳали жуда кўп ҳаёт машаққатларига қарши туроилишни ўрганишимиз керак деб ўйлайман. Узоқ йиллар, қадрдан устозим билан ҳамфир бўлиб, илм ва ҳаёт йўлида, уларнинг ортидан эргашиб бориш насиб қилишини яратгандан тилаб қоламан.

Хайдариддин Бердиев,
Тошкент давлат техника университети
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Марказий Осиё халқларининг исломиятдан аввалги, илк ўрта асрлардаги этник тарихи, маданияти, ёзувини ўрганишда тарих фанлари доктори, профессор Мирсодик Исҳоқовнинг хизмати беқиёс. Олимнинг илмий ишлари жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан аллақачон эътироф этилган.

Мирсодик ака устози В. Лившиц изидан бориб, ўзига хос миллий суғдшунослик мактабини яратди, деб бемалол айтишимиз мумкин. Суғд тили, ёзуви ва умуман суғд маданияти масаласи Ватанимиз тарихи саҳифаларида “оқ доғ”лар эди. Олим Марказий Осиё ҳудудида фаолият юритган кўплаб халқаро археологик экспедицияларда иштирок этиб, бу соҳада жуда кўп материал тўплади, улар асосида чукур илмий тадқиқотлар олиб бориб, катта ютуқларга эришди.

Мен табиатан хушмуомала, чехраси доимо очик, юксак муомала маданияти соҳиби бўлган Мирсадик акани забардаст шарқшунос-суғдшунос олим сифатидагина эмас, балки Ўзбекистон шаҳарлари, хусусан, пойтахтимиз Тошкентнинг тарихини чуқур билувчи олим сифатида ҳам қадрлайман. Бунга “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ва “Тошкент” энциклопедиясини нашрга тайёрлаш ҷоғида кўплаб маротаба гувоҳ бўлганман. ЎзМЭ Тарих илмий кенгашининг аъзоси сифатида Мирсадик aka энциклопедияда чоп этилаётган тарихга оид кўплаб мақолаларни ёзишда, таҳrir этишда, уларнинг юксак илмий асосланган ҳолда чоп этилишида жонқуярлик кўрсатди.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси орқали Тошкент тарихига оид қатор кўрсатувлар ташкил этиб, халқимизни шаҳrimiz тарихининг ноёб саҳифаларидан боҳбар этишда Мирсадик aka жуда катта меҳнат қилиб келмоқда. Бу кўрсатувларда Мирсадик aka Тошкент тарихи, этнографияси, топонимикаси, маданияти бўйича ўзининг юксак илмий салоҳиятини намойиш этиб, серқирра олим эканлигини намойиш этмоқда.

Мен Мирсадик aka сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий баҳт-саодат, илмий изланишларида янада юксак чўққиларни забт этишларини тилаб қоламан.

Фахриддин Ҳасанов,
тарих фанлари номзоди.

СЕРМАЗМУН УМР СОҲИБИ

Олимлар кўп, лекин фанда ўз ўрнига эга бўлган илм соҳиблари бисёр эмас. Ўзбекистон тарихи фанида, шарқшунослик илмида ўзининг ўрни бор олимлардан бири тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Мирсултонович Исҳоқовдир.

Мирсадик aka Исҳоқовнинг шахсиятида олимлик рутбаси билимдонлик, тўғрилик, бағрикенглик, одамохунлик, самимилик каби сифатлар билан уйғунлашиб кетганлигини қўрамиз. Ана шу хислатлари туфайли у одамларни оҳанрабо сингари ўзига тортади.

Ҳамкаслар, ёш олимлар у билан мuloқot қилишга, ундағи билем чашмасидан баҳраманд бўлишга талпинадилар. Бу инсон билан мuloқotда бўлган одам унинг олдидан “куруқ қайтмайди”, албатта, фанга доир янги маълумот олади, ҳеч бўлмаса, инсонийлик илмидан сабоқ олади.

Ҳар қандай олимнинг илмий қараашлари, салоҳияти, маънавий дунёси унинг асарларида ўз аксини топади. Мен Мирсадик ака Исҳоқов билан дастлаб сиртдан, унинг асарлари ва илмий мақолалари орқали танишганман. У киши Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори бўлиб ишлаганда, илк бора юзма-юз гаплашдим ва бу инсонга ҳурматим ошди. Ўша вақтдан бошлаб профессор М. Исҳоқов билан мuloқot қилиб келмоқдаман.

Йиллар мобайнида мен бу инсондан кўп нарсани ўргандим. Мирсадик ака ўзлари билмасликлари мумкин, лекин камина у кишидан одамларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш, камтарлик, бегаразлик, ёш тадқиқотчиларга нисбатан хайриҳоҳлик каби хислатларни ўргандим.

Муаррих сифатида профессор М. Исҳоқов диапазони кенг олимдир. Археологик қазишмаларда бевосита қатнашиш, қадимги давр ва ўрта асрлар тарихига оид манбаларни тадқиқ қилиш, буюк алломаларимизнинг илмий меросини тарғиб этиш, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзиш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш – буларнинг барчаси олим фаолиятининг айрим муҳим қирралариdir.

Ҳозирги даврда фанлараро алоқаларни йўлга қўйиши, тарих соҳасида тадқиқот олиб бориш жараёнида турдош фанлар ютуқларидан, қиёсий усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Мирсадик ака Исҳоқовга бас келадиган олим кам топилади. У бир вақтнинг ўзида ҳам тилшунос, ҳам археолог, ҳам тарихчи олимдир. Бундай “универсаллик” унинг илмий фаолиятида жуда қўл келди. Археологик қазишмалар жараёнида топилган эпиграфик ёдгорликларни ўқишида, шунингдек, сүғд ёзуви

намуналарини ҳам лингвистик, ҳам илмий-тарихий жихатдан таҳлил қилишда унинг бой билим ва қўникмалари ғоят асқотди.

М. Исҳоқовнинг тарихчи олим учун ғоят муҳим бўлган полиглотлик қобилияти – кўп тилларни билиши ҳам эътиборга лойиқ ҳодисадир. Ўзбек ва суғд тилларидан ташқари, у киши форс, араб ва рус тилларини ҳам мукаммал билади. Бу унинг илмий фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатганлиги шубҳасизdir. Жумладан, буюк қомусий олим Абу Райхон Беруний асарларини арабчадан ўзбек тилига таржима қилиш борасидаги ибратли ишлари бунга мисол бўла олади. Мирсадик аканинг полиглотлиги билан боғлиқ кичик бир ҳаётий эпизодни ҳам эслаб ўтишни жоиз деб топдим. Ёшлари мендан катта бўлганлиги боис, мен одатда турли байрамлар арафасида у кишига ўзбек тилида табрикнома ёзиб юбораман. У киши эса мени тожиклигимни билган ҳолда, баъзан чиройли тожик тилида жавоб ёзадилар. Мен буни таниқли олимнинг бошқа миллат вакилларига, уларнинг тилига ҳурмати белгиси сифатида қабул қиласман.

Сермаҳсул тарихчи олим, профессор М. Исҳоқовнинг асарлари тарих илми ва халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Тарихчи олимлар улардан ўз илмий-педагогик фаолиятларида кенг фойдаланмоқдалар. Шахсан менинг ўзим талай илмий мақолалар ва дарслик китоблар ёзишда, маъruzалар матни ва илмий-услубий ишлар яратишда устознинг асарларидан самарали фойдаланганман. Олимнинг “Суғдиёна тарих чорраҳаларида” (1990), “Унутилган подшоликдан хатлар” (1992), “Марказий Осиё жаҳон ёзма маданияти тизимида” (2008) ва бошқа китоблари Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик фани ривожига қўшилган салмоқли хиссадир. М. Исҳоқов “Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти” (1989) номли жамоавий монография ва “Ўрта Осиёдаги суғд ёзма ёдгорликлари каталоги” (2022) каби асарларнинг яратилишида иштирок этганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизdir.

Профессор М. Исҳоқовнинг яна бир катта хизмати – бу ноёб ёзма ёдгорлик – “Авесто”нинг “Яшт китоби” ва “Видевдат” каби қисмларини ўзбек тилига таржима қилганлигидир. Сир эмас, яқин йилларгача “Авесто” ва зардуштийлик дини ҳақида ҳатто зиёлиларимиз ҳам умумий ва саёз тасаввурларга эга бўлганлар. Бу ноёб манбанинг ўзбек тилига табдил этилиши аждодларимизнинг маънавий дунёсини теран идрок этиш имкониятини берди. Ҳозирги кунда “Авесто” халқимизнинг маънавий мулкига айланди ва ёш авлодни тарбиялашда муносиб ўрин эгаллади.

М. Исҳоқов турли илмий кенгашларнинг аъзоси ва раиси, магистрантлар ва докторантларнинг илмий раҳбари сифатида ёш илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Унинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида қарийб 15 йилдан буён Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари” мавзууда анъанавий республика илмий-назарий конференцияси ўтказилмоқда. Мазкур анжуман кўплаб иқтидорли талабалар, ёш олимларга улар эришган илмий натижаларни кенг илмий жамоатчиликка етказиш ва апробациядан ўтказиш учун минбар бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳақиқий олимнинг зиммасидаги энг муҳим миссия – бу зиё тарқатиш, ёш авлодни билимдон ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшишdir. Устоз М. Исҳоқов “Ўзбекистон-24” телеканали мухбирига берган интервьюсида сал кам 60 йилдан буён педагогик фаолият билан шуғулланиб келаётганини айтди. Бу йиллар мобайнида юзлаб, минглаб ёшлар унинг илм чашмасидан баҳраманд бўлдилар. Республикализнинг турли шаҳар ва туманларида, қўшни мамлакатларда устознинг шогирдлари турли жабҳаларда меҳнат қилиб, унинг ишини давом эттирмоқдалар. 2022 йилда устоз “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” нишони билан тақдирланди. Бу мукофот

унинг ёш авлод тарбияси йўлида қилган меҳнатининг элу халқ томонидан эътироф этилишидир.

Юқорида профессор М. Исҳоқовнинг фаолиятига доир келтирилган айрим мулоҳазалар у киши Худо ато этган умрни ғоят сермазмун ўтказганлигидан далолат беради. Бугун табаррук 80 ёшга кирган Устозимизга биз, унинг фарғоналиқ дўстлари ва ҳамкаслари, тансихатлик, узоқ умр ва амалга ошираётган савобли ишларида бардавомлик тилаб қоламиз.

Рахматжон Арслонзода,
Фарғона давлат университети
доценти, тарих фанлари номзоди.

УСТОЗ АЗИЗ, УСТОЗ МЎТЬТАБАР

*Устоз – муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди замон.
Абдураҳмон Жомий*

Халқимизда “Устоз отангдек улуғ”, деган яхши ибора бор. Дарҳақиқат, оталар бизнинг дунёга келишимизга сабабчи бўлган бўлса, устозларимиз илму маърифат ва ҳаётда яшаш таълимидан сабоқ берадилар. Илму маърифат зиёсини тарқатиш савобли амал ҳисобланади. Бу вазифага мутасадди бўлган кишининг даражаси ҳам мислсиздир. Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонларидир. Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши учун бекиёс меҳнат қиласи. Шунинг учун ҳам унинг шогирди устидаги ҳақи бениҳоя катта ва улуғдир. Устозларни қадрлаш ҳақида сўз борганда беихтиёр ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг ушбу сўzlари ёдимизга тушади:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиши ранж ила,
Айламак бўлмас адo аниңг ҳақин минг ганж ила.*

Устозлик – буюк мақом саналади. “Устоз” сўзининг маъноси илм берувчи, таълим берувчи, ўргатувчи демакдир. Чунки пайғамбарлар ҳам устоз бўлганлар. Пайғамбарлар инсониятга эзгуликни ўргатганлар. Зоро, Қуръони каримнинг *Мужсадала сураси*, 11-оятида ўзи эгаллаган илмни бошқаларга ўргатган устозларнинг шаъни-шарафи нақадар улуғлиги ҳақида бундай марҳамат қилинади: “...Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даражса (мартаба)ларга кўтарур”. Илм – рух озиғи. Инсоният илм билан ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади. Ана шунинг ўзиёқ устозлик қай даражада юксак мартаба эканини кўрсатади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ўзларининг ҳадиси шарифларида илм тарқатувчи, яъни устозларга шундай таъриф бериб, улар эришадиган савобларнинг жуда катта экани ҳақида баён қилганлар.

Устозим - софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Улар бутун кучларини, ақл-идрокларини, билим ва зеҳнларини, қалб қўрию меҳрларини биз шогирдларга бахшида этган заҳматкаш инсондир. Албатта, уларнинг холис хизматлари икки дунёда ҳам муносиб тақдирланади, деб ўйлайман. Имом Байҳақий ва Абу Яълолар Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Сизларга саҳиyllар саҳиисининг хабарини берайми? Саҳиyllарнинг саҳииси Аллоҳдир. Мен одам боласининг энг саҳиисиман. Мендан кейин сиздан энг саҳиингиз, илм ўрганиб, илмини тарқатган одамдир. У қиёмат куни ёлгиз ўзи бир уммат бўлган ҳолида тирилтирилади”, - деганлар. Албатта, устозлар мана шундай юксак мукофотларга лойиқ зотлардир.

Яхши устозга шогирд бўлиш ҳам Аллоҳнинг иноятидир. Айнан менга шундай устозга шогирд тушиш насиб қилди. Устозим тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов ҳақида гапирганда, илк бора уларнинг олдига борган куним ёдимга тушади. Биринчи сухбатдаёқ мен билан худди илгаридан танийдиган инсондек муомалада бўлдилар. Ўшанда мендан “қайси йўналиш бўйича илмий изланиш қилмоқчисиз”, деб сўрадилар. Мен Ўзбекистон давлатчилик тарихининг янги даври бўйича, яъни бошқарув ва хукуқ соҳаларига қизиқаман, дедим. Шунда устозим зардуштийлик дини ҳақида эшитганмисиз, дедилар. Мен бу дин ҳақида ўз билганларимни гапириб бердим. Фикрларингиз менга

маъқул, сизга шу йўналиш бўйича мавзу белгилаймиз, дея илмий раҳбарликка рози бўлдилар.

Устозсиз ҳеч бир жамият камолга етмаган, аксинча, инқирозга юз тутган. Шунинг учун ҳам халқимизда “Устоз отангдек улуғ”, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, - деган чиройли иборалар бор. Ҳақиқий устоз – соҳили йўқ уммонга ўхшайди. Ундан чексиз хазина ва бойликларни топиш мумкин. ·Устоз жамиятни олға бошловчи ва унинг эртанги кунини таъминловчи, таъбир жоиз бўлса, йўлчи юлдуздир. Устоз маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздирки, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топади, уларнинг шарофати билан жаҳолат зулматларидан ёруғликка етишади.

Тўғрисини айтиш керак, бошида жуда қийин бўлди. Биринчидан, қадимият дини. Иккинчидан, манбалар масаласи бироз қийинчилик түғдирди. Илмий тадқиқот бошлаганимда устоз менга ўzlари таржима қилган Авестанинг “Яшт” китобини қўлимга тутқаздилар ва қўшиб кўйдилар: “Хижжалааб ўқинг...” Қайта-қайта ўқийман, лекин ҳеч нарса тушунмайман... Бу сўзларнинг моҳиятини энди илм уммонида сузиб тушуниб боряпман. Ҳақиқий илм устознинг саъй-ҳаракати билан эгалланиши, устозлар бежизга пайғамбарларнинг меросхўрлари деб эъзозланмаслигига яна бир бора амин бўлдим.

Профессор М.Исҳоқов билан сұхбат давомида доимо ўзларининг устозлари В.А.Лившицдан миннатдор эканликларини кўп айтадилар. Авесташунослик юзасидан олган билимларини чукурлаштириб, бу ноёб ёзма ёдгорлик мазмуни таҳлилига чукурроқ кириб борганликларини эътироф этадилар. Устозидан олган билимлари зардуштийлик ва “Авеста”нинг ватани ҳақидаги баҳс-мунозаралар моҳиятини очишга, бу масалада холисона ҳақиқат нимада экани устида фикр юритишга имкон берган. Ленинградда олган билимлари асосида “Авеста”даги бевосита Амударё соҳилари, айниқса, унинг қуи оқимлари билан боғлиқ тарихий-географик манзаралар ҳамда “Видевдот” қисмида таърифланган тарихий ўлкалар таҳлили асосида устознинг илмий тавсиялари билан зардуштийлик ва “Авеста”нинг илк ватани айни Ўзбекистон ҳудудлари бўлган, деган холосага келинган. Бу масала юзасидан дунё авесташунослигига давом этиб келган илмий баҳс ҳам амалда барҳам топди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби ўзбек

авесташунослигига устоз тавсиялари билан жаҳон авесташунослигига қабул қилинганди *Авеста* номи атала бошлади.

Аждодларимиз яратувчи Ҳақнинг якка-ягоналиги ғоясини аввало зардустийликда англаб, жаҳонда биринчи бўлиб Ваҳдоният тушунчасига етиб келдилар. Бу тушунча ислом шароитида Аллоҳнинг мутлақ бирлиги тушунчаси орқали яна такомил топди. Зеро, устоз таъкидлашича Аллоҳ бандаларини турли йўллар билан синаб, ўз ҳақиқатини уларга етказган. Исломга қадар Аҳура Маздан дадан ваҳий сўзлар деб ҳисобланмиш “Авеста” китоби зардустийлар (Маздага сифинувчилар)нинг оламтанувнинг асосий манбай ҳисобланган.

Устознинг фикрича, қиёс исломда алоҳида ўрин тутади. Чунки қиёс Ҳақ йўлини танлашнинг энг зарур воситаларидан биридир. Бу ўринда М.Исҳоқовнинг илмий таҳлиллари шуки, аждодларимиз тарихий дунёқарашларида Аҳура Мазда яккалигининг ноқис томонларини Аллоҳнинг бирлиги билан қиёс қилишган ва ислом динининг мукаммаллиги олдида бош эгишган. Нихоят, устознинг муҳим хulosалари юртимиз буюк алломаларининг IX-XII асрларда ислом дунёсида пешқадам бўлганликларига ишончли далил бўлиб хизмат қилди. Чиндан ҳам халқимиз зардустийликнинг асосий ахлоқий тамойиллари “Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал” ғояларига содик яшаб келмоқда. Бу умумбашарий ахлоқий-фалсафий қадрият тизими исломда янада такомиллашган ва халқимиз тафаккур тарзига сингиб кетган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда зардустийлик дини тадқиқотлари кам эканлигини ҳисобга олинганда, 2001 йилда “Авеста” “Яшт” наскининг М.Исҳоқов таржимасида эълон қилиниши бир қатор илмий изланишлар учун асос бўлди. 2007 йилда “Авеста”нинг “Видевдот” китоби ўзбек тилига таржима қилиниб, илмий изоҳлар билан нашр этилди. 2022 йилда эса “Авеста”: Зардушт “Гоҳ”лари (маъно ўғирмалари ва герменевтик талқинлари)” китоби диншунослик соҳаси ривожига ва шу динга қизиқувчилар учун муносиб совға бўлди.

Комил инсон осмондан тушмайди, у ҳам устоз тарбиясини олиб шаклланади. Яхшилик, эзгуликни ўргатиб саодатга элтувчи йўлни кўрсатадиган кишинигина устоз дейиш мумкин. Шогирдининг муваффақияти устоз кўнглини тоғдек кўтаради. Инсон ҳаёти

гаштининг энг ширини ҳам устозлиkdir. Шогирд ҳам фарзанд сингари устоз жигарининг бир парчасига айланади, юрагининг тўридан жой олади. Устоз ўзига ва шогирдларига ўта талабчан бўлсагина, кўп муваффақиятларга эришиши мумкин. Чунки, ҳаёт муаммоларини ҳал қилишни кўп яшаган одамдан кўра кузатувчан одамлар яхши билади. Кузатувчан мушоҳадали инсонлардан устоз чиқади. Устозим менга илмий тадқиқот билан шуғулланиш сирасорларини сабр-тоқат ва меҳр билан ўргатдилар. Устознинг бизга нисбатан қаттиқўллиги фақат фойдамизга хизмат қилди. Уларнинг берган сабоқлари туфайли зардуштийлик дини илмидан боҳабар бўлдим ва шу дин маъбудалари функцияларига бағишлиган илмий тадқиқот ишини амалга оширдим. Бунинг учун устозимдан бир умр миннатдорман.

Жумладан, профессор М.Исҳоқовнинг сайъи ҳаракатлари билан Ўзбекистонда авесташунослик мактаби вужудга келди. Ўзбекистонда авесташуносликнинг илмий асослари эндиғина яратилганлиги ҳисобга олинса, “Авеста” тадқиқотларида ҳали етарли ҳал бўлмаган муаммолар ўз ечимларини кутмоқда. М.Исҳоқов Республикализда илмий даражали кадрлар тайёрлаш ишига самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Уларнинг бевосита илмий раҳбарлигига “Авесто”да мифологик қатlam (табиат культлари асосида)”, “Историко-философский анализ учения зороастризма (на материалах “Авесты”), “Зардуштийлик маъбудалари функцияларининг ижтимоий-тарихий моҳияти”, “Зардуштийлик дини тарихий-ижтимоий асосларининг “Авеста” “Гоҳлар”ида ифодаланиши” каби мавзуларда докторлик ва номзодлик ишлари ҳимоя қилинди.

Устоз барча шогирдларини ўз фарзандлариdek кўрадилар. Зеро, Устозлик мақомига фақат самимий, саҳоватли ва билимдон инсонларгина лойикдир. Агар инсонда саҳоват ва инсоф уйғун бўлмаса, ҳамма ҳам устоз бўлишдек саодатга муюссар бўлавермайди. Устоз куёшга ўхшайди, шогирд эса дараҳт сингари унинг beminnat нурларидан баҳраманд бўлиб улғаяди, мева беради. Шогирд етиштирмаган, бирорни тарбияламаган буюк алломани устоз деб бўлмайди. Дараҳтнинг ҳосили - меваси, устознинг ҳосили – унинг шогирдлари. Одамийлик одобини ўргатган устоз ҳақиқий устоздир.

Профессор М.Исҳоқов Ўзбекистонда ўз мактабини яратадиган меҳрибон ва билимдан устозлардан бири. 80 ёшлик юбилейларини нишонлаётган Устозимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хона-донларидан доимо тинчлик ва хотиржамлик аримаслигини Аллоҳ-дан сўраб қоламиз.

Раъно Уразова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори.

КАМТАРЛИГИ ВА САМИМИЙЛИГИНИ ШОГИРДЛАРИ КЎНГЛИГА КЎЧИРА ОЛГАН УСТОЗ

*Борми мураббийдан баҳтлироқ инсон,
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тоҷисз, бор бўлинг омон,
Табарруклар ичра табарруқ устоз.*

*Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон халқ шоири*

“Устоз” деган сўз инсоният яратилишидан ҳозирги кунимизга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки қиёматгача ҳам йўқотмайди. Биринчи устоз – бу Аллоҳ таолодир. У Одам алайҳиссаломни яратди ва Ўз фазли карами илинг барча нарсаларнинг исмларини таълим берди. Замонлар ўтиши давомида турли кўринишларда Ўз илм хазинасидан инсонларни насибадор қилди. Пайғамбарлар юбориб, улар орқали Ўзининг ҳақ йўлига чорлади. Олимлар эса пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Имом Байҳакий ва Абу Яълолар Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизларга саҳийлар саҳийсининг хабарини берайми? Саҳийларнинг саҳийси Аллоҳдир. Мен одам боласининг энг саҳийсиман. Мендан кейин сиздан энг саҳийингиз, илм ўрганиб, илмини тарқатган одамдир”, деганлар.

Шу вақтга қадар мен ҳеч ким учун бағишлиов мақоласи ёзмаганман. Илк маротаба илм йўлидаги ҳақиқий Устозларимдан

бири, чин зиёли инсон ва маърифатли олим Исҳоқов Мирсодик Мирсултонович учун бағишлов мақоласи ёзаётганим мен учун алоҳида бахт ҳисобланади. Бағишлов ёзишни бошлашдан олдин Устозимнинг қайси ҳислатларига тўхталсам экан деб кўп ўйладим. Улардаги камтарлик, самимийлик, меҳрибонлик, шижаат, қатъиятлилик олимларга хос мукаммаллик, оғир-босиқлик, вазминлик, чуқур мулоҳазакорлик ва бошқа бир қатор чин инсоний ҳислатларнинг ҳар бирига алоҳида мақола ёзиш мумкин.

Устозни мен талабалик (2007 йилда Низомий номидаги ТДПУ талабаси бўлганман) йилларимдан таний бошлаган бўлсан-да, 2017 йилдан улар билан “Устоз-шогирд” сифатида ишлай бошлаганмиз. Умр йўлдошлари катта ўқитувчи, доцент Дилором Қодирова ҳам талабалик давримизда бизга тарих фанидан дарс берганлар. Мен ушбу оиланинг ҳар икки олимидан дарс олган бахтли шогирдлардан бириман.

Одатда, устоз билан кўпинча уйларида кўришамиз. Ҳовлининг ўнг тарафида биз шогирдларнинг севимли хонамиз, яъни устозимизнинг бой илмий кутубхонаси мавжуд. Бу ердан тарих фанинг исталган йўналишида ноёб китобларни топиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз илм-фанига муносиб ҳисса қўшиб келаётган катта олимлар ҳам ушбу хонада устоздан таълим олганлар. Бу хона кўпгина шогирдлар қатори менинг ҳам қадрдон масканларимдан бири ҳисобланади.

Шу ўринда, устозимнинг чин инсоний ҳислатларидан бири бўлган камтарликларини алоҳида эътироф этиб ўтмоқчиман. Устозимиз 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилганлар учун бериладиган “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирландилар. Табриклиш учун уйларига бордим. Устозни табриклагач, юқорида таъкидлаб ўтганим, қадрдон хонамизда илмий ишимиз юзасидан анча сухбатлашдик ва керакли таклиф ва тавсияларни олдим. Чиқаётиб китоблар орасида “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан

тақдирланган шахслар яшайдиган хонадонлар ва уй-жойлар эшиклариға ўрнатиладиган “Бу ерда 1- даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланган фуқаро истиқомат қиласи” сўзлари ёзилган маҳсус белгига кўзим тушди. Шунда нимага бу белгининг белгиланган жойга ўрнатилмаганини сўрадим. Шунда Устозим: “Атайлаб, қўйдирмадим. Ҳамма кўриши учун катта қилиб эшикка илиб қўйилса, мен ўзимни анча ноқулай хис қиласман. Менинг кимлигимни эл билса бўлди”, деганлар. Бу сўзлари орқали мен устозимдаги камтарлик ва самимийлик жиҳатларини ўзимда яна бир кашф қилганман.

Ўзбекистонда суғдшунослик илмий мактабининг, илмий авесташунослик соҳасининг шаклланиши ва ривожида Мирсадик Исҳоқовнинг алоҳида ўрни эътироф этилади. Бир қатор фан номзодлари, фан доктори, профессорларни тарбиялаб етиштирганларига қарамай, ўзларининг илмий фаолиятларидан ханузгача кўнгиллари тўлмайди. Сухбатларимизнинг бирида: “Мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Яҳё Ғуломович Ғуломов, эроний тиллар тарихи, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ минтақаси халқлари тарихи ва маданиятининг улкан билимдони, машҳур олим, профессор Владимир Аронович Лившиц, СССР Фанлар академияси академиги, профессор Михаил Николаевич Боголюбов, авесташунос олим Сергей Николаевич Соколов, Леонард Георгевич Герценберг каби йирик олимлардан таълим олдим. Аввало буюк устозларим берган таълим ва инсоний тарбия, қолаверса, фан олдида масъулият билан яшаш менинг ҳаётий шиорим деб биламан”, - деганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

2022 йилда Устознинг “Авеста: Зардушт “Гоҳ”лари маъно ўғирмалари ва герменевтик талқинлари” деб номланган китоблари нашрдан чиқди. Китобнинг дастлабки қисмида келтирилган қисқача тавсифдаги қўйидаги жумлалар устознинг камтарлигини яна бир бор тасдиқлайди: “Кўп жиҳатдан маънолари ишоратли мавҳум, уч минг йил нари ўз даври учун тушунарли, бироқ ҳозирги замон кишисининг фикрлаш тарзи учун англаш қийин шеърий тузилмалар – “Гоҳ”ларни айнан ўзиdek таржима қилиш мушкул бўлгани учун

ишимизни “таржима” деб аташдан кўра, мукаммалликка даъво қилмаган ҳолда, маъно ўгирмалари деб номлашни афзал билдик”.

Устоз хоразмлик олимлар ва воҳа аҳолиси ўртасида ҳам самимий ҳурмат ва меҳр-муҳаббатга сазовор инсонлардан бири ҳисобланадилар. Бу устознинг 1998-2008 йиллар давомида Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходими сифатида бир қатор илмий дастур ва лойиҳалардаги фаол иштироклари билан бевосита боғлиқ. 2007 йилда Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” яратилганлигининг 2700 йиллигига бағишлиб, Урганч шаҳрининг Шовот канали бўйида китоб учун ҳайкал ўрнатилади. Ҳайкалнинг ғояси устозим Мирсодик Исҳоқовга тегишилдири. Ҳар доим ушбу ҳайкални кўрганимда, ҳайкал устозимнинг ғоялари асосида барпо этилганлигини эслаб, ўзимда фахр туйғусини ҳис қиласман.

2020 йил 1 январдан бошлаб меҳнат фаолиятим Урганч давлат университетининг Тарих кафедрасида таянч докторант сифатида бошланган. Бу жараёнда тадқиқот мавзуимиз доирасида олимлар ва устозимни шахсан танийдиган кўпчилик инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Улар томонидан дастлаб “Қайси мавзуда тадқиқот олиб бораяпсан?”, “Илмий раҳбаринг ким?” деган саволлар бериларди. Илмий раҳбарим Мирсодик Исҳоқов дейишим ҳамоноқ устоз шахсиятига илиқ фикрлар билдириларди. “Шундай олимнинг шогирди эканлигиндан фахрлансанг арзийди. Аллоҳнинг севган бандалари қаторида экансан”, деган фикрларни кўп эшитдим ва ҳозир ҳам эшитаман. Бундай фикрларни эшитиб, шундай инсонга шогирд бўлганимдан жуда фахрланаман. Шу билан бирга, устозга муносиб шогирд бўлиш туйғуси елкамга улкан масъулият юклайди.

2022 йил 22 ноябрь санасида Урганч давлат университетида 07.00.07 – “Этнография, этнология ва антропология” ихтисослиги бўйича “Хоразм воҳасида уй-жой қурилиши билан боғлиқ анъанавий ва трансформацион жараёнлар (XIX-XX асрлар)” мавзусида устозим Исҳоқов Мирсодик Мирсултонович илмий раҳбарлиги остида тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий

даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Илмий Кенгаш аъзолари томонидан диссертация иши содда ва равон тилда аниқлик билан ёзилганлиги қаторида устозимнинг меҳнатлари алоҳида эътироф этилиб, раҳмат айтилди. Шу лаҳзаларда устозим ишончини оқлай олганимдан жуда хурсанд бўлдим. Шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, ушбу муваффақият замирида устозимнинг илмий маслаҳатчи сифатида кўрсатган йўл-йўриқлари ва, энг асосийси, менга билдирган ишончлари ётибди.

Диссертация ҳимоясидан олдин устоз мени қўллаб-қувватлаш мақсадида Хоразмга ташриф буюрдилар ва хонадонимизнинг азиз меҳмони бўлдилар. Ота-онам ва яқинларим устознинг ташрифларидан жуда хурсанд бўлишди. Хоразмда мени Умидбек исмли қадрдон акам бор. Кўп йиллардан буён Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлимида фаолият юритиб келмоқда. Жуда чиройли овозлари бор. Тор (рубоб) билан қўшиқларни маромига етказиб айтади. Уларга устозимнинг ташрифларини айтиб, рубобларини олиб келиб Хоразм классик дурдона қўшиқларидан бир жуфт айтиб беришларини илтимос қилдим. Илтимосимни ёрда қолдирмай келдилар. Шунда мен устозимдаги яна бир жиҳатни кашф қилдим. У кишининг яхшигина овозлари бор экан. Ўзбек дурдона мақомларидан анчасини ҳиргойи қилиб бердилар. Айниқса, “Тошкент ушшоғи”, “Шитоб айлаб”, “Дугоҳи хусайний” каби қўшиқларни шу даражада маромига етказиб куйладилар.

Сафарлари тугагач, Тошкентга қайтишлари учун отам билан аэропортга кузатиб қўйдик. Устозни кузатиб уйга қайтганимзда уйимиз ҳувуллаб қолганлигини сездик. Икки кун ичida устоз самимий сұхбатлари билан ҳар бир оила аъзоларимизнинг қалбидан чуқур жой эгаллаб бўлгандилар.

Ўткир Ҳошимов ўзининг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар ҳақида “Чархпалак” номли битик келтирилади. Ушбу битикда адаб устозларни чархпалакка, шогирдларни эса сувга қиёс қилиб шундай

таърифлайди: “Чархпалак кафтида сув кўтариб юқорига олиб чиқади.... Тепага чиқиб олган сув ортига қайтмайди.... Чархпалак ҳам бунга ранжимайди. Янгидан янги сув томчиларини юқорига кўтариб бораверади. Мени бир томчи сувни катта ҳаёт йўлига олиб чиқиб қўйган устозларим – чархпалак заҳматини оқлай олармиканман”.

Бугун қутлуг 80 ёшни қарши олаётган устозим Мирсадик Исҳоқовга узок-умр, мустаҳкам соғлиқ ва оиласарига тинчлик хотиржамлик тилайман. Яқинларингиз ва биз шогирдларингиз баҳтига доимо соғ-саломат бўлинг. Кўплаб сув томчиларини катта ҳаёт йўлига, илм йўлига йўллаб қўйишдан ҳеч қачон чарчаманг азиз Устозим! Биз эса Сизга муносиб шогирд бўлишни ва узок йиллар давомида дуоингизни олиб юриш насиб қилишини Аллоҳдан сўраймиз.

Иҳтиёр Салаев,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD).

СУҒДШУНОСЛИК САРДОРИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

*Шундай устоз бўлгинки, шогирдинг сен билан фахрлансин.
Шундай шогирд бўлгинки, устозинг сен билан фахрлансин.
Ғайбуллоҳ ас-Салом*

Устоз, устод, мураббий, муаллим, ўқитувчи, тарбиячи сўзлари ҳар биримизга таниш бўлган тушунчалардир. Ҳар биримиз ўз устозларимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, улар олдидағи қарздорликни узишга, шунчаки кўнгил сўрашга, йўқлаб қўйишга чоғланамиз. Тарих фанлари доктори, профессор, суғдшунос, манбашунос, авестошунос олим Мирсадик Исҳоқов мен у билан фахрланадиган, қадри баланд устозимdir.

Менинг магистратурадаги ўқиши давримдан бўён, яъни 2005 йилдан то ҳозирги вақтгача ўқишида, илмий ишларим ва меҳнат фаолиятимда олижаноб, бағрикенг, камтарин олим Мирсадик aka Исҳоқовнинг ўрни каттадир. Бу инсон менинг илмий ишларимда, меҳнат фаолиятимни йўлга қўйишимида кўп меҳрибонлик ва

устозлик қилганлар. Ҳурматли устозимизни ҳақиқий фан фидо-йиси деб ҳисоблаш мумкин. Мисол тариқасида бир воқеани келтирмоқчиман. Биринчи сафар бир илмий масала юзасидан олдилариға келган вақтимда домла Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлар эдилар. Институт биноси Шахрисабз кўчаси 25-йда жойлашган бўлиб, домланинг иш жойи 510-хонада эди. Домланинг олдига кирмоқчи бўлиб турганимда, ўша ерда ўтирган ўрта ёшлардаги бир домла кутиб туришимни айтдилар. Бироз кутиб ўтирганимдан сўнг, домла ичкаридан чиқиб келдиларда, нега бу ерда турибсан, ичкарига киравермайсанми, деб қолдилар. Мақоламни ўқиб, керакли таҳрирни қилиб бўлар экан, менга устоз бундан буён бирор бир илмий масала бўйича келадиган бўлсанг, bemalol олдимга кириб келавергин деб таъкидладилар. Устоз шогирдлари ёки сухбатдошлари билан доим худди тенгдошдай, қадрдондек гаплашади. Қайси бир масалада мурожаат қилмайин, ҳамиша жавоб олардим, вақтим йўқ, улгурмайман деган гапни у кишидан ҳеч қачон эшитмаганман.

Кейинчалик илмий тадқиқот мавзусини таҳлил қиласар эканмиз, яна бир устозим С.Кудратов билан келишган ҳолда, академик Яҳё Ғуломов фаолиятини ўрганиш мавзусида тадқиқот ишини режа қилиб олдик. Тадқиқот иши билан боғлиқ Миллий кутубхона, Миллий архив фондларида сақланаётган маълумотлар билан танишиб бўлгач, домла ўзи бош бўлиб академик Яҳё Ғуломов хонадонига бошлаб бордилар. Маълумки, 1966 йилда Афросиёбда ўтказилган археологик тадқиқотларда илк ўрта асрлар даврига оид ноёб деворий суратлар билан бирга, ўн бир қатор суғд ёзувни ҳам топилган эди. Ўзбекистонда ушбу ёзувни ўқий оладиган мутахассис йўқлиги туфайли ўша вақтда Санкт-Петербурглик В. Лившицга мурожаат килинар эди. Бироқ Яҳё Ғуломов фан истиқболини ўйлаб, В. Лившицдан кейин ҳам шунга доир янги топилмалар топилса, бевосита ўзбек олимлари ҳам суғд ёзувини ўқий оладиган бўлишса эди, деган истакда Мирсадик Исҳоқовни Санкт-Петербургга юборишга бошлиқ қиласи. Шу жиҳатдан Яҳё Ғуломов домла илмий фаолиятида устоз сифатида муҳим ўрин тутади. Яҳё Ғуломов уй архивини ўрганиш жараёнида ҳалигача илмий жамоатчиликка номаълум бўлиб қолаётган академик олимнинг хат ёзишмалариға, мамлакатимиз тарихининг турли

жихатларига, илмий кадрлар тайёрлаш, кўп томлик “Ўзбекистон тарихи” асарини тайёрлаш, собиқ Иттифоқ ҳамда мамлакатимизни нуфузли журнал ва газеталарига берилаётган маълумотлар, тарих ва археологиянинг турли муаммолари ва кашфиётлари ҳақидаги жуда кўп маълумотларга дуч келдим. Уй архиви ҳужжатларидаги бир маълумот эътиборимни тортди. Бу ҳужжат 1969 йил 2 август куни В. Лившицнинг Яхё Гуломовга йўллаган хати эди. Хатда Мирсадик Исҳоқовни Ленинградда диссертацияни тамомлаш устида ишлаш учун яна бироз муддат имконият бериш тўғрисида сўралади. Сабаби, Мирсадик Исҳоқов сұғд тили йўналишида мутахассислик бўйича аспирантурага юборилаётганида Тарих институти дирекцияси унга уч йиллик аспирантурадан сўнг яна икки йил вақт беришни қатъий ваъда қилган эди. Хатда Мирсадик Исҳоқов аспирантурада ўқиш даврида кўплаб қадимий тилларни пухта эгаллаши ва ниҳоят, Марказий Осиёда шу соҳадаги биринчи мутахассис бўлишини ҳисобга олиш кераклиги айтилади. Айни вақтда Мирсадик Исҳоқов сұғд ёзма ёдгорликлари ёзувлари таҳлилини тугатиб, диссертация бобларини ёзишга киришганлиги, шунингдек, Тошкентдаги сұғд ёдгорликларини янада тадқиқ қилиш учун уни имкон қадар қўллаб-қувватлов мухимлигини айтади. Мирсадик Исҳоқов эса ўз маблағи ҳисобидан микрофильмлар суратга олгани, аммо уларни босма нашрга айлантиришда Тарих институти бироз ёрдам бериш кераклиги ҳақида таъкидлаб ўтади. Натижада Мирсадик Исҳоқов Ўрта Осиёдаги ягона сұғдшунос олим бўлиб етишди. Шу тариқа устоз Яхё Гуломовнинг қўллаб-қувватлаши, қолаверса, ўзининг ҳам интилувчанлиги боис россиялик В. Лившиц, М. Боголюбов, О. Смирнова, англиялик И. Гершевич, Д. Маккензи, АҚШлик М. Шварц каби машхур сұғдшунослар каторидан жой олди.

Домланинг яна бир хислати қайси бир шаҳарга бормасин, шогирдлари аҳволидан хабар олар, илмий ишни қандай давом эттираётганилиги билан қизиқар ва керакли маслаҳатларини бериб юришларидир. Жорий йил август ойида домланинг хонадонига диссертациям таҳлили масаласида борганимда, диссертация юзасидан академик А. Асқаровнинг фикри керак бўлиб қолди. Домла дарҳол Аҳмадали ака билан қўнғироқлашди. Маълум бўлишича,

Аҳмадали ака Наманган вилоятида археологик экспедиция ишларида бўлиб, устоз ўзининг барча режалаштирган ишларини кейинга қолдириб, иккимиз бирга Наманганга кетдик. Юқорида айтганимдек, домлага қайси бир масалада мурожаат қилмайин, ҳамиша ёрдам беришга интилар, вақтим йўқ, улгурмайман деган гапни ҳеч қачон у кишидан эшитмаганман.

Хулоса ўринда Мирсадик Исҳоқов каби олижаноб, меҳрибон, илмпарвар, шогирдпарвар, камтар устозлар ҳурматини жойига қўйишини, устозлардан ўрганишимиз ва улар бизнинг камолотимиз, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиздаги хизматлари, ҳамма-ҳаммаси учун барча устозларимизга бош эгиб таъзим қилишимиз, уларни қадрлаш ва ардоқлаш биз шогирдларнинг шарафли ва маъсулиятли бурчимиздир.

Олимжон Канимқулов,
ЎзМУ докторанти.

УСТОЗ МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СҮЗ

Устоз тарих фанлари доктори, профессор Мирсадик Исҳоқов Республикаизда суғдшунослик мактабини яратган, уни ривожлантирган меҳнатсевар, камтарин, Марказий Осиёда ягона суғдшунос, тарихчи, суғд тилини билувчи олим сифатида биламиз.

М.Исҳоқов домла билан илк марта 2006 йил бакалавр иккинчи босқичлигимда Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги университет)да кўришганман. Ўша пайтда устоз Марказий Осиё ҳалқлари тарихи кафедрасида ишларди. Бизга тарихий манбалар, суғд манбаларидан дарс берардилар. Дарсда Муғ тоғи суғдий хужжатлари, “Авесто” матнларини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари ҳақида қизиқарли маълумотлар гапириб берганлар. Берган маълумотлари шу қадар қизиқ эдики, дарслар тугагандан сўнг кафедрага кириб анча сұхбатлашардик.

М.Исҳоқов домла 1972 йили “Муғ тоғи суғдий хужжатларда феъл туркуми шакллари” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1992 йили эса “Суғд ёзма ёдгорликларини палеографик ўрганиш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Гарчи тадқиқот йўналишим қадимги хитой манбалари бўлса-да, қадимги

манбаларни қандай ўқиши, талқин қилиши, тушуниш бўйича кўрсатмалар берган. Домла тадқиқотларида қадимги Хитой билан боғлиқ бирор маълумот ва янгиликлар ёки тадқиқотчилар ишлари бўлса, ўз маслаҳатларини берарди. Бакалаврлик диплом ишим “Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хан сулоласи алоқалари” мавзусини ёзишда устознинг илмий маслаҳатлари катта бўлган. Бир неча йил давомида қадимги Хитой ёзма манбаларида Марказий Осиёга оид маълумотлар, икки минтаقا ўртасидаги қадимги алоқаларга оид тадқиқотлар олиб бормоқдаман, бу борада домла билан доим илмий мулоқотдамиз. Қолаверса, “Қадимги давр Марказий Осиё ва Хитой муносабатлари (хитой манбалари асосида)” мавзусидаги номзодлик диссертациямда расмий тақризчи ҳисобланади.

М.Исҳоқов домланинг тадқиқотлари нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам машҳур. Бир неча йил давомда Хитой Xалқ Республикасида илмий тадқиқот олиб борган вақтимда, хитойлик олимлар билан сухбатда устознинг илмий тадқиқотларидан хабари борлиги ҳақида амин бўлганман.

Устоз М.Исҳоқовга тилагим илмий тадқиқотлар олиб боришда куч-қувват, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, оиласвий хотиржамлик тилайман, шогирдлари кўпаяверсин.

Хуршид Азимов,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик
институти илмий ходими.

УСТОЗИМ АЛЛОМА ИНСОН

Ҳаёт содда асосда, лекин инсон уни доимо мураккаблаштиришга интилаверадиган тинимсиз ҳаракатдаги механизмга ўхшайди. Манзил аниқ, кимдир ҳайрли йўлдан, кимдир вайлли йўлдан боришини танлаб, қадарнинг яхшию ёмон тухфаларини ютуқ ёки синов, ҳузур ёки жазо деб қабул қиласверади. Муҳими, бу йўлда Яратганинг низомида, солиҳлари қаторида бўлиш олий саодат. Ватанимиз шундай улуғ зотлар, илм зиёси билан нур таратган алломалар юрти.

Эзгуликни дастур, яхшиликни беназир амал қилиб олган устозим Мирсодик Исҳоқов ҳам шундай аллома инсон бўлиб, неча йилларки, муносиб ҳаёт йўлини танлаш остонасидаги ёшларни тарбиялаб, тўғри йўлга бошлаб, сидқидилдан билим бериб келмоқдалар. Нега уларни аллома деб атадим? Сабаби, устозим донишманд, фаннинг кўплаб соҳаларига доир катта билим эгаси, доимо илм билан машғул, ўрганишдан, ўргатишдан чарчамайди, машгулотларида такрор ва такрор қатнашгингиз келади, улардан янги билим, яъни дуру гавҳарларни олаверасиз, тугамайдиган хазина. Ҳеч муболағасиз шундай. 2002 йилдан бери устоздан билим олиб, ёнларида юриб шуларни кузатдим, гувоҳ бўлдим.

Устозим профессор Мирсодик Исҳоқов инсонийликни чўққига олиб чиққан, юксак одоб ва ҳалолликни ўзига либос қилиб олган, самимий ва саҳий инсон. На бой ва на камбағалга, тўғрию-эгрига бирдай муомала қиласидиган, инсонларни ҳақиқий билим, эзгуликка етаклайверадиган буюк қалб эгаси. Одамлар ўзига доимо юксак фазилат соҳиби бўлган намуна, кучли билимли, тўғри йўлга етакловчи қидиради. Менга ва мен каби шарқшунослик университети ёшлари ва талабаларига эса, бу борада омад кулиб боқкан. Университетимизда профессор Мирсодик Исҳоқов каби устозлар борки, биз фаҳрланамиз, шу соҳа ва билим даргоҳига улар орқали меҳримиз тушган десам тўғри бўлади. Профессор Мирсодик Исҳоқов доим тарих моддий ва ёзма асос талаб қиласиди, тарихчи афсона ва ҳақиқат ўртасидаги чизикни белгилай олиши керак дейдилар, юқоридаги таърифлар учун айрим ҳаётий мисолларни келтириб ўтсан.

2019 йилда устозим ХХРда йирик илмий конференцияда иштирок этишга таклиф қилиндилар. Уларнинг маъruzаси “История городской культуры по трассам древних караванных путей и Великого шёлкового пути” номли эди. Ушбу маъruzани ва слайд-тақдимотни тайёрлашда таниқли манбашунос олим Аблат Хўжаевнинг китобидан бир неча жумалаларни олдик. Мен эриниб устозга: “ҳа устоз А. Хўжаев сизни биладилар, фойдалансангиз йўқ демайдиларку”, дедим. Маъруза майли, слайд тақдимотда ҳам иқтибосни жойлаштиришни қатъий талаб қилдилар. Бу биргина мисол юқоридаги ҳалоллик, илмни қадрлашнинг яққол ифодаси эди. Яна бир ҳолат, устозим ижтимоий гуманитар йўналишда

“Йилнинг энг яхши устози” республика танловига ҳужжатлар тақдим этди ва бу йўналишда юқори ўринни эгаллади. Шу танлов комиссияси олдида намунали дарс ўтиш учун профессор М. Исҳоқов жиддий тайёрландилар. Тайёргарлик жараёнида слайд тақдимотга ҳар бир маълумотни синчковлик билан текшириб, қайта-қайта ўрганиб киритдилар. Мен бўлсан: “э устоз комиссия аъзолари сизни билишади, шунча йилдан бери дарс ўтасиз, таж-рибангиз зўр, яхши нотиқсиз”, – десам, “бир ишни бошладингми, жиддий, масъулият билан қилиш керак”, дедиларда шу тақдимот устида яна бир неча кун вақт сарфладилар. Бу ҳолат устознинг ҳақиқий профессор, касбига садоқати ва ҳар бир ишга вижданан ёндашишини англатади.

Устозимнинг яна бир фазилатини алоҳида айтиб ўтмоқчиман, бу ҳам бўлса, ғийбат бўлган жойда Мирсадик Исҳоқов тоқат қила олмайдилар. “Эй, бундай гапларни йиғиштиринглар”, деб албатта танбеҳ берадилар. Бирор гапни билиб, билмасдан тасдиқламанг, ҳайриҳоҳ бўлманглар, бу ёмон нарса дейдилар. Шундай ҳолатларни кўрдимки, Мирсадик Исҳоқовни алдашганда “биламан, инсоф берсин” ёки, ғирт дангаса, отасининг эркаси бўлган талабаларни ҳам жон койитиб илмга, яхши йўлга чақирадилар, вақт ажратиб ўша талаба билан ишлайдилар, бу эса, ҳақиқий педагогнинг вазифасига содиқлиги нишони.

Юртимизнинг йирик тарихчи, археолог олимлари академик Аҳмадали Аскаров, Рустам Сулаймонов ва бошқалар билан илмий мунозара, баҳсларига гувоҳ бўлдим. Энди билсан, улар ҳам Мирсадик Исҳоқовдан кези келганда ўрганишга, илмий хуносаларини мунозарада пиширишга, ҳар бир масалада албатта устознинг фикрини билашга келишар экан. Шундай улуғ юбилей кунларда билим бериб, катта меҳнати синган устозим “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” Мирсадик Исҳоқовга тинчлик, соғлиқ ва албатта, ўзи яратган катта илмий мактабга узоқ йиллар бош бўлиб, биз шогирдлар ардоғида бўлишини тилаб қоламан.

Исо Худойназаров,
ТДШУ, Марказий Осиё ҳалқлари
тарихи кафедраси ўқитувчиси.

МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВНИНГ ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ АСАРЛАРИ

1. Глагол в согдийском языке. // Народы Азии и Африки. № 3, 1968.
2. Глагольная форма инъюнктива в согдийском языке. // Общественные науки в Узбекистане. № 2. – 1972.
3. Глагол в согдийском языке. – Ташкент: Фан, 1977. – 214 с.
4. Древний Самарканд (научно популярное издание). – Ташкент: Фан, 1980.
5. Суғдиёна тарих чорраҳасида. – Тошкент: Фан, 1990.
6. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992.
7. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 2000.
8. Авесто. Яшт китоби. – Тошкент: Шарқ, 2001.
9. Авеста. Видевдат китоби. – Тошкент: ТДШИ, 2007.
10. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры (древность и раннее средневековье). – Ташкент: УМЭД, 2008.
11. Заметки по истории и нумизматике раннесредневекового Чача. – Wiesboden. Archivum EURASIA Media Aer, 2008.
12. Ўзбекистонда қадимги давлатчилик ва шаҳарсозлик тарихидан. – ЎзР ФА Хоразм Маъмун академияси, 2008.
13. Авеста ва қадимги чорвачилик. – ЎзР ФА Хоразм Маъмун академияси, 2008.
14. Мангу битиглар (жамоавий монография). – Тошкент: Мухаррир, 2009.
15. Ўзбекистон ва Германия муносабатлари тарихидан. – Низомий номидаги ТДПУ, 2007.
16. Эзгу ўй эзгу сўз, эзгу амал китоби. – Республика “Ўзбекмузей” жамоат фонди, 2001.
17. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби (қайта ишланган 2-нашр). ЎзР ФА Маъмун академияси, 2008.
18. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари. – “Ўлмас обидалар” номли жамоавий монография. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 3-146.
19. А. Отахўжаевнинг “Сўгд тилида олмош” китобига мухаррир. – Т.: ЎзР ФА қўлёзмалар институти, 1995. – 295 б.
20. “Авесто. Яшт китоби”, “Авесто Видевдот китоби”, “Авестода Зардушт гоҳлари”. – ЎзМУ қошидаги Фалсафа тадқиқотлари ва таълим марказининг давлат грант лойиҳаси доирасидаги хрестоматияси таркибига киритилган. 2017.
21. Абу Райхон Беруний “Китоб ал-жамоҳир фи маърифатил жавахир” (Минералогия) китобининг нашрга тайёрловчи, илмий изоҳлар муаллифи ва таҳрир ҳайъати аъзоси. – (Минералогия) китобининг нашрга тайёрловчи, илмий изоҳлар муаллифи ва таҳрир ҳайъати аъзоси. 2017.
22. Некоторые глагольные формы в согдийских документах с горы Муг. // Народы Азии и Африки. 1969, № 1.
23. Глагольные формы инъюнктива в согдийском языке. // Общественные науки в Узбекистане, 1972, № 5.

24. К структуре форм будущего времени глагола в согдийском языке. – История материальной культуры Узбекистана, Вып. 10. 1973.
25. Уч алфавитли қадимги бир ёзув. // “Фан ва турмуш”, 1983.
26. Согдология в Узбекистане и её перспективы. // Адабий мерос, 1983. № 3 (27).
27. Важная публикация согдийских письменных памятников. // Общественные науки в Узбекистане. 1882. 5.
28. Раскопки на Кош-тепе в Самаркандской области. – Археологические открытия. Ежегодник. М., 1975.
29. Раскопки дахмы в Еркургане. – Археологические открытия. Ежегодник. М., 1974.
30. Надгробный кайрак с двумя надписями. – Афросиёб, серия. IV выпуск. Тошкент, 1974.
31. Согдийская надпись на оттиске печати из Еркургана. // Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 3.
32. Согдийская надпись из Афрасиаба. – Адабий мерос. 1985.
33. Муғ тоғидан топилган сүғдча никоҳ битими. – Адабий мерос. 1986. 3(37).
34. Сүғд ёзувида “ламед” ҳарфининг функцияларига доир. – Адабий мерос. 1987. 1(39).
35. Маст қилувчи ичимликларни лаънатлаш сутраси. – Адабий мерос. 1987. 2(40).
36. Некоторые сферы использования вертикального согдийского письма. – Адабий мерос. 1987. 3(41)
37. К стилистике согдийских документов с горы Муг. – Адабий мерос. 1987. 4(42).
38. Материалы письма согдийских письменных памятников. – Адабий мерос. 1988. 1(43).
39. Согдийская надпись на керамическом сосуде. // Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 1.
40. Сүғд элчиси Фатуфарн Тошкентда. – Адабий мерос. 1990. 4(54).
41. Согдийская и древнеуйгурская письменности (Вопросы преемственности письменной культуры древней Средней Азии. // Ўзбекистон тарихи. 2000. № 4.
42. “Авесто”да эзгулик ва ёвузлик (мифологик қатламлар тарихи). // Ўзбекистон тарихи. 2001. № 3.
43. Глагол в согдийских документах с горы Муг. – Тезисы докладов III годичной конференции Ленинградского отделения ИВАН ССР. – 1968.
44. Ўзбекистон ёзув маданиятининг қадимий ўчфи. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992, 27 ноябрь.
45. Қадимги Хоразмий ёзуви. – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1993, март.
46. Қадимги туркий ёзув қанчалик қадимий? – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1993, май.
47. Иврик бандидаги қадимги туркий ёзув. – “Замон”, Т., 1994.

48. Ҳакиқат – олий неъмат. “Авесто” Ахура Мазда алқови. // “Фан ва турмуш”, 1993.
49. “Авесто”: Аши алқови. // “Саодат” журнали, 1997.
50. Қуёш алқови (Хуршед Яшт). // “Саодат” журнали, 1997.
51. “Авесто” Яшт китоби. Ўзбекчага илмий-изоҳли таржималар . // “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида туркум нашрлар: 1999, 1-6-сонлар, 2000 йил, 1,4,6- сонлар, 2001 йилнинг барча сонлари.
52. О родине Заратуштры. // “Ўзбекистон тарихи” журнали, 1999, 1-сон, 45-54 б.
53. Маънавиятимизнинг илк сарчашмаси (“Авесто” ҳакида). // “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1996, №3.
54. Қадимий ёзув маданияти ва китобат иши тарихи ҳакида. // “Тафаккур” журнали, 1998, № 1.
55. Эзгуликка йўлловчи китоб. // “Соғлом авлод учун” журнали, 1996.
56. Согдийская и древнеуйгурская письменности (Вопросы преемственности письменной культуры древней Средней Азии). // “Ўзбекистон тарихи” журнали, 2000, № 4.
57. “Авесто”да эзгулик ва ёвузлик (мифологик катламлар тарихи). – “Ўзбекистон тарихи” журн., 2001, №3
58. Зардушт маشاқати ва Ислом ҳақиқати. – “Гулистон” журнали, 2003, № 1.
59. Слово о хорезмской письменности. // O’zbekiston arxitekturasi va qurilishi. 1.2008.
60. Ўзбекистонда суғдшунослик муаммолари. // Ўзбекистон тарихи. 1999. №2.
61. К вопросу о преемственности письменной культуры Центральной Азии (о генезисе уйгурской письменности). // Ўзбекистон тарихи. 2001.
62. География распространения памятников древнетюркской письменности и вопросы этнокультурных отношений Евразии. // Тюркология. №1. Турция-Казахстан, 2003.
63. Кадимги Хоразмда илк шаҳарсозлик ҳакида баъзи мулоҳазалар. // Ўзбекистон архитектураси ва курилиши. 2008. № 3-4.
64. Хоразмда кадимги сиёвушийлар сулоласи. Асотирми ёки ҳакикат? // Шарқшунослик. 2009. №1.
65. Слово о древнехорезмской письменности . // Архитектура и строительства Узбекистана. 2008, №3.
66. Тошкент тарихининг тадрижий ривожланиш боскичлари. // Таълим муаммолари журнали, №2. 2009. – Б. 58–60.
67. Кайёнийлар. Асотирми ёки ҳақиқат? // Шарқ машъали. 2010. №2.
68. Суғдшуносликнинг айрим масалалари. – Марказий Осиё тарихи: манбашунслик ва тарихшунослик изланишлари. Респ. конф-си. – Т.: 2009. –4–12.
69. Манбашунослик ва шарқ тилларини ўқитишга бўлган баъзи талаблар ҳакида. - Марказий Осиё тарихи: манбашунслик ва тарихшунослик изланишлари. Респ. конф-си. – Т., 2010. – Б. 4–9.

70. Авеста тарихшунослигига доир баъзи мулоҳазалар. – Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. Рес. конф-си./ III тўплам. – Т.: ТДШИ, 2011. – Б.103–108.
71. “Озарбайжон” топонимининг этимологияси. – Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. Рес. конф-си./ III тўплам. Т.: ТДШИ, 2011. – Б.108–109.
72. Единство национальной и общечеловеческой истории – как важный фактор воспитания гармонично-развитого поколения. – Марказий Осиё тарихи: манбашунслик ва тарихшунослик изланишлари. Респ. конф-си./ IVтўплам. Т.: ТДШИ, 2012. – Б.91–99.
73. Марказий Осиё қадимги ёзув маданияти манбашунослиги масалалри. – Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги, тарихшунослиги ва тарихий тадқиқот методи ва методо-логияси масалалари. Йиллик анъанавий конференция. V китоб. – Тошкент: ТДШИ, 2013. Б.5–8.
74. К вопросу о структурно- содержательных противоречиях текстов Авесты. – Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги, тадқиқот методи ва методологиясининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференцияси VII мажлисининг материаллар тўплдами . VII китоб. – Т.: ТДШИ., 2015. – 5–12.
75. Ещё раз о структурных и содержательных противоречиях текстов Авесты. – Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги, тадқиқот методи ва методологиясининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференцияси VII мажлисининг материаллар тўплдами . VI китоб. – Т.: ТДШИ., 2014. –16–22.
76. Тарих тадқиқотлари методи ва методологияси ҳақида айрим мулоҳазалар. – Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги, тадқиқот методи ва методологиясининг долзарб масалалари. Республика илмий-назарий конференцияси VII мажлисининг материаллар тўплами. VIII китоб. – Т.: ТДШИ., 2016. – 4–12.
77. Нон олиб қочар удумининг тарихий илдизи. – Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фан тараққиётидаги ўрни. Конференция материаллари, Тошкент-Хива, 2006
78. Илк ўрта асрларда Чочнинг ҳарбий-сиёсий вазиятига доир (Муғ тоғи суғд хужжатлари асосида). – Ташкент қаласынынг 2200 жылдығына арналған “Тэуэлсыздық танғи – досттық нэрі” мавзуидаги халқаро конференция. Т.: 2009. – Б. 34–40.
79. “Авеста”да чорва ва чорвадор. – Ўзбекистон худудларида дехқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. Яхё Гуломов номидаги респ. тарихчиларининг даврий илмий-назарий семинари 37-мажлиси материаллари. – Т.: 2006. –Б. 45-51.
80. Суғд-Чағониён муносабатларидан. – Термиз шахрининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. Т.: Фан, 2001. Б. 6–8.

81. Суғд ёзма ёдгорликлари тарих кузгуси. – Археологлар хикоя килади. Илмий туплам. – Т., “Фан”, 1974.
82. Палеографическое исследование согдийских письменных памятников. Докторлик диссертацияси. 1992 й., 22 февраляда. ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти. 1992.
83. ‘Авесто’- тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк сарчашмаси. – ТДШИ МОХТ кафедраси илмий семинари материаллари. – Т., 2000.
84. “Авесто”- тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. – Маъруза тазислари. “Авесто ва унинг инсоният тараккиётидаги урни”, Тошкент-Урганч, 2001.
85. Локальный вариант согдийского письма в Бухаре. – Бухоро ва Хива 2500 йиллиги юбилей конференцияси тезислари, Т., 1998.
86. Суғдча “шиду” ва ўзбекча “шип-шийдон”. – “Тарихий манбашунослик муаммолари” мавзуидаги конференция материаллари. УзМУ нашри, 2003.
87. Согдийские документы как источники хозяйственных отношений раннесредневекового Согда. – Ўзбекистонда археология ва тарих фанининг долзарб масалалари. Академик Я.Гуломов таваллудининг 95 йиллигига бағишлиланган республика конференциясининг материаллари. – Самарқанд, 2003.
88. Вопросы этнической истории каракалпаков: поэма Едиге и Авеста. – Едиге. Конференция тезислари. – Нукус, 2001.
89. “Авеста”да мифологик қатламлар таҳлилига доир. – “Авеста” – тарих ва маънавиятимизнинг илк сарчашмаси. Илмий тўплам. Т., 2000.
90. “Авеста” китобининг мифологик қатламлари таснифига доир. “Авеста” Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида. – Нукус-Хива, 2001.
91. Зардустийлик. Диншунослик. Динлар тарихи ўқув қўлланмасида бир кисм. – Республика Фан ва технологиялар марказининг гранти. ТДШИ, диншунослик кафедраси нашри.
92. Зардустийликнинг ижтимоий асослари хакида. Демократик жамият куришда кучли ижтимоий сиёсий ва адолат. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2008. Б. 99–101.
93. С. П. Толстов - пионер изучения древне хорезмской письменности. – Мат. международной конференции посвященной 100-летию С. П. Толстова. – Нукус-Хива. 2007.
94. “Авеста”да чорвадор ва чорва”. – ТДАУда бўлиб ўтган Республика тарихчиларининг Я.Гуломов номидаги семинари 37-мажлиси материаллари. – Т., 2007. – Б. 45–51.
95. “Авеста” талкинларига бағишлиланган бешта макола. – ЎзФА Минтақа бўлими Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. № 1. 2006.
96. К вопросу о генезисе корейского фонетического алфавита. – Материалы конференции в Алматы, посвященной культурно-историческим взаимоотношениям между Кореей и ЦА. – Алматы, 2006. С. 309–311.
97. Муқаддас олов манзили. Хазорасп. – Илмий-оммабоп альманах. – Нукус, 2002. – Б. 7–8.

98. Рецензия на книгу Э. В. Ртвеладзе. Заметки по истории и нумизматики раннесредневекового Чача. – Archivum EUPASIA MediiAeri/ Wiesboden. 2008. – С.269.
99. Ибн ал-Асир. Комил фи т-тариҳ. – Отв. ред. М. Исхаков. Подгот. к изданию Ш. Камолиддин. – Т.: Узбекистан, 2007. 557 с.
100. История военного дела Приаралья. – Отв. ред. М. Исхаков Т. Изд. национальной библиотеки имени Навои. – 2008. – 140 с.
101. Заметки по истории и нумизматики Чача. – ИФЕАК. Материалы. Тетрадь №26. 2008. 69 с..
102. Рецензия на книгу «История Центральной Азии». – ТДПУ имени Низами. Т., «Иктисад-молия», 2007.
103. Проблемы историографии Джунгарского нашествия. Основные принципы методологии вопроса. – Өзбекистан - татулықмекені. Ешқашанда болшымесініргеміз. Казакстан республикасы арасында қолкойилған тенгги досттық келісітінің 10 жылды-инаорай Откезілгенгүлыми - практикалық конференция материалдеры. – Ташкент, 2009. – Б. 91–94.
104. Ўзбекистон жаҳонни, жаҳон Ўзбекистонни танимокда. – И. Жабборовнинг “Жаҳон этнологияси асослари” китобига такриз. // Жаҳон адабиёти. 2008. №4.
105. “Исларимизнинг хосияти” китобига кириш сўзи. – Х. Набизода. Т., 2004. – Б. 3–4.
106. Памил чой. – XIX аср охири – XX аср боши Ўзбекистон тарихи муаммолари. ТДШИ МОХТ кафедраси илмий тўплами. – Т., 2007. – Б.3–4.
107. К общим истокам свадебных обрядов корейского и узбекского народов. – Материалы международной конференции ‘Корея и Центральная Азия: К истории культурно-исторических взаимоотношений. – Т., 2007.
108. Еще раз к вопросу о создании корейского буквенно фонетического алфавита. – Сб. Корееведение. – Т.: Фан, 2008. – Б. 180–195.
109. Шарқ тилларини ўқитиш самарадорлигининг баъзи омиллари хақида. – Эрон-афғон филологиясининг долзарб муаммолари. Конференция материаллари. ТДШИ, 2009. – Б. 36–40.
110. Суғдшуносликнинг айрим масалалари – Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. Респ. конф. материаллари. ТДШИ, 2009. – Б. 4–11.
111. Илк ўрта асрларда Тошкент. – Тошкент – Ўрта Осиё цивилизациялар чорраҳасида. Илмий семинар материаллари. ТАЙИ. – 2009. – Б. 7–10 б.
112. Суғдиёнада ернинг нархи қанча бўлган? – Ҳуқуқ ва бурч газетаси. 2011. – Б 23–25.
113. Никоҳ битами... янгиликми? – Ҳуқуқ ва бурч газетаси. 2011. №1.
114. Тошкент шаҳрининг кадимги сув таъминоти. – Илм. тўплам. ЭКОСАН. Т., 2009.

115. Архив фондлари ўқув жараёни. Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари. – Исҳоков М., Суюнова О. Респ. конф. материаллари. Гулистон, 2010. – Б. 141.
116. Суғднинг “ихшид” ва “ихрид” унвонлари ҳақида. – Ўзбекистоннинг жанубида давлатчилик ва маданият тарихига бағишланган Респ. конф. материаллари. – Қарши, 2011.
117. Суғдиёнада нарх-наво. – Ҳуқуқ ва бурч . 2011. №4. – Б.34–36.
118. Социолингвистический подход к тексту “Эдикта Хунмин Чоным” короля Кореи Седжона. – The 11th international Conference on Korean Studies. July 6-7. Tashkent, 2011. – P. 122-124
119. Mug‘dag‘i sog‘d Bilgelerinde go‘riilen eski turkce unvanlar. Utukennen Istambul'a. – Turkipenin 1290 yili (720-2010). Sempozyumu. Sahifa 12–13.
120. “Авеста” матнларидан намуналар. – Ўзбекистон тарихи хрестоматияси. I китоб. – Т., 2014
121. Суғд ёзма ёдгорликлари. – Ўзбекистон тарихи хрестоматияси. II китоб, 1-қисм. – Т., 2014.
122. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. – Илмий-назарий конференция материаллари. – I китоб. Т., 2009.
123. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик изланишлари. – Илмий-назарий конференция материаллари. II китоб. – Т., 2010.
124. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. III китоб. – Т., 2011.
125. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. IVкитоб. – Т., 2012.
126. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. V китоб. – Т., 2013.
127. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. VI китоб. – Т., 2014.
128. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. VII китоб. – Т., 2015.
129. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. VIII китоб. – Т., 2016.
130. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихшунослик, тарих тадқиқотлари методи ва методологияси масалалари. – Илмий-назарий конференция материаллари. IX китоб. – Т., 2016.
131. Ўзбек халқининг келиб чиқиши. А.Асқаров. – Тахрир ҳайъати аъзолиги.

132. “Авесто”. Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Т.: 2001. – Тахрир ҳайъати аъзолиги.
133. XVI–XVIII асрларда Миёнкол. – К.Пардаевнинг монографияси. Т.: 2014.
134. Древнетюркские монеты Чачского оазиса. – Ғ. Бобоёровнинг монографияси. Т.: Изд-во НБ им.А.Навои, 2007.
135. Сўнгти ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларининг ташқи иқтисодий алоқалари. Т.: ТДШИ, 2009.
136. Земледелие и садоводство у древних тюроков. – Ш. Камолиддиннинг монографияси. Т.: 2015.
137. Қадимги Хоразмда ёзув ва ёзув маданияти. // “Мерос” журнали , 2016.
138. Илк ўрта асрларда Суғд, Уструшона ва Чоч муносабатларига доир. – “Буюк ипак йўлида Уструшона (антик давр ва ўрта асрлар). Респуб. илмий анжум мат-ри. 2016.
139. Тарих тадқиқотлари методи ва методологияси ҳақида айрим мулоҳазалар. – ТДШИ Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасининг йиллик анъанавий Республика конференциси материаллари. 8-китоб.
140. Яна бир бора тарих тадқиқотлари методи ва методологияси муаммолари ҳақида. // “Водийнома” журнали, 2016.
141. Абу Райхон Беруний ибратларидан. // “Водийнома” журнали, 2018, № 1.
142. Марказий Осиё динлари тарихи. – Тошкент. ТДШИ, 2006.
143. История религий народов Центральной Азии. – Ташкент. ТГИВ, 2006.
144. Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни. –Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашри, 2009.
145. Ёрдамчи тарихий фанлар. – Тошкент: ТДШИ, 2015.
146. Архившунослик. – Тошкент. ТДШИ, 2010.
147. Архившунослик. – Тошкент. ТДШИ, 2018.
148. Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги. – Тошкент: ТДШИ, 2015.
149. Тарихий метрология ва хронология. – Тошкент: ТДШИ, 2015.
150. Мутахассисликнинг назарий масалалари. – Тошкент: ТДШИ, 2015.
151. Марказий Осиё қадими ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи. – Тошкент. ТДШИ, 2015.
152. Материалы по истории земледельческой и гордской культуры древнетюркских народов (Хрестоматия). – Тошкент: Extremum press. 2015.
153. Ёрдамчи тарих фанлари. Ўқув қўлланма ОЎМТВ 2018 й. 14 июнь 531-сонли буйруғига биноан сертификат. Нашрга олиш рўйхати рақами 531-017.
154. Марказий Осиё қадимги ёзувлари ва ёзув маданияти тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2015.
155. Абу Райхон Беруний. Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир. Минералогия. Азизхон Қаюмов таржимаси. Тошкент: Миллий энциклопедия нашриёти. – 2017. Ноширлар гурӯҳи: А.Ҳасанов, М.Исҳоқов, О.Хайтова, Р.Уразова.

156. On the issue of structural and content contradictions in the texts of Avesta – International journal of Current Research, Vol.10, Issue. 12 pp. 76177–76180 December 2018.
157. Авестонинг Ясна наскида Зардушт “Гоҳ”ларига кириш ва якуний бандлар ҳақида. // Шарқшунослик журнали, 2019. 1-сон.
158. Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида буддавийлик ва зардустийлик ҳақида. // Шарқ машъали. 2018, 4-сон.
159. Аждодларимизнинг ҳуқуқий, ижтимоий тафаккури мероси. – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Давлат маддияси 26 йиллигига ТДШИ, НДПИ, НВ қасб-хунар таълим бошқармаси, НП ва хизмат кўрсатиш КХ коллежи ҳамкорликдаги конференцияси материаллари тўплами. –Навоий, 2018. –Б. 5–12.
160. Зардустийлик ва авестатанув баёзига Кириш сўзи. – Авеста ва зардустийлик хрестоматияси. – ЎзМУ қошидаги фалсафа тадқиқотлари ва таълим маркази нашри. 2018.
161. Беруний асарларида Хитой билан боғлиқ маълумотлар. – Ўзбекистон-Хитой: тарихий маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар. Халқаро илмий-амалийконференция материаллари. – Тошкент, 2018 . – Б.299–302.
162. Авеста. Видевдот китоби. Илмий изоҳли таржима. – “Мумтоз сўз” нашриёти. – Тошкент, 2018. – 108 б. ЎзМУ Фалсафа тадқиқотлари ва таълими маркази.
163. Зардустийлик хрестоматияси. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2017: Авеста. Яшт китоби; Авеста. Зардушт “Гоҳ”ларидан термалар. Изоҳли илмий таржима қисмлари.
164. Армон бўлиб қолган бир сухбатнинг кечиккан баёни. – “Водийнома” журн., 2019, № 2.
165. Ўзбекистон тарихи. Бир томлик лойиҳаси учун “Авеста ва давлатчилик тарихи” боби ёзиб топширилган.
166. Ўзбекистон тарихи. Бир томлик лойиҳаси учун Ибтидоий давр тарихи бўлимида А.Аскаров, Р.Сулаймоновлар билан ҳаммуаллифликда.
167. Ўзбекистон тарихи. Бир томлик лойиҳаси учун “Илк ўрта асрлар” бобида Отахўжаев, Бобоёровлар билан ҳаммуаллиф.
168. Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асарида “тат” атамаси ҳақида.– Хитойшунослик йиллик халқаро конференцияси материаллари тўпламида, 2019.
169. Абу Райхон Беруний “Минералогия” асарида Хитой ҳақида маълумотлар. – Хитойшунослик йиллик халқаро конференцияси материаллари тўплами, 2018.
170. Илк ўрта асрларда Уструшананинг сиёсий мақоми. Қадимий Жиззах воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. – Респ. илмий-амалий конф. мат-лари. – Жиззах, 2019.

171. Ислом цивилизацяси марқази “Марқазий Осиё ёзув маданияти” экспо кўргазмаси учун 2- бўлими муаллифи / Бўлим концепцияси, презентатив материал, изоҳлари.
172. Р. Шамсутдинов. “Ўзбекистон тарихи”китобига тақриз.
173. Phallitic symbolic images in Sarmishsay Rock paintings//EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – P.110–114.
174. Бред о приёмных «родственниках» алан-осетин или ностальгия не по адресу (Некоторые соображения по поводу двух статей З.Э.Джоевой, опубликованных в журнале «Вопросы истории», № за 20 год). Рецензия.
175. Древняя письменная культура народов Центральной Азии. Исхаков М.М. для гранта Музея истории АН Уз от Центра Исламской цивилизации Узбекистана.
176. Исҳоқов М.М., Маҳмудова Г.Т., Жалолов Б. Зардуштийлик хрестоматияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017(2022). -375 б.
177. Avesta. “Videvdot” kitobi. – Toshkent: Mumtoz so‘z”, 2017 (2022). – 121 b.
178. Авестача “Грехма”, “Грехмо”, ўзбекча – “ғарам”. Этимологик лавҳа. Авестология тадқиқотлари. – “Мумтоз сўз”, 2018 (2022). – Б.14–15.
179. Зартуштра(Зардушт)нинг шахси ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Авестология тадқиқотлари. – “Мумтоз сўз”, 2018 (2022). – Б.15–23.
180. Авеста “Ясна” наскининг 51- қўшиғи ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Авестология тадқиқотлари. – “Мумтоз сўз”, 2018 (2022). – Б.24–30.
181. Авеста Зардушти “Гоҳ”ларининг маъно ўтириларни ва герменевтик талқинлари. – Тошкент: Bookmany print, 2022. 304 б.
182. ЮНЕСКО “Память мира” лойиҳаси асосида Самарқанд МИЦАИ нинг “Суғд ёзма ёдгорликлари каталоги” лойиҳасининг ижрочилиридан бири ва консультанти. – Самарқанд, 2022.
183. Исломгача Марказий Осиё ёзувлари ва ёзув маданиятининг цивилизацион моҳияти ва тараққиётининг илк босқичлари. / Марказий Осиё жаҳон цивилизацялари тизимида. ЎзР ФА Тарих музейи гранти учун бўлим. – Тошкент, 2022. – Б. 100–143.

МУНДАРИЖА

<i>Г. Рихсиеva.</i> Қутлов	3
Мирсодик Исҳоқовнинг илмий ва педагогик йўли	
<i>Б. Гойибов.</i> Мирсодик Исҳоқов ва жаҳон суғдшунослиги	6
<i>Э. Ахунджсанов.</i> Слово о друге – единомышленнике	25
Мирсодик Исҳоқов ҳақида олимлар, дўстлари ва яқин кишиларининг қўнгил сўзлари	
<i>A. Асқаров.</i> М.М. Исҳоқов – замонамизнинг етук манбашунос тарихчиси ва ёшларнинг ардоқли мураббийси	33
<i>O. Бўриев.</i> Суғдшунослик соҳасида таниқли олим	37
<i>Ҳ. Дабабоев.</i> Меҳнатни саодатнинг калити санаган олим	39
<i>C. Каримова.</i> Серқирра олим	41
<i>Қ. Содиқов.</i> Эзгу ўй, теран билим, бағрикенглик билан яшаётган олим	42
<i>З. Исломов.</i> Ноёб истеъдод соҳиби	46
<i>Қ. Омонов.</i> Яхшиларнинг яхшиси	50
<i>H. Низомиддинов.</i> Башарий диншунослик фанига оид тадқиқот соҳиби	52
<i>Қ. Собиров.</i> Кўхна суғд тилини қайта тиклаган олим	53
<i>A. Отахўжаев.</i> Биринчи шогирдлик фахри ва масъулияти	55
<i>A. Аширов.</i> Қомусий олим ва меҳрибон устоз	59
<i>P. Холиқова.</i> Жонкуяр инсон – ибрат мактаби, туганмас энергия соҳиби	61
<i>O. Бўриев.</i> Аллоҳ нури тажассум этган етук аллома	63
<i>A. Каримов.</i> Ўзгаларга ўrnak бўла оладиган инсон	67
<i>Ж. Зиямуҳамедов.</i> Онасини эъзозлаган таниқли олим	69
<i>Ҳ. Ҳамидов.</i> Мирсодик ака – санъат шайдоси	72
<i>Ҳ. Файзиев.</i> Самимий ва камтарин устоз	74
<i>F. Бобоёрөв.</i> Устоз бир денгиз...	77
<i>И. Ёрматов.</i> Ўзбек шарқшунослигининг йирик намояндаси	81
<i>T. Ҳайит.</i> Табассум – қалб қуёши	84
<i>P. Алимова.</i> Забардаст тарихчи олим ва устоз	87
<i>Ҳ. Бердиев.</i> Эл билса бўлди...	89
<i>Ф. Ҳасанов.</i> Серқирра ижодкор	92
<i>P. Арслонзода.</i> Сермазмун умр соҳиби	93
<i>P. Уразова.</i> Устоз азиз, устоз мўътабар	97
<i>И. Салаев.</i> Камтарлиги ва самимийлигини шогирдлари кўнглига кўчира олган устоз	102
<i>O. Канимқулов.</i> Суғдшунослик сардори ва бағрикенглик тимсоли	107
<i>Ҳ. Азимов.</i> Устоз Мирсодик Исҳоқов ҳақида икки оғиз илиқ сўз	110
<i>И. Худойназаров.</i> Устозим аллома инсон	111
Мирсодик Исҳоқовнинг чоп этилган илмий асрлари	114

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ТЕРАН БИЛИМЛИ ВА БАГРИКЕНГ ОЛИМ

**Тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси
ИСХОҚОВ МИРСОДИҚ МИРСУЛТОН ЎҒЛИ
80 ёшда**

**ТЕРАН БИЛИМЛИ
ВА БАГРИКЕНГ ОЛИМ**

**Тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси
ИСХОҚОВ МИРСОДИҚ МИРСУЛТОН ЎҒЛИ
80 ёшда**

Масъулмуррип:
Қосимжон Содиков, филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:
Қудратулла Омонов, филология фанлари доктори, профессор.
Зухриддин Алимов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

*Рисола Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгашининг 2022 йил 29 декабрдаги 5-сонли мажлис қарори
билин чоп этишига тавсия этилган.*

Босишига руҳсат этилди: 12.01.2023
Бичими 60x84 1/16 Шартли 8 б.т.
100 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент давлат шарқшунослик
университетининг кичик босмахонаси.
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 20-уй.